



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
БОШ ПРОКУРАТУРАСИ
АКАДЕМИЯСИ

АХБОРОТНОМАСИ

№2 (34) 2018

Et docere et discere servitute legis

Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш ижтимоий ва сиёсий барқарорлик

Ethical rules governing the conduct of Federal prosecutors in the United States: a multi-tiered approach to enforce high standards of conduct

Воспоминания о нашем дорогом учителе: научное наследие, жизненный путь академика А.Агзамходжаева

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ва фуқаролик жамияти институтлари ўзаро ҳамкорлигининг принциплари



THE ACADEMY OF
THE GENERAL PROSECUTOR'S OFFICE
OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN





МУАССИС:

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
БОШ ПРОКУРАТУРАСИ
АКАДЕМИЯСИ

Бош муҳаррир:

Евгений Коленко

Масъул котиб:

Гофуржон Алимов

Таҳрир ҳайъати:

Дилшод Раҳимов

Ботир Қудратходжаев

Умарбек Халилов

Халим Болтаев

Рустам Гафуров

Худойкул Азизов

Аброр Отажонов

Мирақбар Раҳмонқулов

Музаффар Мамасидиқов

Мансурхон Камолов

Бахтиёр Пўлатов

Фаҳри Раҳимов

Сурайё Раҳмонова

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 2010 йил 7 январда 0580-сонли гувоҳнома билан рўйхатга олинди, 2018 йил 13 июнда қайта рўйхатдан ўтган.

2010 йил январь ойидан чиқа бошлаган.

Журнал Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурдаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг (2013 йил 30 декабрь 201/3-сонли) 2018 йил 30 майдаги 253/7-сонли Қарори билан диссертациялар асосий илмий натижаларини нашр қилиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига юридик фанлар бўйича киритилган.

Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин. Журналда чоп этилган материаллардан фойдаланилганда «Ўзбекистон Республикаси Академияси Ахборотнома-си»дан олинди деб кўрсатилиши шарт.

Таҳририят тақдим этилган мақо-лаларни тақриз қилиш ва қай-тариш мажбуриятларини олма-ган.

Манзил:

100047, Тошкент шаҳри,
Махтумқули кўчаси, 59-уй

web-site: www.procademy.uz

e-mail: procademy@prokuratura.uz

Саҳифаловчи:

Сарварбек Бобононов

Буюртма №__ Адади:1000

Журнал «Аргументы и факты
Узбекистан» МЧЖ ҚҚ босмахонасида
чоп этилди. Манзил: Тошкент шаҳри,
Элбек кўчаси, 8-уй.

МУНДАРИЖА

Е.КОЛЕНКО

Юқори малакали, илғор фикрлайдиган, замон талабларига жавоб берадиган кадрлар — тараққиётимиз кафолати

1

Э.ТУЛЯКОВ

Инвестицияларни рағбатлантириш ва ўзаро химоя қилиш тўғрисидаги икки томонлама битимларнинг аҳамияти ва роли

6

G.WEDDLE

Ethical rules governing the conduct of Federal prosecutors in the United States: a multi-tiered approach to enforce high standards of conduct

11

Б.ПЎЛАТОВ

Шахсга қарши зўрлик ишлатиб содир этилган жиноятларнинг виктимологик профилактикаси

17

И.ХАМЕДОВ

Воспоминания о нашем дорогом учителе: научное наследие, жизненный путь академика

20

М.КАМАЛОВ

Акциядорлик жамиятини бошқарувда ижроия органларининг ваколатлари

23

Р.ЗУФАРОВ

Понятие коррупции и некоторые меры предупреждения

27

Ф.МУХИТДИНОВА

Абу Наср Фаробийнинг қонун ва уни тарғиб этиш ҳақидаги қарашларининг аҳамияти ва долзарблиги

32

Р.ГАФУРОВ

Краткий обзор национального законодательства в сфере противодействия торговли людьми

37

Б.ЛАТИПОВ

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ва фуқаролик жамияти институтлари ўзаро ҳамкорлигининг принциплари

41

А.ХИДОЯТУЛЛАЕВ

Банк кафолати асосида мажбуриятлар бажарилишини таъминлашнинг ўзига хос хусусиятлари

45

М.АМИНЖОНОВА

Суғурта ташкилоти ходимларининг агент сифатида фаолият юритиши билан боғлиқ муаммолар

49

Х.КАРИМОВ

Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш учун жавобгарлик: қиёсий-ҳуқуқий таҳлил

52

И.АСТАНОВ

Экспертиза тайинлаш тартиби ва унда ҳал қилинадиган тактик масалалар

58

Ж.НЕМАТОВ

Германия маъмурий процедуралар тўғрисидаги қонунининг ўзига хос хусусиятлари

63

М.ДЎСТҚОРИЕВ

Фуқаролик процессида одил судловга кўмаклашувчи шахслар иштирокини янада такомиллаштириш масалалари

68

Ш.ҚУЛМАТОВ

Суд-ҳуқуқ ислохотларининг ҳозирги босқичида процессуал мажбуриятларнинг такомиллашуви

71

Э.ХОМИДОВ

Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш ижтимоий ва сиёсий барқарорлик кафолати

75

Янги китоб

83

Евгений КОЛЕНКО,
Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси
Академияси бошлиғи

ЮҚОРИ МАЛАКАЛИ, ИЛФОР ФИКРЛАЙДИГАН, ЗАМОН ТАЛАБЛАРИГА ЖАВОБ БЕРАДИГАН КАДРЛАР – ТАРАҚҚИЁТИМИЗ КАФОЛАТИ

◆ Мақолада прокуратура органларининг сўнгги йиллардаги жадал такомиллашуви, янгича мазмун билан бойитилиши муносабати билан прокуратура органлари ходимларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ҳамда малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш масалалари ёритилган. Шу билан бирга, Бош прокуратура Академиясининг ташкил этилиши, фаолияти ва тузилмаси таҳлил қилинган.

◆ В статье освещены вопросы совершенствования системы подготовки, переподготовки и повышения квалификации сотрудников органов прокуратуры в связи с активным совершенствованием, обогащением новым смыслом органов прокуратуры. Вместе с тем, проведен анализ организации, деятельности и структуры Академии Генеральной прокуратуры.

◆ The article highlights the issues of improving the system of training, retraining and advanced training of employees of the prosecutor's office in connection with the active improvement and enrichment of the prosecutor's office with a new meaning. At the same time, the organization, activity and structure of the Academy of the General Prosecutor's Office have been analyzed.

Таянч сўзлар: тайёрлаш, малака ошириш, илмий салоҳият, “Йўл харитаси”, масофавий таълим, Академия.

Ключевые слова: подготовка, повышение квалификации, научный потенциал, «дорожная карта», дистанционное обучение, Академия.

Key words: training, advanced training, research potential, “road map”, distance learning, the Academy.

Мамлакатимизда давлат бошқарувини такомиллаштириш ва демократлаштириш, аҳолининг турмуш даражаси ҳамда сифатини ошириш, ҳудудларни комплекс ривожлантириш борасида кенг қўламли ислохотлар амалга оширилмоқда. Ушбу жараёнда қонун устуворлигини таъминлаш, қонунийликни мустаҳкамлашда прокуратура органлари ходимларининг зиммасидаги масъулият янада ортди.

Прокуратура органларининг фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлатнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоялаш, жиноятчилик ҳамда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, профилактика қилиш борасидаги фаолияти изчил такомиллаштирилмоқда.

Ҳаракатлар стратегияси доирасида амалга оширилаётган ислохотлар натижасида инсон ҳуқуқлари кафолатини таъминлашга қаратилган амалий чора-тадбирлар кучайтирилди. Халқ билан бевосита мулоқотда бўлиш, уларнинг муаммоларини жойида ҳал этиш имкониятининг кенгайгани жиноят ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари-

ни ишончли ҳимоя қилишга хизмат қилмоқда.

Албатта, бу вазифаларнинг самарали бажарилиши прокуратура ходимларидан чуқур билим ва юксак тажриба талаб қилади. Бу эса уларнинг малакасини мунтазам ошириб бориш, амалий ва назарий кўникмаларини такомиллаштириш, касбий қайта тайёрлашни тақозо этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 7 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Олий ўқув курсларини ташкил этиш тўғрисида”ги Қарори билан Қонунчиликни мустаҳкамлаш муаммолари ва прокурортергов ходимлари малакасини ошириш маркази тугатилиб, унинг негизида Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Олий ўқув курслари ташкил этилган эди. 2007-2017 йиллар давомида мазкур даргоҳда 4318 нафар ходим малакасини оширди, 186 нафар раҳбар кадр қайта тайёрланди.

Таъкидлаш жоизки, ҳуқуқий ислохотлар жараёнида прокуратура органларига юклатилган янги вазифалар тизимини янада такомиллаштиришни тақозо этди. Ушбу эҳтиёждан келиб чиққан ҳолда

Бош прокуратура тузилмасида бир қанча янги таркибий тармоқлар ташкил этилди. Хусусан, Бош прокуратура ҳузурида Мажбурий ижро бюроси ҳамда Агросаноат мажмуи ва озиқ-овқат хавфсизлиги таъминланиши устидан назорат қилиш инспекцияси ташкил этилиб, прокуратура органлари ходимлари сони 2016 йилга нисбатан уч баробар ортди.

Шунингдек, прокуратура органларида нафақат ҳуқуқшунослар, балки эҳтиёждан келиб чиққан ҳолда иқтисодиёт, молия, социология, ахборот-коммуникация технологиялари ва бошқа соҳалардаги олий маълумотли, зарур билим ҳамда тажрибага эга бўлган мутахассислар фаолият юритиши белгиланди.

Прокуратура органлари тизимининг динамик ривожланиши ҳамда олдида турган вазифаларни самарали ижро этиш зарурияти — юқори касбий даражага эга бўлган, замонавий талабларни инobatга олган ҳолда вазифаларини тўлақонли бажара оладиган, халқ манфаатини ҳамма нарсадан устун қўядиган, халққа хизмат қилишни устувор вазифа, деб ҳисоблайдиган муносиб кадрларни тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини йўлга қўйиш юзасидан зарур чора-тадбирлар қўрилишига сабаб бўлди.

Шу боисдан, 2018 йил 8 майда Давлатимиз раҳбарининг **“Прокуратура органлари кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”**ги Фармони қабул қилинди. Фармонни ишлаб чиқишда илғор хорижий мамлакатлар (Сингапур, АҚШ, Франция, Германия, Россия Федерацияси ва бошқалар)нинг тажрибалари ҳамда миллий қонунчиликнинг ўзига хос жиҳатлари инobatга олиниб, Бош прокуратуранинг Олий ўқув курслари негизида **Бош прокуратура Академияси** ташкил қилинди.

Мазкур фармон билан:

— прокуратура органлари ходимларида касбий билим ва кўникмаларни, шу жумладан, тизимли таҳлил ва танқидий фикрлашни, шахсий ҳамда ишчанлик сифатларини ривожлантириш ва такомиллаштириш, қонунларга, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига сўзсиз риоя этилиши юзасидан адолат ва масъулият каби юксак туйғуларни шакллантириш ва мустаҳкамлашни таъминлашга хизмат қилувчи кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишнинг ягона тизимини ташкил этиш;

— Академия фаолиятига замонавий педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларини, масофавий таълимни, ўқитишнинг интерфаол ва муаммовий-вазиятли услубларини, тренинглар ўтказишни кенг жорий этиш;

— прокуратура органлари фаолиятини илмий-методик таъминлаш, илмий-амалий ва инноваци-

он тадқиқотлар ўтказиш, қонун устуворлигини таъминлаш, қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ва тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва эркинликларини, жамият ва давлатнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш, ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг долзарб муаммолари юзасидан тизимли асосда илмий-тадқиқот дастурлари ва лойиҳаларини ишлаб чиқиш, шу жумладан, миллий, хорижий ва халқаро грантларни жалб қилган ҳолда амалга ошириш каби Академия фаолиятининг асосий йўналишлари ва вазифалари белгилаб берилди.

Франция, Россия Федерацияси, Латвия, Қозғистон, Украина ва бошқа давлатларнинг тажрибаси ўрганилган ҳолда, Академия таркибида магистратура бўлимининг ташкил этилиши кўзда тутилди. Бу эса прокуратура органларининг фаолият йўналишлари бўйича олий малакали илмий ва илмий-педагогик кадрлар тайёрлашни таъминлаш билан бир қаторда, ягона ҳуқуқни қўллаш амалиётини шакллантириш ҳамда қонунчиликни такомиллаштириш бўйича илмий асосланган хулоса ва тавсиялар ишлаб чиқиш, ўқитишнинг амалий хусусиятига ва прокуратура органлари ходимларининг касбий фаолияти билан узвий боғлиқликка таянган ҳолда кадрлар тайёрлашга хизмат қилади.

Хусусан, Академияда 2019/2020 йилдан бошлаб магистрлар тайёрлаш, шу жумладан, прокуратура органларида камида 5 йиллик иш стажига ва бошқа мутахассислик йўналишлари бўйича олий маълумотга эга бўлган прокуратура органлари ходимларини ўқитиш жорий этилмоқда.

Назария ва амалиётнинг узвий алоқасини таъминлаш механизмларини татбиқ этишда Германия, Франция ва АҚШнинг ўқув жараёнига ротация асосида амалдаги прокурорлар ва судьяларни кенг жалб қилиш борасидаги ижобий тажрибасидан намуна олинди. Жумладан, фармонда прокуратура органлари ходимлари Академияда хизматни ўташга келгусида унга тенг бошқа лавозимда хизматни давом эттириши таъминланган ҳолда, ротация тартибида жалб этилиши белгилаб берилди.

Шунингдек, ўқув жараёни сифатини ошириш бўйича тажриба алмашиш, саъй-ҳаракатларни бирлаштириш мақсадида юридик кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишга масъул бўлган ўқув ва илмий-тадқиқот муассасалари, шу жумладан, хорижий давлатлар муассасалари билан самарали идоралараро ҳамкорликни амалга ошириш ҳам Академиянинг асосий вазифаси қилиб белгиланди.

Бугунги кунда ушбу йўналишда Академия ва бир қатор хорижий ҳамкорлар билан меморандумлар имзоланди. Жумладан, Польша давлат суд ишини юритиш ва прокуратура академияси, Француз магистратлар Миллий мактаби, Россия

Федерацияси Бош прокуратураси академияси, Хитой Халқ Республикаси Олий халқ прокуратураси прокурорлар давлат академияси, Корея Республикаси қонунчилик тадқиқотлари институти каби ўнга яқин хорижий таълим муассасалари билан ҳамкорлик тўғрисидаги меморандумлар доирасида ишлар давом эттирилмоқда.

Академия таркибида 7 та кафедра мавжуд бўлиб, Прокурорлик фаолиятини ташкил этиш ва бошқариш кафедраси тингловчиларда тизимли таҳлил қилиш, фаолиятни режалаштириш ва унинг бажарилишини ташкиллаштириш, бошқарувчилик ҳамда кадрлар билан ишлаш кўникмаларини шакллантириш ва ривожлантириш мақсадида ташкил этилди.

Давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 23 майдаги ПФ-5446-сон Фармонида асосан Бош прокуратура ҳузуридаги Солик, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаментининг вазифалари, функциялари ва ваколатлари тубдан қайта кўриб чиқилиб, мазкур тармоқ Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти этиб қайта ташкил этилди ҳамда унинг олдида соҳа фаолияти самарадорлигини оширишга қаратилган қатор муҳим вазифалар кўйилди.

Ушбу вазифаларнинг тўлиқ ва сифатли бажарилишини таъминлашда ходимларнинг билими ва малакасини ошириб бориш муҳим аҳамият касб этишини эътиборга олиб, Академияда Иқтисодий жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашишни ташкил этиш кафедраси тузилди.

Шу билан бирга, Мажбурий ижро бюроси фаолиятининг ҳуқуқий асослари, суд ва бошқа органлар ҳужжатларининг ижросини таъминлаш мақсадида Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини мажбурий ижро этиш кафедраси фаолияти йўлга қўйилди.

Бугунги глобаллашув жараёнида олий маълумотли юристан нафақат касбий фаолияти бўйича, балки чет тилларни билиши даражаси бўйича ҳам юқори тайёргарликка эга бўлиш талаб қилинади. Ходимларни чет тилларга ўқитиш, хорижий тилларда эркин сўзлаша оладиган прокурорларни тайёрлаш тизимини яратиш ҳамда бунинг негизида, уларнинг илғор давлатларнинг ҳуқуқни қўллаш амалиёти ютуқлари ҳамда дунё ахборот ресурсларидан кенг кўламда фойдаланишлари, халқаро ҳамкорлик ва мулоқотни ривожлантиришлари учун шарт-шароит яратиш мақсадида Тил ўргатиш кафедраси ҳам ташкил қилинди.

Бундан ташқари, Академияда ўқув жараёнини психологик жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, шунингдек, ходимлар ва тингловчиларда хизмат фаолиятини амалга оширишда зарур бўладиган психологик кўникмаларни шакллантириш мақсадида

Психологик таъминлаш бўлими фаолияти йўлга қўйилди.

Ҳуқуқшунослик фанларининг долзарб муаммолари юзасидан тизимли асосда илмий-тадқиқот дастурлари ва лойиҳаларини амалга ошириш, халқаро тажрибани ўрганиш ҳамда илмий ходимлар тайёрлаб бориш Ҳуқуқий муаммоларни илмий-амалий ва инновацион тадқиқ қилиш ҳамда илмий ходимларни тайёрлаш марказининг асосий вазифаси этиб белгиланди.

Хориждаги етук таълим ва илмий муассасалар билан қўшма илмий тадқиқотлар ўтказиш, норматив-ҳуқуқий, методик ва таҳлилий хусусиятга эга бўлган маълумотларни алмашиш, ўқув жараёнига хорижий мутахассисларни жалб қилиш, педагог, илмий ходимлар ва тингловчиларнинг стажировкаларини ташкил этиш соҳаларида халқаро ҳамкорликни йўлга қўйиш мақсадида Академия тузилмасида Халқаро ҳамкорлик бўлими ташкил этилиши фармонда белгилаб қўйилди.

Бугунги кунда прокуратура органлари олдида турган долзарб масалалардан бири коррупцияга қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси. Ушбу масалаларни ўрганиш, илмий-амалий таклифлар ва антикоррупцион фаолиятни такомиллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқишда мувофиқлаштирилган тизимли ёндашувни амалга ошириш ҳамда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, жиноятчилик ва коррупцияга қарши курашиш соҳасида ўзаро ҳамкорлик масалалари юзасидан давлат органлари ва бошқа ташкилотлар ходимларининг малакасини ошириш масалалари эътибордан четда қолаётган эди. Академия тузилмасида Коррупцияга қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси илмий-таълим марказининг ташкил этилиши ҳам прокуратура органларига бу борада юклатилган вазифаларнинг самарали бажарилиши механизми таъминлашга хизмат қилади.

Ҳозирги кунда тараққиёт жуда тез ривожланиб, ҳар бир кунимиз ахборот оқими остида кечмоқда. Шунинг учун замонавий билимларни ўзлаштиришда илғор ахборот технологияларидан унумли фойдаланиш бугунги куннинг талабига айланди.

Хусусан, масофавий таълим услуби шулар жумласидан бўлиб, сиртқи ўқишнинг ушбу янги шаклида тингловчи ўзига қулай вақтда ва ишдан ажралмаган ҳолда билим олиши мумкин. Шунингдек, у инсоннинг мустақил фикрлаш, ҳолатни баҳолаш, хулоса ва башорат қилиш қобилиятларини ривожлантиради.

Айнан шундай афзалликлари туфайли ушбу тизим ҳозирги кунда дунёда кенг тарқалган. Кўплаб йирик корхоналар мутахассисларининг малакасини оширишда ушбу услубдан фойдаланиб, йилига миллионлаб пул маблағлари тежалмоқда. Жумладан, АҚШ, Испания ва Польша

каби давлатларда прокурорларни тайёрлашда масофавий таълим усуллари кенг фойдаланилмоқда.

Академиянинг ўқув жараёни ва илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш учун ахборот-коммуникация технологияларидан, шу жумладан, видео-конференцалоқа ва масофавий таълим усуллари фойдаланган ҳолда «Электрон таълим» миллий тармоғига уланиш борасида тадбирларнинг назарда тутилганлиги ва тегишли бўлимнинг тузилмага киритилганлиги ҳам муҳим янгилик бўлди.

Прокуратура органларига илк бор ишга қабул қилинган номзодларни қайта тайёрлаш борасида хорижий давлатлар тажрибасига назар солсак, прокуратура органларига қабул қилинганлар Польша, Германия ва Францияда 3 йил, Японияда 13 ой бошланғич қайта тайёрлашни ўтайдилар. Ушбу ижобий тажрибани эътиборга олиб, номзодлар прокуратура стажёри лавозимига тайинланганига қадар уларда амалий кўникмаларни шакллантириш мақсадида прокурор-тергов иши ва прокуратура органларида иш юриштириш ташкил қилиш асосларини ўқитишга йўналтирилган, давомийлиги 576 соатдан кам бўлмаган касбий қайта тайёрлашдан ўтишлари лозимлиги белгиланди.

Қайд этиш керакки, илгари прокуратура органлари ходимларининг малакасини ошириб боришнинг аниқ муддатлари белгиланмаган ҳамда бу соҳада ишлар тизимли ташкиллаштирилмаган эди. Ушбу масаланинг ечими сифатида фармон билан прокуратура органлари ходимлари малакасини оширишнинг даврийлиги ҳар уч йилда камида бир мартани ташкил этиши тўғрисидаги қоида киритилиб, бу борада амалий механизмлар белгилаб берилди. Шунингдек, Академиянинг ўқитувчилари, тингловчилари ва прокуратура органлари ходимларини хорижий мамлакатлар таълим муассасаларида стажировка ўташи, юриспруденциянинг долзарб масалалари бўйича доимий равишда халқаро илмий-амалий форумларда иштирок этишини ташкил этиш каби масалалар ҳам фармоннинг муҳим жиҳатларидан бўлди, дейиш мумкин.

Бундан ташқари, Академия ходимларининг илмий салоҳиятини ошириш ва прокуратура органларида юриспруденциянинг долзарб масалалари юзасидан илмий ишлар қилишини рағбатлантириш ҳамда бундай фаолиятни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадида олий ўқув юртидан кейинги таълим институтини ҳамда илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш тузиш ва унинг фаолиятини ташкил этиш вазифаси белгилаб берилди.

Мазкур вазифа ижросини таъминлаш бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси

Юридик фанлар бўйича эксперт кенгашининг ҳуросаси ҳамда Раёсатининг тегишли қарори асосида Бош прокуратура Академияси ҳузурида фалсафа доктори (PhD) ва фан доктори (DSc) илмий даражасини берувчи кенгаш ташкил этилди. Ушбу кенгаш суд ҳокимияти, прокурор назорати, ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолияти ва адвокатуранинг институционал ва фундаментал асосларини тадқиқ этиш фаолиятини амалга оширади.

Фармонда Академия профессор-ўқитувчиларининг илмий салоҳиятини қадрлаш мақсадида фан номзоди ёки фалсафа доктори (Doctor of Philosophy), фан доктори (Doctor of Science) илмий даражасига, шунингдек, уларга тенглаштирилган, хорижий мамлакатларда олинган ҳамда Ўзбекистон Республикасида ўрнатилган тартибда тан олинган бошқа илмий даражаларга ёки профессор ёхуд доцент илмий унвонига эга бўлган прокуратура органлари ходимларига улар эгаллаб турган лавозимларидан қатъи назар, навбатдан ташқари тартибда “адлия кичик маслаҳатчиси” ҳамда “адлия маслаҳатчиси” даражасига унвонлари берилиши, илмий унвон мавжудлиги учун ходимларга қонун ҳужжатларга мувофиқ устама ҳақлар тўланиши каби қоидалар киритилди. Бундай имтиёзнинг белгиланиши прокуратура органлари ходимларига нафақат юқори даражадаги амалий тажрибага эга бўлиш, балки илмий салоҳиятни юксак даражага кўтариш имконини беради.

Шунингдек, Академиянинг самарали фаолият кўрсатишини таъминлаш ва моддий-техник базасини мустаҳкамлаш бўйича “Йўл харитаси” тасдиқланди ва унда Бош прокуратура марказий маҳкамаси биноларининг мажмуаси таркибида Академиянинг янги, замонавий ўқув корпуси ва маъмурий биноси, меҳмонхона ва ётоқхона, Бош прокуратуранинг хизмат ўйи ва болалар боғчаси, ошхона ва бошқа янги бинолар қурилиши белгиланди.

Тингловчиларда амалий кўникмаларни шакллантириш учун имитацион суд мажлисларини ўтказиш, ўқ отиш, саф тайёргарлиги ва бошқа спорт машғулотлари ўтказиш учун моддий-техник база мавжуд бўлмаганлиги сабабли илгари ушбу машғулотлар бошқа ўқув муассасалари базасида амалга оширилган. Янги қуриладиган мажмуада Академиянинг спорт мажмуаси, криминалистик полигон, ўқ отиш тирини бунёд этиш, шунингдек, имитацион суд мажлисларини ўтказиш зали, моделлаштириш ва симуляция марказини ситуация ва симуляциявий машғулотлар ўтказиш учун зарур бўлган ўқитишнинг замонавий инновацион воситалари билан жиҳозлаш ҳам назарда тутилган.

Академиянинг Ахборот-ресурс маркази фондиди бойитиш ва тингловчиларга энг янги хори-

жий адабиётлардан фойдаланиш имкониятини яратиш мақсадида замонавий ўқув, илмий ва бошқа адабиётлар билан янгилаш, шу жумладан, маҳаллий ва хорижий ҳуқуқий ҳамда ахборот-таҳлилий нашрларга мунтазам обунасини таъминлаш, Академияни “Электрон таълим” миллий тармоғига, Миллий кутубхонанинг электрон ахборот-кутубхона фондига ва етакчи хорижий ахборот-кутубхона ресурслари фондларига улаш каби тадбирлар ҳам “Йўл харитаси”да белгилаб ўтилди.

Мухтасар қилиб айтганда, давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, прокуратура ходимлари юқори касбий малака ва юксак инсоний фази-

латлари билан давлат органлари хизматчиларига ўрнак бўлиши, ҳамиша адолат ва қонунийлик ҳимоясида туриши лозим¹. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Академиясининг ташкил этилиши шундай талабларга жавоб берадиган, тизимли таҳлил ва танқидий фикрлаш қобилиятига эга бўлган ходимларни тайёрлаш йўлида фаолият кўрсатиши шубҳасиз.

Бу эса ўз навбатида, прокуратура органлари ходимларида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилишга, қонунларга сўзсиз риоя этиш борасида адолат ва масъулият каби юксак туйғуларни шакллантиришга ва халқнинг ишончини қозонишига хизмат қилади.



¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг расмий веб-сайти
<http://president.uz/uz/lists/view/1470>

Элдор ТУЛЯКОВ,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси
Қонунчилик палатаси депутаты,

ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ РАҒБАТЛАНТИРИШ ВА ЎЗARO ҲИМОЯ ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДАГИ ИККИ ТОМОНЛАМА БИТИМЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ ВА РОЛИ

✦ Мақолада инвестицияларни рағбатлантириш ва ўзаро ҳимоя қилиш тўғрисидаги битимларнинг аҳамияти ва роли борасида фикр-мулоҳазалар юритилади. Хусусан, бу борада Ўзбекистоннинг битимларига тўхталиб, айнан мазкур турдаги битимлар чет эл инвестицияларининг ортишига хизмат қилиши таъкидланади.

✦ Статъя посвящается обсуждению роли и значимости двусторонних договоров о содействии и взаимной защите инвестиций. В частности в статье приводятся примеры из договоров Республики Узбекистан и отмечается их роль в увеличении потоков иностранных инвестиций.

✦ This paper discusses the role and influence of Bilateral Investment Treaties. For that purpose, examples are provided from the Uzbek BITs and thus, their role in the influence of the foreign investment increase are also noted.

Таянч сўзлар: Чет эл инвестицияси, чет эл инвестори, битим, низо

Ключевые слова: Иностранные инвестиции, иностранный инвестор, договор, спор

Key words: Foreign investment, foreign investor, BIT, dispute

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ташқи ишлар вазирлиги ва мамлакатимизнинг хорижий давлатлардаги элчихоналари фаолиятига бағишланган йиғилишдаги “Ўзбекистон манфаатларини халқаро миқёсда қатъий ҳимоя қилиш — дипломатик корпусимизнинг асосий вазифасидир” мавзусидаги нутқида Соҳибқирон Амир Темур бобомизнинг 1402 йилда Франция қироли Карл VI га йўллаган мактубида “Сиз, аъло ҳазратлари, ўз савдогарларингизни бизнинг мамлакатимизга юборсангиз. Биз ўз томонимиздан уларнинг иззат-ҳурматини сақлаш, уларга ҳеч ким зўрлик кўрсатиб, зиён-заҳмат етказмаслигини таъминлаймиз. Чунки дунё савдо аҳли билан обод ва фаровондир” деб ёзганига алоҳида тўхталиб ўтдилар. Дарҳақиқат, мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётида фаол ташқи сиёсат ва самарали дипломатиянинг аҳамияти ниҳоятда катта.

Ўзбекистоннинг ушбу йўналишдаги саъй-ҳаракати туфайли 2017 йили хорижий шерикларимиз билан 200 дан ортиқ халқаро шартномалар, шунингдек, савдо-иқтисодий ва инвестиция соҳаларида қиймати қарийб 60 миллиард долларлик келишув ҳамда битимлар имзоланди, чет эл мамлакатлари ва халқаро ташкилотлар билан амалий ҳамкорликни ривожлантириш бўйича 40 дан ортиқ “йўл хариталари” тасдиқланди.

Айни пайтда муҳтарам Президент дипломатик муассасаларимиз ўз фаолияти давомида, энг аввало, экспортни оширишга ҳисса қўшиши, мамлакатимиз саноати ва инфратузилмаларини мо-

дернизация қилиш ва ривожлантириш учун хорижий инвестициялар, илғор замонавий технологиялар ва илм-фан ютуқларини фаол жалб этиши, Ўзбекистонга келаётган сайёҳлар оқимини кўпайтириш бўйича ҳам фаол ва тизимли иш олиб бориши лозимлиги борасида энг муҳим вазифаларни белгилаб берди¹.

Шуни қайд этиш керакки, сўнгги йилларда дунё миқёсида тўғридан-тўғри инвестицияларнинг сезиларли даражада ортиши кузатилмоқда. Агар 1990 йили шундай инвестициялар салкам 205 миллиард АҚШ долларини ташкил қилган бўлса, 2000 йили 1 триллион 360 миллиард АҚШ долларидадан ортиқни, 2016 йилга келиб эса 1 триллион 746 миллиард АҚШ долларидадан зиёдни ташкил қилди. Умуман олганда, тўғридан-тўғри инвестицияларнинг асосий қисми ривожланаётган мамлакатлар ҳудудлари ҳиссасига тўғри келади. Жумладан, 1990 йил мазкур давлатлар иқтисодиётига киритилган инвестициялар 34 миллиард 648 миллион АҚШ долларидадан ортиқни ташкил этган бўлса, 2016 йилга келиб бу кўрсаткич 646 миллиард АҚШ долларидадан зиёдга етди².

Ҳар бир давлат чет эл инвестицияларини жалб қилишда ўз олдига қатор мақсадларни қўяди, яъни молиявий ресурсларни жалб қилиш билан бир қаторда, илғор бошқарув тажрибаларидан фойдаланиш, инновацион технологияларни ҳаётга татбиқ этишга ҳаракат қилади.

Чет эл инвестициялари оқимининг барқарорлиги ўзга давлат ҳудудида фаолият олиб боровчи чет эл инвесторларининг ҳуқуқларини кафолат-

ловчи ва уларни ҳимоя қилиш механизмларини кўзда тутувчи қонунларнинг амалда ишлашига бевосита боғлиқдир. Шу сабабли ҳам чет эл инвестицияларини иқтисодиётга жалб қилишда, рағбатлантиришда ҳамда уларни кейинчалик ҳимоя қилишда миллий қонунчилик билан бир қаторда, инвестицияларни ҳимоя қилиш тўғрисидаги халқаро битимлар ҳам муҳим ҳуқуқий механизм сифатида намоён бўлади. Мазкур битимлар чет эл инвесторларига бошқа мамлакатга капитал киритиш бўйича қарор қабул қилиш жараёнида қўшимча, баъзида эса асосий туртки бўлиб хизмат қилади. Сабаби, табиатан халқаро шартномалар ўзгариб турувчи миллий қонунчиликка барқарорлик бағишлайди ҳамда давлат томонидан у ёки бу ҳуқуқий нормалар қабул қилиниши оқибатида келиб чиқиши мумкин бўлган салбий оқибатларни бартараф этиш учун кафолат сифатида хизмат қилади.

“Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари тўғрисида”ги Қонунига асосан Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаси — республиканинг бир ёки бир неча давлат, халқаро ташкилот ёхуд халқаро ҳуқуқнинг бошқа субъектлари билан халқаро муносабатлар соҳасидаги ҳуқуқ ва мажбуриятларига доир тенг ҳуқуқли ва ихтиёрий келишувидир³.

Чет эл инвестицияларига доир масалаларни тартибга солувчи халқаро шартномаларни универсал, минтақавий ва икки томонлама шартномаларга ажратиш мумкин. Универсал шартномалар⁴ қаторига халқаро ҳуқуқнинг бир нечта субъектлари томонидан тузилган шартномаларни ҳамда халқаро ташкилотларни тузиш борасидаги шартномаларни келтириш мумкин. Масалан, 1965 йил 18 мартдаги Вашингтон шаҳрида имзоланган Давлатлар билан бошқа давлатларнинг жисмоний ёки юридик шахслари ўртасидаги инвестицияга доир низоларни ҳал қилиш бўйича Конвенцияси⁵ (Вашингтон Конвенцияси) ва «Чет эл инвестицияларини сўғурта қилиш бўйича халқаро агентликни ташкил этиш тўғрисида»ги 1985 йилги Сеул конвенциясини⁶ мисол сифатида келтириш мумкин. Мазкур икки конвенция инвестицияларни ҳимоя қилиш борасида амалдаги кўптомонлама универсал шартномалар бўлиб, уларнинг ҳар бирига 150 дан ортиқ мамлакат аъзо бўлган⁷.

Минтақавий шартномалар маълум бир ҳудуд доирасида амал қилиши келишилганлиги билан чегараланади. Буларга МДҲ доирасидаги шартномаларни, хусусан, 1993 йилда Ашхобод шаҳрида имзоланган Инвестициявий фаолият соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги битимни, 1993 йил 22 январда Минск шаҳрида имзоланган Фуқаролик, оилавий ва жиноий ишлар бўйича ҳуқуқий ёрдам ва ҳуқуқий муносабатлар тўғрисидаги Конвенция⁸ ва бошқаларни киритиш мумкин.

Инвестицияларни рағбатлантириш ва ўзаро ҳимоя қилиш тўғрисидаги икки томонлама битимлар икки давлат ўртасидаги инвестициялар оқими учун мақбул шароитлар яратиш мақсадида тузилади⁹. Бу эса икки томонлама шартнома — халқаро шартнома дегани. Бунга асосан Ўзбекистон Республикасининг бошқа бир қатор давлатлар билан инвестицияларни рағбатлантириш, кўмак бериш ва ўзаро ҳимоя қилиш тўғрисидаги имзоланган Ўзбекистоннинг 50 га яқин шундай шартномалари киради. Жумладан, мазкур турдаги шартномалар ГФР, Австрия, Бельгия, Франция, Россия Федерацияси, Озарбайжон, Бангладеш каби мамлакатлар билан имзоланган.

Чет эл инвестицияси киритилиши билан давлатлар миллий қонунчиликни ўзгартириши мумкинлиги хавфи бўлганлиги сабабли мазкур хавф ишончли халқаро-ҳуқуқий меъёр ёрдамида бартараф этилиши лозим. Икки томонлама шартномалар эса инвестиция киритилаётган мамлакатлардаги вужудга келиши мумкин бўлган нотижорат хавфларни имкон қадар камайтириши лозим.

1959 йилдан 2016 йилгача 2957 та икки томонлама инвестицион шартномаларнинг имзоланганлигининг ўзи мазкур турдаги шартномалар инвестицион фаолиятни ҳимоя қилувчи энг кўп қўлланилувчи ҳимоя воситаларидан бирига айланганлигини кўрсатади. Агар 1988 йили 309 та икки томонлама инвестиция шартномалар имзоланган бўлса, 2002 йилга келиб бу кўрсаткич 2181 тага етди. Шундай қилиб, 170 дан ортиқ мамлакат тобора мустаҳкамланиб бораётган икки томонлама инвестиция шартномалари тўрига жипслашди¹⁰. Эътиборлиси, агар авваллари мазкур турдаги битимлар фақат капитал экспорт қилувчи ривожланган мамлакатлар ва капитал импорт қилувчи ривожланаётган мамлакатлар орасида тузилган бўлса, ҳозирги кунда эса ривожланаётган давлатлар ўртасида ўзаро тузилаётган шартномалар сони кескин ошаётганидан далолат беради. Сабаби ривожланаётган мамлакатлар ҳам ҳозирда сармоя экспорт қилувчи мамлакатлар қаторига кирдилар¹¹.

Икки томонлама шартномалар инвестициялар учун мақбул режимлар яратилишини таъминлайди. Бундай ҳуқуқий битимлар самарали ҳимоя воситаси ҳисобланиб, инвесторларга экспроприация ва реквизиция қилишдан, инвестиция ва даромадларни репатриация қилинишидан кафил бўлиб хизмат қилади, инвестиция орқали олинган фойдани чекловларсиз ўтказишни таъминлаб, низоларнинг халқаро арбитражда ҳал этилишида кафил бўлиб хизмат қилади¹². Булар инвестиция қабул қилувчи мамлакатнинг максимал даражада чет эл мулки сақланишини таъминлаб, уни мажбурий олиб қўйиш бўйича чоралар кўрмаслигининг кафолати сифатида кўриш мумкин.

Икки томонлама шартномаларнинг устунлиги

яна шунда кўринадикки, улар давлатлараро инвестиция шартномаларини тартибга солиш борасида мослашувчан восита бўлиб, мазкур турдаги алоқалар субъектларининг хатти-ҳаракатларига тўғридан-тўғри қонуний таъсир кўрсатади. Бу орқали эса инвестиция бўйича миллий қонунчиликдаги камчиликлар ва беқарорликнинг олди олинади.

Кўплаб икки томонлама шартномалар инвестициялар ҳимоясининг узоқ муддатлилигини, ҳатто қайсидир томон шартномани бекор қилса ёки ундан чиқиб кетса ҳам таъминлайди. Мазкур тартиб эса инвестиция киритиш учун қарор қабул қилишда қўшимча жозибдорлик омили бўлиб хизмат қилади. Одатда мазкур муддат давомийлиги 10 йилдан 20 йилгача бўлиши мумкин.

Шунингдек, икки томонлама шартномаларнинг бошқа бир ижобий жиҳатлари бу — инвесторнинг мамлакат ҳудудига кириш ҳуқуқи, чет эл мутахассисларини ишга олиш ҳуқуқи ва албатта, инвестицияни бошқариш ва самарали татбиқ этиш учун лозим бўлган ишчиларнинг мамлакат ҳудудига кириш ҳуқуқи каби оператив шартларни ҳам ўз ичига олганлигидир.

Икки томонлама шартномалар миллий режим принципи асосида чет эл ҳукуматларининг чет эл инвестицияларига нисбатан адолатли ва тенг ҳуқуқли бўлишини таъминлайди. Бу эса бир аҳдлашувчи мамлакат фуқаролари ва компанияларининг бошқа бир аҳдлашувчи томон ҳудудига инвестиция қабул қилувчи давлат фуқаролари ёки компаниялари учун яратилган шарт-шароитлардан кам бўлмаган ҳолда фойдаланиш ҳуқуқи таъминланишини билдиради.

Таъкидлаш лозимки, икки томонлама шартномалар томонидан кўзда тутилган энг асосий норма — бу инвестиция бўйича юзага келиши мумкин бўлган низоларни бетараф арбитраж, одатда халқаро арбитраж орқали ҳал этилиши имкониятининг берилишидир. Инвестор учун номувофик ёки салбий ҳолатлар юзага келганда, унинг иши халқаро арбитражда кўрилиши инвесторга жуда муҳимдир. Бундай низолар ёки ҳолатлар турли хил кўринишда бўлиши мумкин. Инвестиция қабул қилган давлатнинг экспроприациядан сўнг компенсацияни тўлиқ ёки қисман тўламаслиги, пул маблағларини ўтказишда асоссиз чекловлар ёки бошқа бир камситувчи хусусиятга эга бўлган ҳолатлар ўрнатилиши шулар жумласидандир. Шундай экан, икки томонлама шартномалар давлатнинг мавжуд “кучига” қарамасдан чет эл инвесторларига инвестиция қабул қилувчи давлат билан мустақил тарзда судлашиш бўйича ҳуқуқий базани яратади. Бу эса, ўз навбатида, халқаро инвестиция ҳуқуқида долзарб бурилиш бўлганлигидан далолат беради¹³.

Аҳдлашувчи томон билан бошқа аҳдлашувчи томон давлатининг инвестори ўртасидаги низо-

ларни ҳал этишни тартибга солиш борасида Ўзбекистон Республикасининг инвестицияларни рағбатлантириш ва ўзаро ҳимоя қилиш тўғрисидаги ўрганилган қирқдан ортиқ битимларида вужудга келиши мумкин бўлган низолар, энг аввало, дўстона йўллар, хусусан, музокаралар, маслаҳатлашувлар, дипломатик каналлар орқали ҳал этилиши деярли барча битимларда белгиланган. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Бельгия-Люксембург Иқтисодий уюшмаси ўртасида инвестицияларни рағбатлантириш ва ўзаро ҳимоя қилиш тўғрисидаги битимда низолар имкон қадар музокаралар орқали ҳал этилиши белгиланиши билан бир қаторда, зарурат бўлганда, учинчи томоннинг эксперт хулосаси олиниши орқали ҳамда дипломатик каналлар орқали ҳал этилиши лозимлиги кўзда тутилган¹⁴. Худди шунингдек, Ўзбекистоннинг Франция Республикаси Ҳукумати билан тузган битимида ҳам аҳдлашувчи томонлар сармоядорлари ўртасида инвестицияларни жойлаштиришга оид бўлган келишмовчиликлар икки томонлама дўстона музокаралар йўли билан ҳал қилиниши лозимлиги белгиланган¹⁵.

Шунингдек, дўстона йўллар орқали низони белгиланган муддат давомида ҳал этишнинг имкони бўлмаган тақдирда, битимларда бошқа усуллардан фойдаланиш имкониятлари кўзда тутилган. Аввало, шуни таъкидлаш лозимки, бу борада низони ҳал қилишнинг энг кўп назарда тутилган йўли бу низоларни ҳал этишда холисликни назарда тутувчи халқаро арбитраждир. Хусусан, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Халқаро савдо ҳуқуқи бўйича комиссиясининг Арбитраж регламентига (ЮНСИТРАЛ) мувофиқ “ad hoc” арбитраж судига ёки 1965 йил 18 мартда Вашингтон шаҳрида имзоланган Давлатлар билан бошқа давлатларнинг жисмоний ёки юридик шахслари ўртасидаги инвестицияга доир низоларни ҳал қилиш бўйича Конвенцияга¹⁶ (Вашингтон Конвенцияси) мувофиқ таъсис этилган Инвестицияга оид низоларни ҳал қилиш бўйича халқаро марказга низони ушбу Конвенция қоидаларига мувофиқ ҳал этилиши назарда тутилганлигини кўриш мумкин. Жумладан, мазкур механизмлардан фойдаланиш имконияти деярли барча битимларда кўрсатилган. Бу эса келиб чиқиши мумкин бўлган низоларнинг холисона ҳал этилишини таъминлашга хизмат қилиб, давлатнинг низони ўз фойдасига ҳал этилиши борасида вужудга келиши мумкин бўлган шубҳа ва тазйиқларнинг олдини олишга хизмат қилади.

Халқаро шартномалар билан чет эллик инвесторга тақдим қилинган турли низоларни ҳал этиш усуллари, шу жумладан, арбитражнинг турли институтлари ва усулларидан фойдаланиш ҳуқуқи, халқаро арбитражнинг инвестициявий низоларни ҳал қилишда шаклланган обрўси нечоғли баландлигидан далолат беради. Сабаби, инвести-

цияларни рағбатлантириш ва ўзаро ҳимоя қилиш тўғрисидаги битимлар орқали давлатларнинг арбитраж жараёнига аралашиб имконияти чекланиб, холисликни янада таъминлашга эришилади. Бундан ташқари, арбитраж суди қарорининг томонлар учун мажбурийлиги келишилиб, қарорнинг тан олинishi ва ижро этилиши юзасидан нормалар ҳам инвестицияларни рағбатлантириш ва ўзаро ҳимоя қилиш тўғрисидаги битимларда ўз аксини топади. Чунки арбитраж судининг қарори фақатгина алоҳида ҳоллардагина бекор қилиниши мумкин. Жумладан, агар арбитраж суди белгиланган тартибда тузилмаган бўлса ҳамда ўз ваколатлари доирасидан ташқарига чиқса, қарор лозим даражада асослантилмаган бўлса, арбитражлардан бирининг пора олиши кузатилган бўлса ёки арбитраж суди кескин равишда белгиланган тартибдан четга чиқса, арбитраж суди қарори бекор қилиниши мумкин¹⁷.

Ўзбекистон Республикасининг Исроил давлати ҳукумати билан инвестицияларни рағбатлантириш ва ўзаро ҳимоя қилиш тўғрисидаги битими мисолида Ўзбекистоннинг битимлари амалда ижро этилишига эътибор қаратайлик. Айнан мазкур шартнома асосида исроиллик Metek Metall Technology (Metal-Tech) компанияси Ўзбекистон Республикаси устидан Инвестицияга оид низоларни ҳал қилиш бўйича халқаро марказга мурожаат қилган. Даъво аризасида Ўзбекистон шартномага зид равишда чет эл инвестициясини ҳимоя қилиш бўйича олган ўз мажбуриятларини бузаётганлиги важи келтирилган эди. Бироқ Марказ мазкур компаниянинг даъво аризасини юрисдикцияси бўлмаганлиги сабабли рад этган¹⁸.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикаси томонидан халқаро шартномалар асосида қабул қилиб олинган мажбуриятларни бажариш борасида муайян ишлар амалга оширилаяпти. Бунинг учун, аввало, мазкур соҳага оид мустаҳкам қонунчилик базаси яратилган. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг “Чет эл инвестициялари тўғрисида”ги¹⁹, “Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида”ги²⁰, “Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида”ги²¹, “Инвестиция фаолияти тўғрисида”ги²² (янги таҳрири) каби қонунлар ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги²³ фармони ва бошқа қарорлар ҳамда қонуности ҳужжатлари шулар жумласидандир.

Ўзбекистон Республикасининг қонунларида давлат Ўзбекистон Республикаси ҳудудида инвестиция фаолиятини амалга оширувчи чет эллик инвесторларнинг ҳуқуқларини кафолатлаши ва ҳимоя қилиши белгиланган. Шунингдек, Ўзбекис-

тон Республикаси халқаро шартномаларининг амалга оширилиши таъминланишини ҳисобга олган ҳолда фуқаролиги, яшаш жойи, диний эътиқоди, иқтисодий фаолияти қаерда амалга ошираётганлигига, шунингдек, инвесторлар ёки инвестицияларнинг қайси мамлакатга мансублигига қараб чет эллик инвесторларнинг камситилишига йўл қўйилмаслиги ҳам мустаҳкамланган.

Миллий қонунчиликнинг муҳим нормаларидан бири — бу қонун ҳужжатлари, шу жумладан, идоравий норматив ҳужжатлар, агар уларнинг ижроси чет эллик инвесторга ёки чет эл инвестицияларига зарар етказса, улар орқага қайтиш кучига эга эмаслигидир. Агар Ўзбекистон Республикасининг кейинги қонун ҳужжатлари инвестициялаш шарт-шароитларини ёмонлаштиради, унда чет эллик инвесторларга нисбатан инвестициялаш санасида амал қилган қонун ҳужжатлари инвестициялаш пайтидан бошлаб ўн йил мобайнида қўлланилиши ҳам мустаҳкамланган. Чет эллик инвестор ўз хоҳишига кўра янги қонун ҳужжатларининг инвестициялаш шарт-шароитларини яхшилайдиган қоидаларини қўллаш ҳуқуқига эгаллиги диққатга сазовор кафолатлардан саналади.

Қонунларда чет эллик инвесторларни ҳимоя қилишнинг умумий кафолатлари ва чоралари билан бир қаторда, қонун ҳужжатларида қўшимча, шу жумладан шериклар томонидан чет эллик инвесторлар олдидаги ўз мажбуриятларининг сўзсиз бажарилишини таъминловчи кафолатлар ва уларни ҳимоя қилиш чоралари назарда тутилиши мумкинлиги кўзда тутилганини ҳам алоҳида кўрсатиш лозим. Хусусан, қонунда чет эллик инвесторларга қўшимча кафолатлар ва уларни ҳимоя қилиш чораларининг берилиши шартлари ҳам белгиланган²⁴.

Юқоридагиларга асосан, икки томонлама шартномалар кўп томонли шартномалар қатори чет эл инвестицияларини халқаро-ҳуқуқий тартибга солиш борасида катта аҳамият касб этади. Эътироф этилганидек, уларнинг мақсади чет эл капиталлари учун қулай шарт-шароитлар яратилишини таъминлашдир. Шунинг учун ҳам инвестицияларни тартибга солиш борасида Инвестицияларни рағбатлантириш ва ўзаро ҳимоя қилиш тўғрисидаги битимлар аллақачон энг самарали халқаро механизмга айланиб улгурган. Шунинг учун ҳам бундай битимлар нормаларини бузиш халқаро ҳуқуқнинг бузилишига олиб келади. Икки томонлама шартномаларнинг имзоланиши мамлакатимиз иқтисодиётига ўз сармояларини киритиш истигаида бўлган чет эллик инвесторлар учун муҳим кафолат ҳисобланади. Мазкур турдаги шартномаларнинг Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилиниши нафақат қулай инвестициявий муҳит шаклланишига хизмат қилади, айни пайтда шу орқали Ўзбекистонга ўзини янада ишончли ҳамкор сифатида намоён қилиши имко-

нини беради.

Бундан ташқари, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясида²⁵ кўзда тутилган кенг қамровли чоратадбирлар қаторида макроиқтисодий барқарорликни мустаҳкамлаш ва иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаб қолиш, хусусий мулк ва тадбиркорликни ҳар томонлама ҳимоя қилиш, ташқи иқтисодий алоқаларни янада кенгайтириш, хорижий инвестицияларни фаол жалб этиш каби масалаларнинг белгилаб олинганлиги мазкур соҳани янада ривожлантиришга, олтин-валюта захирамизнинг ортишига ҳам хизмат қилади. Шу ўринда таъкидлаш лозимки, инвестиция фаолиятини тартибга солувчи қонунчилик базасини, шу жумладан “Чет эл инвестициялари тўғрисида”ги, “Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида”ги, “Инвестиция фаолияти тўғрисида”ги қонунларни танқидий таҳлил қилиш, шу жумладан, хорижий мамлакатларнинг бу соҳадаги тажрибасини ўрганиш натижасида тўғридан-тўғри амал қиладиган, инвестиция фаолияти, хорижий инвестицияларнинг кириб келишини қўллаб-қувватлайдиган, хорижий

инвесторларнинг ҳуқуқларини кафолатлайдиган “Инвестициялар ва инвестиция фаолияти тўғрисида”ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш ҳам айнан Ҳаракатлар стратегияси доирасида кўзланган. Бу эса хорижий инвесторларни жалб этиш мақсадида мамлакатимизнинг инвестициявий жозибадорлигини оширишга хизмат қилади. Натижада эса қулай ишбилармонлик муҳити яратилиб, халқимизнинг фаровонлиги, дастурхонининг янада тўкинлиги таъминланади.

Шундай экан, мазкур соҳада, энг аввало, очиқлик ва ошкоралик тамойили таъминланиб, Ўзбекистоннинг барча инвестицияларни рағбатлантириш ва ўзаро ҳимоя қилиш тўғрисидаги икки томонлама битимларининг кенг жамоатчилик учун очиқлигини таъминлаш лозим. Бу эса дастлабки тарзда Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида жойлаштирилиши билан амалга оширилиши мумкин.

Шунингдек, элчиларимиз, дипломатик ваколатхоналаримиз фаоллиги билан мазкур турдаги битимлар сонини кўпайтириши лозим. Истиқболда эса уларнинг амалда ишлашини ҳам таъминлаш борасида тегишли чораларни кўриш талаб этилади.



¹ Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги (2018), *Ўзбекистон манфаатларини халқаро миқёсда қатъий ҳимоя қилиш* ¹⁰ БМТнинг савдо ва ривожланиш масалалари бўйича Конференцияси, Дунё инвестициялари бўйича ҳисобот, 2017. [Электрон манбаа]: http://unctad.org/en/PublicationsLibrary/wir2017_en.pdf . Охириги фойдаланилган кун: 4 февраль 2018 й.

¹¹ Vandeveld K.J. «A brief history of international investment agreements» in *The Effect of Treaties on Foreign Direct Investment*, New York: Oxford University Press, p.27.

¹² Мазкур кафолатлар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари билан бир қаторда Ўзбекистон Республикасининг “Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида”ги қонунида ҳам ўз аксини топган./“Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси”, 1998 йил, 5-6-сон, 93-модда.

¹³ Schill S.W. *The Multilateralization of International Investment Law*. New York: Cambridge University Press, 2013, p. 257.

¹⁴ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг “Ўзбекистон Республикаси ҳукумати, бир томондан, ва иккинчи томондан, Бельгия-Люксембург Иқтисодий Уюшмаси ўртасида инвестицияларни ўзаро рағбатлантириш ва ҳимоялаш тўғрисидаги битимни ратификация қилиш ҳақида”ги 29 август 1998 йилдаги № 682-1-сонли Қарори, “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси”, 1998 й., N 9, 182-модда.

¹⁵ UNCTAD²⁰ “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси”, 1998 йил, 5-6-сон, 93-модда.

²¹ “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси”, 2000 й., 5-6-сон, 148-модда.

²² “Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами”, 2014 й., 50-сон, 587-модда.

²³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 2016 йил 5 октябрдаги ПФ-4848-сон фармони // “Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами”, 2016 й., 40-сон, 467-модда; 2017 й., 37-сон, 982-модда.

²⁴ Ўзбекистон Республикасининг “Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида”ги қонунининг 4-моддаси.

²⁵ “Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами”, 2017 й., 6-сон, 70-модда.

ETHICAL RULES GOVERNING THE CONDUCT OF FEDERAL PROSECUTORS IN THE UNITED STATES: A MULTI-TIERED APPROACH TO ENFORCE HIGH STANDARDS OF CONDUCT

◆ Бу мақолада АҚШ давлатида федерал прокурорларнинг роли, прокурорлар ахлоқ мажбуриятларини белгилаш ва риоя қилишнинг кўп босқичли ёндашуви, ҳар бир штат ва Колумбия округи томонидан қабул қилинган касбий ахлоқ қоидалари ҳамда мансабдор шахсларнинг юриш-туриш меъёрлари таҳлил қилинган. Бундан ташқари, интизомий механизмлар масалалари, хусусан, прокурорларнинг ноқонуний касбий қилмишларини тергов қилиш учун масъул бўлган бир қатор федерал ва штат органлари мақоми ёритилди.

◆ В этой статье анализируются роль федеральных прокуроров в США, многоуровневый подход определения и соблюдения прокурорских этических обязательств, правила профессионального поведения, принятые каждым штатом и округом Колумбия, а также стандарты поведения должностных лиц. Кроме того, освещены вопросы дисциплинарных механизмов, в частности, статуса ряда федеральных органов и органов штата, ответственных за расследование неправомερных профессиональных действий прокуроров.

◆ This article outlines the scientific, theoretical and practical aspects of cooperation between law enforcement agencies and civil society institutions to ensure the effectiveness of their interaction. Based on the results of the analysis, the author provided relevant suggestions and recommendations.

Таянч сўзлар: ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, фуқаролик жамияти институтлари, ҳамкорлик, принцип, ижтимоий шериклик, қонун устуворлиги.

Ключевые слова: правоохранительные органы, институты гражданского общества, сотрудничество, принципы, социальное партнерство и верховенство закона.

Key words: law enforcement agencies, civil society institutions, cooperation, principles, social partnership and the rule of law.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга биринчи тарихий Мурожаатномасида “Эркин фуқаролик жамияти барпо этиш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш борасида амалга ошираётган ислохотларимизда нодавлат нотижорат ташкилотларининг ўрни ва роли бекиёс экан”лиги алоҳида таъкидланди¹. Дарҳақиқат, бугунги кунда давлат ва фуқаролик жамияти институтлари ўртасидаги ҳамкорликни янги босқичга кўтариш, хусусан, ижтимоий шериклик муносабатларини шакллантириш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишига айланди. Боиси, давлат органлари ва фуқаролик тузилмалари ўртасидаги ижтимоий шериклик муносабатларини кенгайтириш жамият тараққиётининг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва гуманитар соҳаларида катта самара бериши шубҳасиз. Мазкур воқелик ҳозирги ижтимоий тараққиётнинг муҳим тенденцияси десак, ўринли бўлади.

2014 йил августида Ўзбекистон Республикасининг “Ижтимоий шериклик тўғрисида”ги қонуни² қабул қилинганлиги мамлакатимиз миқёсида ва маҳаллий даражада ижтимоий-иқтисодий ривожланиш дастурларини амалга ошириш, турли муҳим муаммоларни ҳал этиш, аҳоли турли қатлам-

ларининг ҳуқуқ ва эркинликларини, қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда фуқаролик жамияти институтларининг давлат идоралари билан ўзаро муносабатлари (ҳамкорлиги)нинг аниқ чегараларини белгилаб, уларнинг ташкилий-ҳуқуқий механизмларини яратиб берди. Шунингдек, ижтимоий шерикликка оид муносабатларни тартибга солишда “Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида”ги, “Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида”ги, “Жамоат фондлари тўғрисида”ги, “Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида”ги, “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги каби қатор қонунлар ҳам ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади.

Шуни таъкидлаш муҳимки, “Ижтимоий шериклик тўғрисида”ги қонунда давлат органлари билан фуқаролик жамияти институтлари ўзаро ҳамкорлигининг асосий принциплари мустаҳкамланган (Қонуннинг 4-моддаси). Назарда тутилаётган ҳамкорликнинг демократик принциплар негизида амалга оширилиши, бир томондан, давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтларига ўз ваколатлари, ҳуқуқий мақоми доирасида ҳаракатланиш имконини берса, иккинчи томондан, тенг,

эркин, қонун асосида фаолият юритишини кафолатлайди. Принциплар — раҳбарий ғоя, етакчи мезон, риоя этилиши лозим бўлган қоида (талаб)лар йиғиндиси бўлганлиги сабабли улар ҳамкорлик субъектларининг фаолиятини маълум қолипга солиб, уларни йўналтириб туради. Шу боис ижтимоий ҳамкорлик принципларини илмий таҳлил этиш долзарб саналади.

Ижтимоий шериклик субъектлари бўлмиш давлат органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотлари, фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари ўзаро ҳамкорлигининг асосий принциплари қуйидагилардан иборат: қонунга бўйсунуш; тенг ҳуқуқлилиқ; очиқлик ва шаффофлик; ҳаммабоплик; мустақиллик; холислиқ; ўзаро ҳурмат, манфаатларнинг инобатга олиниши ва масъулият; мажбуриятлар қабул қилишнинг ихтиёрийлиги.

Мазкур принциплар, аввало, Конституция ва бошқа тегишли қонунларда ҳам мустаҳкамланган. Уларнинг мазмунини таҳлил этиш, давлат ва фуқаролик жамияти ҳамкорлигини, шу жумладан, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари билан фуқаролик жамияти институтларининг ҳамкорлигини таъминлашдаги ролини кўрсатишга, уларнинг амалий аҳамиятини белгилашга кўмак беради.

Давлат органлари, айниқса, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг фуқаролик жамияти тузилмалари билан ўзаро ҳамкорлиги, аввало, қонун устуворлиги, амалдаги қонунларга бўйсунуш принципи таянади. Қонунлар устуворлигига риоя қилиш зарурлигини биринчи ўринга қўйилишининг боиси шундаки, Конституция ва қонунларда халқнинг иродаси ифодаланади, уларда бутун жамият, барча фуқаролар ва давлат манфаатлари акс эттирилади. Асосий қонунимиз 15-моддасига биноан, “Ўзбекистон Республикасида Ўзбекистон Конституцияси ва қонунларининг устунлиги сўзсиз тан олинади. Давлат, унинг органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмалари, фуқаролар Конституция ва қонунларга мувофиқ иш кўрадилар”.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, “Конституциямизда белгиланган қонун устуворлиги принципи жамиятимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, барча ислохотларни самарали амалга оширишнинг муҳим кафолатидир...³”. “Ҳар қандай ислохот конституциявий тамойил ва қоидаларга мувофиқ тарзда амалга оширилиши, қонун устуворлиги бош мезон бўлиши зарур”⁴.

Қонун устунлиги принципнинг моҳияти нимада? Конституция ва қонунларнинг устунлиги принципи бу, биринчидан, ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида қонуннинг қатъий ҳукмронлигини, яъни ҳеч ким, ҳеч бир давлат органи, мансабдор шахс, тадбиркор ёки бошқа бир фуқаро қонунга бўйсунуш мажбуриятидан озод бўлиши мумкин эмаслигини; иккинчидан, асосий ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий муносабатлар фақат қонун билан тартиб-

га солинишини, унинг барча иштирокчилари эса, ҳеч бир истисносиз, ҳуқуқ нормаларини бузганлиги учун жавобгарликка тортилишини; учинчидан, ҳуқуқий нормаларни татбиқ этишда Конституция ва қонунларнинг нормалари бошқа ҳуқуқий нормалардан устун туришини; тўртинчидан, давлат органлари ҳуқуқий нормалар яратишда фақат Конституция ва қонунга асосланишлари ҳамда бу нормалар тўла равишда қонунга мувофиқ ишлаб чиқилмоғи лозимлигини билдиради⁵.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида қонун устуворлигини таъминлашнинг тегишли кафолатлари мустаҳкамланган. Масалан, 93-моддадаги нормага кўра, мамлакат Президенти фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига, Конституция ва қонунларга риоя этилишининг кафилидир. Президентнинг бу йўналишдаги фаолияти катта эътиборга лойиқ. Қонун устуворлигини таъминлашга давлат раҳбари ўзининг барча ҳуқуқий ва маъмурий салоҳиятини, обрў-нуфузини, барча давлат органларини сафарбар этади. Президент фармон ва қарорларида Конституцияга ва қонунларга риоя этиш, уларнинг нормаларини ҳаётга жорий этиш намуналарини кўриш мумкин. Қонун устуворлиги принцигига Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида алоҳида эътибор қаратилганлигини ҳам таъкидлаш лозим. Ушбу ҳужжатнинг “Қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилишнинг устувор йўналишлари” номли бўлимида одил судлов соҳасида қонунийликни мустаҳкамлаш, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат идоралари фаолияти устидан жамоатчилик назорати механизмлари самарадорлигини ошириш, фуқароларнинг ҳуқуқни муҳофаза қилиш тизимига бўлган ишончини мустаҳкамлаш вазифалари қўйилган⁶.

Юқоридаги раҳбарий ҳужжатларда назарда тутилган қонун устуворлиги принцигига оид қоидалар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва фуқаролик жамияти институтлари ўзаро ҳамкорлигининг пойдеворини ташкил қилади.

Мазкур ҳамкорликнинг муҳим принципларидан яна бири томонларнинг тенг ҳуқуқлилигидир. Тенг ҳуқуқлилиқ инсон ва фуқаролик ҳолати (статуси) -нинг конституциявий принципларидан бири бўлиб, у Асосий қонуннинг 18-моддасида мустаҳкамланган. Ижтимоий шериклик муносабатларида ҳамкорлик қилувчи томонларнинг тенглиги жуда муҳим талаб бўлиб, реал ҳаётда бу ҳуқуқ амалдаги қонунлар доирасида тенг имкониятларга эга бўлишликни англатади.

Қонунчиликда барча фуқароларнинг қонун ва суд олдида тенглиги белгилаб қўйилган. Ушбу маънодаги тенглик ҳар кимга тенг ҳажмдаги ҳуқуқ ва эркинликлар бериш билан бирга уларга бир хил ҳажмдаги мажбуриятларнинг юклатилишини ҳам англатади. Бу талаблар давлат органлари билан фуқаролик институтларига ҳам бирдек тааллуқли.

Ижтимоий шерикликнинг субъектлари ўзаро тенг мавқега эга бўлиши улар ўртасида самарали ҳамкорликни йўлга қўйишнинг муҳим шартидир. Агар ҳамкорлик муносабатларига киришаётган ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан фуқаролик жамияти институтлари тенг ҳуқуқ ва имкониятларга эга бўлмасалар, улар ўз олдларига қўйган мақсад ва вазифаларга, кутилган натижага эриша олмайдилар. Бошқача айтганда, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ҳукмрон, имтиёзли мавқега, фуқаролик жамияти институтлари эса тобе ёки имконияти чекланган мавқега эга бўлсалар, буни том маънода ижтимоий шериклик ва ҳамкорлик деб бўлмайди.

Масалан, ҳамкорлик алоқаларини боғлаётган ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва фуқаролик жамияти институтлари аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, аҳолининг иш билан бандлигини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини, шу жумладан истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш каби жиддий масалалар муҳокамасида, тегишли қарор лойиҳасини ишлаб чиқиш ва қабул қилишда, икки томонлама (паритет) комиссиялар, жамоатчилик — маслаҳат органлари фаолиятида иштирок этишда тенг бўлмасалар, бундай ҳамкорликдан кутилган самара келиб чиқмайди. Фикримизча, ижтимоий шериклик субъектлари томонидан ижтимоий ҳамкорлик тўғрисида битимлар ва шартномалар тузиш, биргаликда лойиҳалар ва режаларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда тенглик принципи асосида фаолият юритишлари алоҳида аҳамият касб этади.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва фуқаролик жамияти институтларининг ҳамкорлиги *очиқлик ва шаффофлик принципи*га таяниб амалга оширилиши лозим. Бу принцип улар фаолиятининг ошқора, ҳалол ва демократик мазмунда ҳамда жамоатчилик нигоҳи (назорати) остида рўй беришини таъминлайди. Адабиётларда таъкидланганидек, давлат ва жамият ҳаётида ошқоралик — бу қонунда белгиланганидан бошқа ҳолларда давлат ва жамият ҳаётининг ошқоралик асосида кечиши, яъни давлат органлари, жамоат ташкилотлари, ННТ ва ижтимоий тузилмаларнинг фаолияти очиқ олиб борилиши, аҳолига керакли маълумотлар ҳеч бир тўсиқсиз берилиши, фуқароларнинг давлат ва жамият ишларини бошқаришда фаол иштирок этиши ҳамда улар қабул қиладиган қарорларнинг доимий равишда эълон қилиб борилиши каби жиҳатларни ўз ичига олади⁷.

Шу ўринда алоҳида таъкидлаш лозимки, давлат органларининг аҳоли, шу жумладан, фуқаролик жамияти институтлари билан мулоқотда очиқлигини таъминлашда “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида”ги қонун⁸ муҳим ҳуқуқий асосларни яратиб берди. Ушбу Қонун аҳолининг, жамоат бирлашмаларининг давлат ҳокимияти органлари томонидан қабул қилинаётган қарорлар, аввало, фуқа-

роларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатлари билан боғлиқ қарорлар ҳақидаги ахборотлардан кенг хабардор бўлиб боришини ҳамда давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтлари фаолияти самарадорлиги ва шаффофлигини таъминлашга замин яратди⁹.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари ва фуқаролик жамияти институтларининг ҳамкорлиги соҳасидаги очиқлик ва шаффофлик, бир томондан, ушбу фаолият мазмунидан кенг жамоатчиликни хабардор этишга, иккинчи томондан, ижтимоий ҳамкорлик субъектларининг масъулиятини оширишга хизмат қилади.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари ва фуқаролик жамияти институтларининг ижтимоий шериклик ҳамда ҳамкорлик соҳасидаги фаолияти *оммабоп, ҳаммабоп бўлиши принципи* муҳимдир. Қонунда назарда тутилган “ҳаммабоплик” принципи бошқа кўпчилик қонунларимизда учрамайдиган феномен дейиш мумкин. Шу боис, ушбу принципнинг луғавий маъносига алоҳида эътибор қаратиш лозим. Ижтимоий ҳамкорликнинг ҳаммабоплиги деганда, биринчидан, мазкур фаолият ҳақидаги маълумотни барчага етказиш имконининг мавжудлиги, иккинчидан, ушбу маълумотнинг очиқлиги, учинчидан, кенг жамоатчиликнинг тегишли ахборотни эркин олиши кафолатланганлиги, тўртинчидан, бу масалада барчанинг ўз муносабатини билдириш (муҳокама қилиш) имкониятининг таъминланганлиги тушунилиши лозим, деб ўйлаймиз. Бошқача айтганда, ҳаммабоплик — муайян масаланинг ҳаммага дахлдорлиги ва аксинча, барчанинг унга дахлдорлигидир.

Ижтимоий ҳамкорликни амалга оширишга киришувчи субъектларнинг *мустақил ҳаракатланиши принципи* ушбу фаолият самарали бўлишининг гарови, муҳим омилларидан бири десак, ўринли бўлади. Томонларнинг мустақиллиги ҳар қандай икки томонлама муносабатнинг, ҳар қандай шартнома ва битимнинг зарурий талабидир. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 февралдаги ПҚ-2752-сонли қарори билан тасдиқланган “2017-2018 йилларга мўлжалланган коррупцияга қарши курашиш бўйича давлат дастури”да “Давлат ва хусусий шериклик тўғрисида”ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш белгиланган эди. Ҳозирда ушбу қонун лойиҳаси тайёрланган. Лойиҳанинг мазмунига кўра, давлат-хусусий шериклик, бир томондан, оммавий шерик, иккинчи томондан, хусусий шерикнинг автоном, мустақил тарзда тузиладиган шериклик тўғрисидаги битимга кўра амалга ошириладиган ҳамкорлиги сифатида ифода этилган. Шундай мустақилликка таянган муносабат ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва фуқаролик жамияти институтлари ҳамкорлигининг ҳам асосини ташкил этади. Бунда ижтимоий ҳамкорлик муносабатларида, бир томоннинг, айниқса, давлат органларининг устунлигига йўл қўйиб бўлмайди. Акс ҳолда ижтимоий шериклик, ижтимоий ҳамкорликнинг бутун ғоясига

путур етади.

Фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларига, аҳолининг ижтимоий ҳимоясига тааллуқли масалалар борасидаги ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва фуқаролик жамияти институтларининг ҳамкорлиги *тўла холислик (объективлик) принципи*га қатъий таянган ҳолда амалга ошиши лозим. Бу қонуннинг қатъий талабидир. Холисликни таъминлашда субъектларнинг идоровий ёки корпоратив манфаатлардан эмас, балки жамият ва давлатнинг умумий манфаатидан, фуқароларнинг қонуний манфаатларидан келиб чиқиш лозим бўлади.

Албатта, ижтимоий шериклик муносабатларига киришаётган субъектлар *ўзаро ҳурмат принциpidан* келиб чиқиб, бир-бирларининг фикрини, позициясини кадрлаш, бир-бирларининг манфаатларини инобатга олиш, энг муҳими, ўзаро масъулият билан ёндашишлари талаб этилади. Уларнинг масъулияти маънавий асосларга таянса-да, жавобгарлиги қонунчилик талаблари доирасида белгиланади. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ўз зиммаларидаги масъулият ва мажбуриятларини ҳалол ҳамда холис бажаришларининг муҳим механизми — жамоатчилик назорати, шу жумладан, оммавий ахборот воситаларининг мониторинг қилиш имкониятлари ҳисобланади.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан фуқаролик жамияти институтларининг ижтимоий ҳамкорлиги соҳасида улар ўз зиммасига оладиган *мажбуриятлари ихтиёрийлик принципи*га асосланади. Бунинг маъноси шуки, ижтимоий ҳамкорлик субъектлари ўзаро битим, келишув тузиш чоғида ўзларига тегишли мажбуриятларни белгилашда, аввало, ўзларининг қонунчиликда мустақкамланган ваколатлари, ҳуқуқ ва имкониятларидан келиб чиқишлари, зиммаларига реал мажбуриятларни олишлари, уларни ихтиёрий қабул қилишлари лозим. Фикримизча, нореал мажбуриятларнинг олиниши, бир томондан, уларнинг бажарилмай,

ижроси таъминланмай қолиб кетишига, иккинчи томондан, ижтимоий ҳамкорлик келишувининг кадр-сизланишига олиб келиши мумкин.

Мамлакатимиз қонунчилигида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва фуқаролик жамияти институтлари ўзаро ижтимоий ҳамкорлигининг ҳуқуқий асослари ва принципларини шакллантиришда халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига ҳам риоя этилган. Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси, “Қасаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида”ги қонунларда давлат ва жамоат ташкилотлари ҳамкорлигига оид принципларни шакллантиришда, жумладан, Халқаро Меҳнат Ташкилотининг 98-сон “Жамоа музокараларини ташкил этиш ва юритиш ҳуқуқи принципларини қўллаш тўғрисида”ги Конвенция (Женева, 1949 й. 1 июль) талаблари ҳам инобатга олинган.

Таҳлил этилаётган соҳага оид халқаро ва миллий қонунчиликни ўрганиш асосида “Ижтимоий шериклик тўғрисида”ги қонуннинг 4-моддасини бу фаолиятнинг яна қуйидаги принциплари билан тўлдириш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз:

- ижтимоий шериклик томонлари вакилларининг ваколатлилиги;
- томонлар мажбуриятларининг реаллиги;
- танловнинг эркинлиги;
- жамоавий шартномаларни бажаришнинг мажбурийлиги;
- ўзаро назорат ва жамоатчилик назоратининг уйғунлиги;
- томонларнинг ҳуқуқий жавобгарлиги.

Фикримизча, тақлиф этилаётган принципларнинг қонунлаштирилиши ва амалиётга жорий этилиши давлат ва жамият тузилмалари, шунингдек, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва фуқаролик жамияти институтлари ўзаро ҳамкорлигининг янада таъсирчан ва самарали бўлишини таъминлашга хизмат қилган бўлар эди.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. — Т., 2018, 34-бет.

² Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 39-сон, 488-модда.

³ Мирзиёев Ш. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш — юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. — Т., 2017, 8-бет.

⁴ Мирзиёев Ш. Конституция — эркин ва фаровон ҳаётимиз, мамлакатимизни янада тараққий эттиришнинг мустақкам пойдеворидир. — Т., 2018, 26-бет.

⁵ Қажумов Р. Ўзбекистон Республикасининг конституциявий ҳуқуқи. — Т., 1998. — 106-107-бетлар.

⁶ Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида. — Т., 2017, 14-бет.

⁷ Аҳмедшаева М., Мустафақулов Д. Конституция ва сайлов жараёнларининг очиқ ва ошкоралиги. — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси — демократик ҳуқуқий ислохотларнинг мустақкам пойдевори. — Т., ТДҲУ, 2018, 94-б.

⁸ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. — 2014, №19, 209 — модда; 2017, — 37 — сон, 978 — модда.

⁹ Ишонқулов Ш. Давлат ҳокимиятининг очиқлиги — фуқаролик жамиятини шакллантиришда муҳим омил. — Тўплам, — Т., ТДҲУ, 2018, 286-бет.

Алишер ХИДОЯТУЛЛАЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Академияси
кафедра бошлиғи в.б.

БАНК КАФОЛАТИ АСОСИДА МАЖБУРИЯТЛАР БАЖАРИЛИШНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

- ◆ Мазкур мақолада мажбуриятларнинг таъминлаш усули сифатида банк кафолати қўллаш масалалари муҳокама этилган.
- ◆ В данной статье обсуждены вопросы применения банковской гарантии в качестве обеспечения исполнения обязательства.
- ◆ This article discusses the issues on using of the bank guarantee as security for the fulfillment of the obligation.

Таянч сўзлар: шартнома, мажбурият, банк кафолати, бенефициар, принципал.

Ключевые слова: договор, обязательство, гарантия, бенефициар, принципал.

Key words: contract, obligation, guarantee, beneficiary, principal.

Бугунги кунда тадбиркорлик субъектлари томонидан экспорт-импорт операциялари тўлиқ ва ўз вақтида самарали амалга оширилишини таъминлашнинг муҳим жиҳатларидан бири бу шартномавий муносабатлардан келиб чиқадиган мажбуриятларнинг лозим даражада таъминланишидир.

Фуқаролик ҳуқуқий муносабатлар субъектларининг битим ёки шартнома юзасидан келиб чиқадиган ўз мажбуриятларининг лозим даражада бажарилишини таъминлаш борасида Фуқаролик кодексининг 22-бобида мажбуриятни таъминлаш усуллари сифатида неустойка, гаров, қарздорнинг мол-мулкани ушлаб қолиш, кафиллик, кафолат, закатат ҳамда қонун ҳужжатлари ёки шартномада назарда тутилган бошқача усуллар билан таъминланиши мумкинлиги таъкидлаб ўтилган.¹

Барчамизга маълумки, мажбуриятларнинг таъминлаш усулларини таъминловчи субъектларнинг асосий иштирокчилари сифатида кредитор ва қарздорларни назарда тутиш мумкин.

Мажбуриятларни бажаришни таъминлашнинг махсус усулларининг моҳиятига кўра, кредитор ўз мол-мулкани қарздорга тақдим этган ҳолда уни кредитлаштиради.

Ўз навбатида кредитор қарздордан мажбуриятлар бажарилишини қўшимча тарзда таъминлаш мақсадида учинчи шахслар билан ўзаро кели-

шишни талаб қилиб, уларга муайян турдаги эквивалентга эга бўлган иқтисодий кўринишдаги — шахсий ёки реал кредитлар билан таъминлашни талаб этади.

Шахсий кредитда агарда қарздор кредитор олдидаги ўз мажбуриятини лозим даражада бажара олмаса, унинг ўрнига бажарилмаган мажбуриятни бажаришни учинчи шахс ўз зиммасига олади. Реал кредитда эса, маълум бир шахснинг алоҳида объекти ажратилиб, агарда қарздор кредитор олдидаги ўз мажбуриятини бажара олмаса, ушбу объект кредиторнинг барча талабларини қондиришга хизмат қилади.²

Бугунги кунда мажбурият тарафлари ҳисобланган кредитор ва қарздор учун жуда қулай ҳисобланган мажбуриятларни таъминлаш усули сифатида кафолат, яъни банк кафолати муҳим ўрин тутмоқда.

Банк кафолати фуқаролик-ҳуқуқий мажбуриятларни таъминлаш институти сифатида янги ҳисобланиб, иккинчи жаҳон урушидан кейин халқаро савдонинг ривожланиши натижасида вужудга келган.

Фуқаролик қонунчилигида банк кафолати — банк, бошқа кредит муассасаси ёки суғурта ташкилоти (кафил) бошқа шахс (принципал)нинг илтимосига кўра, кафил ўз зиммасига олаётган мажбурият шартларига мувофиқ принципалнинг кредитори (бенефициар) пул суммасини тўлаш

ҳақида ёзма талабнома тақдим этса, пулни унга тўлаш ҳақида принципалга ёзма мажбурият беради.

Фуқаролик кодексининг 299-моддаси мазмунига кўра, банк каfoлати бир томонлама битим ҳисобланади. 1992 йил Халқаро савдо палатаси томонидан қабул қилинган “Каfoлатни талаб қилишга оид қоидалар” унификациясининг 2-моддасида каfoлат — бу банк, суғурта ташкилоти ёки ҳар қандай юридик шахс ёки жисмоний шахсининг ҳар қандай каfoлат ёки пул мажбуриятини ўзаро келишилган шартларга мувофиқ, пул суммасини тўлаш ҳақидаги ёзма талабномани тақдим этилиши орқали амалга оширилиши назарда тутилган.

Фуқаролик кодексидан фарқи, унификация қоидаларида каfoлат тўғридан-тўғри ва контрагент турларидан иборат бўлиб, тўғридан-тўғри каfoлатда қарздор тўғридан-тўғри банкка мурожаат қилиб, каfoлат беришини сўрайди. Контрагент каfoлатда эса мурожаат этилган банк бевосита ўзи каfoлат бера олмайди ва у банк-эмитент ҳисобланади, бошқа бир банк, яъни бажарувчи банкка мурожаат этиб, бенефициар фойдасига пул тўловларини амалга ошириш вазифасини юклайди. Халқаро банк амалиёти ҳамда шартнома каfoлатига оид унификациянинг 2-моддасига мувофиқ, каfoлатнинг бир қанча турлари мавжуд бўлиб: тендер каfoлати, шартномани бажариш каfoлати, тўловларни қайтариш каfoлати каби турлардан иборат.

Юридик адабиётларда каfoлат суммасини тўлаш механизмини амалга оширишга кўра иккита катта гуруҳга бўлинади: шартли каfoлат ва каfoлатли талабнома.

Шартли каfoлатдаги суммани тўлашда бенефициар принципалнинг шартнома бўйича асосий мажбуриятларни бузганлигини, мажбуриятни ўз вақтида ва лозим даражада бажармаганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар сифатида суд ёки арбитраж қарорлари ёхуд бошқа ҳужжатларни тақдим этиш орқали каfoлатни амалга ошириш лозим. Шартли каfoлатни олиш учун бенефициар ўзининг ҳуқуқларини исботлаши лозим. Ушбу каfoлат тури шартнома каfoлатига оид унификация қоидалари нормалари орқали тартибга солинади.

Каfoлатли талабноманинг шартли каfoлатдан фарқли жиҳати, унда бенефициарнинг пул суммасини тўлаш ҳақидаги ёзма талабномаси билан биргаликда каfoлатда кўрсатиб ўтилган тегишли ҳужжатлар илова қилган ҳолда тақдим этилиши билан амалга оширилади.

Каfoлат институти хорижий мамлакатлар ҳуқуқий тизимида мулкӣ муносабатларни тартибга солишда кенг қўлланилади. У ўзининг мустақиллик характериға эға бўлиб, асосий шартномани ҳақиқий эмас деб топиллишиға ва уни тугатилишиға асос бўлмайди.

Банк каfoлати муносабати субъектлари сифатида кафил, принципал, бенефициардан иборатдир. Қонунчиликка кўра, кафил бўлиб банк, суғурта ташкилоти ва кредит муассасаси бўлиши мумкин. Агар каfoлатда бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, у берилган кундан эътиборан кучға қиради. Айнан каfoлатнинг берилиши кафил ва бенефициар ўртасида вужудға келади-ган мажбурият муносабатларига нисбатан юридик факт ҳисобланади.

Банк каfoлатининг бошқа мажбурият таъминлаш усулларида асосий фарқи шундаки, у асосий мажбуриятдан мустақил амалға оширилади. Кафилнинг бенефициар олдидаги каfoлатда назарда тутилган мажбурияти улар ўртасидаги муносабатларда бажарилишини таъминлаш учун шу каfoлат берилган асосий мажбуриятға, гарчи каfoлатда ушбу мажбуриятға ҳавола қилинган бўлса-да, боғлиқ эмас. Кафил бенефициар олдидаги мажбуриятини тўлиқ амалға ошириши лозим.

Банк каfoлати қуйидаги ҳолатларда ҳам амалда бўлади:

— асосий мажбуриятлар тугатилганда ёки ўзгартирилганда;

— асосий мажбуриятлар ҳақиқий эмас, деб топилган тақдирда;

— кафилға асосий мажбуриятға боғлиқ равишда бенефициар томонидан келтирилган талабға нисбатан эътироз билдиришға ҳақли бўлмаган ҳолларда;

— принципалнинг ҳар қандай талаби ёки эътирозига биноан кафил бенефициар олдидаги ўз мажбуриятини бажармаслик учун асос қилиб кўрсатиши мумкин бўлмаган ҳолларда;

— агар бенефициарнинг талаби қондирилганға қадар каfoлат билан таъминланган асосий мажбурият батамом ёки унинг тегишли қисми бажарилганлиги ёхуд бошқа асосларға кўра, бекор бўлган ёки ҳақиқий эмас, деб топилган тақдирда, бенефициарнинг такрорий талабига кўра амалға оширилиши лозим. Агар каfoлатда бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, у кафил томонидан чақириб олиниши мумкин эмас. Каfoлат бўйича бенефициарға тегишли бўлган кафилға талаб қўйиш ҳуқуқи, агар каfoлатда бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, бошқа шахсға ўтказилиши мумкин эмас. Бенефициарнинг каfoлат бўйича пул суммасини тўлаш ҳақидаги талаби каfoлатда кўрсатилган ҳужжатларни илова қилган ҳолда кафилға ёзма равишда тақдим этилиши керак. Талабда ёки унга иловада бенефициар принципалнинг таъминлаш учун каfoлат берилган асосий мажбуриятни бузиши нимадан иборатлигини кўрсатиши керак.

Бенефициарнинг талаби каfoлатда белгиланган муддат тугагунча кафилға тақдим этилиши керак. Амалдаги Фуқаролик кодексига банк ка-

фолатининг шакли юзасидан аниқ бир фикр билдирилмаган, лекин бенефициар албатта кафил ёзма ҳужжатларни тақдим этиши лозим. Шу сабабли юқоридаги ҳолатлардан хулоса қилиш мумкинки, банк кафолати албатта ёзма тартибда тузилиши шарт бўлиб, унда бенефициар тақдим этиши лозим бўлган ҳужжатлар рўйхати назарда тутилган бўлиши, бундан ташқари, банк кафолати учун жуда муҳим бўлган шартлар: унинг амал қилиш муддати ва тўланиши шарт бўлган пул миқдори кўрсатилиб ўтилиши мақсадга мувофиқ.

Кафолатни дастлабки тарзда талаб қилишга оид бўлган унификациянинг 3-моддасида кўрсатилишича, барча банк кафолатларида кўрсатилиши лозим бўлган шартлар: 1) принципал ва бенефициарнинг номи; 2) кафилнинг номи; 3) кафолат беришнинг асосий шартномага ҳавола қилинганлиги; 4) тўланадиган пул миқдорининг максимал миқдори; 5) кафолат берилган муддат; 6) тўловни амалга ошириш асослари.

Г.А.Аванесовойнинг таъкидлашича, кафолат мажбуриятида ушбу шартларнинг мавжуд эмаслиги уни ҳақиқий эмас, деб топилишига асос бўлади: принципалнинг номи; кафолат бўйича тўланадиган пул миқдори; кафолатнинг муддати.³

Шунингдек Л.Г.Ефимовойнинг фикрича, томонларнинг банк кафолати бўйича қуйидаги шартларни ўзаро келишиб олмасликлари тузилган битимни ҳақиқий эмас, деб топишларига асос бўлиши мумкин. Жумладан, бенефициарнинг номи; принципалнинг номи; кафолатнинг асосий мажбуриятга ҳавола этилганлиги.⁴

Хусусан, ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2012 йил 24 мартдаги 10/1-сонли қарори билан тасдиқланган "Тижорат банклари томонидан банк кафолатларини бериш тартиби тўғрисида"ги низомга кўра, кафолат бериш тўғрисида қарор қабул қилинган, кафил ва принципал ўртасида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда кафиллик шартномаси тузилиб, шартномада қуйидагилар кўрсатилиши лозим:

- шартнома тузилган сана ва жой;
- шартнома предмети;
- шартнома баҳоси;
- шартноманинг бажарилуш муддатлари;
- томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари;
- кафил мажбуриятларининг чегаралари;
- кафилнинг хизматларига ҳақ тўлаш миқдори ва тартиби;
- кафолатни чақириб олиш асослари;
- шартноманинг бекор бўлиши;
- шартнома бўйича жавобгарлик;
- томонларнинг юридик манзили ва бошқа реквизитлари.⁵

Банк кафолатида унинг муддатини белгилаш муҳим ўрин эгаллайди. Чунки, келгусида аввало бенефициарнинг талаб қилиш ҳуқуқини ҳимоя

қилиш ва шу билан биргаликда, кафилга нисбатан асосиз ёзма талаб билан мурожаат этиш ҳолатларининг олдини олиш имконини беради.

Кафил бенефициарнинг талабини олганидан сўнг бу ҳақда дарҳол принципални хабардор қилиши ва унга талабнинг нусхасини барча тегишли ҳужжатлар билан топшириши керак. Кафил бенефициарнинг талабини унга илова қилинган ҳужжатлар билан бирга кафолатда кўрсатилган муддатда кўриб чиқиши, муддат кўрсатилмаганда эса - мутаносиб муддатда бу талаб ҳамда унга илова қилинган ҳужжатлар кафолат шартларига мос келиши ёки келмаслигини аниқлаш учун тегишли зарурий чораларни кўриши керак. Ушбу ҳолатларни низоларни ҳал қилаётганда албатта инобатга олиш зарурдир. Агар бенефициарнинг талаби ёки унга илова қилинган ҳужжатлар кафолат шартларига мос келмаса ёхуд кафилга кафолатда белгилаб қўйилган муддат тамом бўлгандан кейин тақдим этилган бўлса, кафил бенефициарнинг талабини қондиришни рад этади. Кафил бенефициарнинг талабини қондиришни рад этганлиги ҳақида уни дарҳол хабардор қилиши шарт.

Агар бенефициарнинг талаби қондирилгунга қадар кафолат билан таъминланган асосий мажбурият батамом ёки унинг тегишли қисми бажарилганлиги ёхуд бошқа асосларга кўра бекор бўлганлиги ёнки ҳақиқий эмас, деб топилганлиги кафилга маълум бўлиб қолса, у бу ҳақда дарҳол бенефициарга ва принципалга хабар бериши шарт.

Кафолатда назарда тутилган кафилнинг бенефициар олдидаги мажбурияти кафолат берилган суммани тўлаш билан чекланади. Кафолат бўйича мажбурият бажарилмаганлиги ёки лозим даражада бажарилмаганлиги учун кафилнинг бенефициар олдидаги жавобгарлиги, агар кафолатда бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, кафолат берилган сумма билан чекланмайди. Агарда кафил бенефициар олдидаги ўз мажбуриятини лозим даражада бажармаса ёки тўловни кечиктирса, у фуқаролик қонунчилиги асосларига кўра, пул мажбуриятларини бажармаганлик қоидаларига асосан жавобгар бўлади.

Кафилнинг кафолат бўйича бенефициар олдидаги мажбурияти қуйидаги ҳолларда бекор бўлади:

- 1) кафолат берилган сумма бенефициарга тўланиши;
- 2) кафолатда белгиланган муддатнинг тамом бўлиши;
- 3) бенефициар кафолат бўйича ўз ҳуқуқларидан воз кечиши ва уни кафилга қайтариб бериши оқибатида;
- 4) бенефициар кафилни унинг мажбуриятларидан озод қилиши ҳақида ёзма ариза бериши йўли билан кафолат бўйича ўз ҳуқуқларидан воз

кечиши оқибатида.⁶

Кафолат бекор бўлганлигидан хабар топган кафил дарҳол бу ҳақда принципални хабардор қилиши керак. Кафилнинг принципалдан кафолат бўйича бенефициарга тўланган суммаларни регресс тартибда тўлашни талаб қилиш ҳуқуқи кафилнинг принципал билан бажариш юзасидан кафолат берилган келишувда белгилаб қўйилади. Агар кафилнинг принципал билан келишувда бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, кафил бенефициарга кафолат шартларига номувофиқ тарзда ёки кафилнинг бенефициар олдидаги мажбуриятни бузганлиги учун тўланган суммаларни қоплашни принципалдан талаб қилишга ҳақли эмас. Ушбу ҳолат юзасидан айрим олимларниг фикрича, фақатгина принципал билан кафил ўрасида шундай келишув бўлган тақдирдагина кафил принципалдан регресс талаблар-

ни қўйиш мумкинлигини таъкидлашади.⁷

Айнан ушбу масалалар бўйича В.В. Витрянскийнинг фикрича, улар ўртасида ўзаро келишув бор ёки йўқлигидан қатъи назар, кафил принципалга регресс талабларини қўйишга ҳақлидир. Чунки, бу битим ҳақ эвазига тузиладиган битим ҳисобланиб келиниши ҳамда принципалнинг кафилга нисбатан унинг талабларини қондирмаслиги фуқаролик ҳуқуқи адолатлилик принципаларига зид ва принципалнинг асоссиз бойишига олиб келиши мумкин.⁸

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, банк кафолати мажбуриятни таъминлаш усуллари ичида ўзининг алоҳида белги ва хусусиятларига эга бўлиб, мажбурият иштирокчилари учун ўз мажбуриятларини тўлиқ бажаришда муҳим аҳамиятга эга ҳамда тарафларнинг манфаатларини тўлақонли таъминлашда муҳим роль ўйнайди.



¹ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами 10.01.2018 й., 03/18/459/0539-сон.

² О сущности и правовых личного и реального кредита см.: Хвостов В.М. Система римского права. М., 1996. С. 326-327.

³ Аванесова Г.А. Применение банковской гарантии в товарном обороте: Автореферат кандидатский диссертации. М., 1999. С. 15.

⁴ Ефимова Л.Г. Банковские сделки // Комментарий законодательства и арбитражной практики. Юридическая фирма "Контракт"; Издательский до "ИНФРА-М", 2000.С.276

⁵ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами 03.04.2018 й., 10/18/2364-3/0987-сон. [Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2012 йил 15 майда рўйхатдан ўтказилган.

⁶ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами 10.01.2018 й., 03/18/459/0539-сон.

⁷ Комментарий к Гражданскому кодексу Российской Федерации (часть первая) (под ред. Т.Е. Абовой, А.Ю. Кабалкина) включен в информационный банк согласно публикации - Издательство "Юрайт", 2002.

⁸ Монография М.И. Брагинского, В.В. Витрянского "Договорное право. Общие положения" (Книга 1) включена в информационный банк согласно публикации - Издательство "Статут", 2001 (издание 3-е, стереотипное).

Матлуба АМИНЖОНОВА,
Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси
Академияси доценти, юридик фанлар номзоди

СУҒУРТА ТАШКИЛОТИ ХОДИМЛАРИНИНГ АГЕНТ СИФАТИДА ФАОЛИЯТ ЮРИТИШИ БИЛАН БОҒЛИҚ МУАММОЛАР

- ◆ Мақолада МДХ давлатлари ҳамда Ўзбекистон Республикасининг суғурта хизмати кўрсатишни тартибга солишга доир қонунчилиги таҳлил этилиб, суғурталовчиларнинг жавобгарлигини такомиллаштиришга доир таклифлар ишлаб чиқилган.
- ◆ В статье представлено законодательство Республики Узбекистан и некоторых государств СНГ по оказанию страховых услуг, а также выработаны предложения по их совершенствованию.
- ◆ The article highlights the legislation of the Republic of Uzbekistan and some of the CIS countries on rendering insurance services and offers its further improvement.

Таянч сўзлар: суғурта хизмати, суғурталовчи, суғурта ривожини, суғуртанинг бозор иқтисодиётидаги роли ва аҳамияти.
Ключевые слова: страхование, страховая деятельность, развитие страхования, роль и значения страхования.
Key words: insurance, insurance activity, historical stages of insurance activity, development of insurance, role and value of insurance.

Суғурта ва суғурта муносабатлари бозор инфратузилмасининг энг муҳим таркибий унсурларидан бири бўлиб, бозор шароитида таваккалчиликка асосланган тадбиркорликнинг ишончли юритилишида ва уни ривожланишида муҳим аҳамиятга эга.

Суғурталаш фаолияти ёзма равишдаги шартномага асосланган бўлиб, бу шартнома суғурта тарафларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини ифодаловчи асосий ҳужжат ҳисобланади. Ҳ.Раҳмонқулов таъкидлаганидек, шартнома нафақат томонлар ўртасидаги мулкӣ муносабатларни тартибга солиди, балки хизматлар бозоридаги реал эҳтиёжларни аниқлашда ҳам муҳим воситадир. Зеро, шартнома нафақат юридик факт, балки тартибга солишга қаратилган юридик ҳужжат ҳам бўлиб ҳисобланади.¹ Суғурталаш фаолиятининг самарадорлиги ҳам суғурта шартномаси мажбуриятларининг ҳар томонлама тўлиқ ва сифатли бажарилишига боғлиқдир.

Мажбурият субъектлари муайян ҳуқуқларга эга бўлган ва зиммасига мажбурият олган шахслардир. Ҳар бир мажбуриятда албатта, икки тараф иштирок этади. Муайян бир ҳаракатнинг қилини-

шини ёки муайян ҳаракатни қилишдан сақланишнинг талаб этишга ҳақли бўлган тараф — кредитор деб аталади. Муайян ҳаракатни қилишга ёки ҳаракат қилишдан сақланишга мажбур.² Суғурта шартномасида ҳам бир томон суғурталовчи ташкилот бўлса, иккинчи томон фуқаро ёки юридик шахс бўлиши мумкин.

Шуни эътиборга олиш лозимки, суғурта шартномалари бошқа шартномалардан фарқли равишда нафақат икки тарафнинг ўзи томонидан, балки суғурталовчи ваколат берган суғурта агентлари томонидан ҳам тузилиши мумкин.

Суғурта агенти тушунчаси Ўзбекистон Республикасининг “Суғурта фаолияти тўғрисида”ги Қонунда ўз ифодасини топган бўлиб, унга кўра, суғурталовчининг номидан ва топшириғига биноан суғурта шартномасининг тузилиши ва ижро этилишини ташкил қилиш бўйича фаолият юритувчи юридик ёки жисмоний шахс суғурта агенти ҳисобланади.

Суғурталовчининг бошқарув органлари раҳбарлари суғурта агенти бўла олмайдилар.

2017 йил 1 январь ҳолатига суғурталовчиларнинг 354 та вилоят ҳудудий филиаллари, 778 та

туман бўлинмалари ҳамда 5909 та (шундан 4295 та жисмоний ва 1614 та юридик шахс) суғурта агентлари мавжуд.

Суғурта агентлари ўз фаолиятини “Суғурта фаолияти тўғрисида”ги Қонуннинг 9 ва 9¹-моддаларига асосан суғурталовчилар билан тузилган топшириқ шартномалари (агент битимлари) асосида амалга оширади.

Юқорида қайд этилганидек, суғурталовчининг бошқарув органлари раҳбарларига суғурта агентлари бўла олмасликлари белгиланган.

Бироқ, қонун билан суғурталовчиларнинг бошқа ходимларига бундай чекловлар белгиланмаганлиги бугунги кунда бир қатор муаммоларни келтириб чиқармоқда. Хусусан, суғурталовчиларнинг ходимлари ўзи ишлаб турган суғурта ташкилоти ёки бошқа суғурталовчилар билан агент битимлари асосида фаолият юритиб келмоқда.

Суғурта шартномалари тузиш суғурталовчиларнинг асосий вазифаси ҳисобланса-да, уларнинг ходимлари томонидан суғурта ташкилотининг ўзига шартнома тузиш ҳақида мурожаат қилган мижозлар билан ҳам тузилган шартномаларни агент билан тузилган шартнома сифатида расмийлаштириб, комиссия иш ҳақи олинаётганлиги суғурталовчиларнинг ходимларига ўз манфаати йўлида барча шартномаларга агент сифатида расмийлаштирилиб, комиссия тўловларни олиш имкониятини яратади.

Бунинг оқибатида, суғурта корхонасига ўз хоҳиши билан келган мижозлар билан суғурталовчиларнинг ходимлари ўз хизмат вазифаси юзасидан тегишли суғурта шартномаси тузганлиги учун ойлик иш ҳақидан ташқари, қўшимча агентлик комиссия иш ҳақи олмоқда.

Бу эса суғурта фонди маблағларини ўзлаштиришнинг усули сифатида, яъни аслида агентлик хизмати кўрсатилмаган бўлса-да, унинг номига агентлик комиссия иш ҳақи сифатида 25 фоизгача ойлик иш ҳақи ўтказиш йўли билан манфаат кўрилаётганлигини билдиради.

Хусусан, Россия давлатининг амалиётига эътибор қаратадиган бўлсак, 1992 йил 27 ноябрда қабул қилинган **“Суғурта ишини ташкил этиш тўғрисида”**ги (Закон об организации страхового дела в Российской Федерации) қонуннинг 8-моддаси “Страховые агенты и страховые брокеры”- деб номланиб, ушбу моддада агентнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ёритиб берилган. Шунингдек, ушбу қонуннинг шарҳида ҳам суғурталовчининг бошқарув органлари раҳбарлари суғурта агентлари бўла олмасликлари белгиланган. Бундан хулоса қилиш мумкинки, суғурта ташкилотининг ходимлари суғурта агенти вазифасини ҳам бажариши мумкин. Тўғри, бунда албатта суғурта ташкилотларига суғурта шартномаси тузиш таклифи билан келган

мижозлар билан тузилган шартномаларни агентлар орқали тузилган шартномалар турига киритиб, комиссиян фоизлар тўланиши нотўғри бўлади. Бундай ҳолатнинг олдини олишни қонунчиликка юқоридаги каби ўзгартириш киритиш орқали эмас балки, суғурта ташкилотлари ходимлари томонидан агент сифатида тузилган шартномаларни таҳлил этиш, ходимларга агент сифатида фаолият юритиш учун ваколат берилган-берилмаганлигига, улар бу шартномаларни тузишда агент учун белгиланган ҳуқуқ ва мажбуриятларни қўллаганлигига эътибор қаратиш лозим.

Шунингдек, Россия амалиётида фақат ишончнома тақдим этиш орқали тузиладиган оддий вакиллик суғурта ташкилоти ходимлари бўлган суғурта агентларига нисбатан қўлланилади. Бунда уларга суғурталовчилар олдидаги суғурталовчи манфаатларини ифода этувчи агент ваколатлари билан ишончнома тақдим этишнинг ўзи етарлидир. Бу ҳолатда алоҳида шартнома тузиш шарт эмас, чунки ходим ва суғурта компаниясининг ўзаро муносабатлари меҳнат шартномаси билан белгиланади.

Бундан ташқари, ушбу давлатда суғурта агентлари фаолиятининг ҳисобини юритиш ҳам алоҳида эътиборга олинган. Яъни суғурта компанияларининг меҳнат шартномалари асосида ишлайдиган, штатдаги ходимлар бўлган суғурта агентларидан солиқлар қўлга киритилган комиссия мукофотдан 13 фоиз ставка асосида солиқлар Россия Федерацияси Солиқ кодексининг 229-моддасига асосан суғурта компаниялари томонидан ушлаб қолинади ҳамда тегишли солиқ органига ўтказилади.

Суғурта компаниялари ходимларнинг — суғурта агентларининг даромадлари ҳисобини тегишли солиқ даврида, Россия Федерацияси Молия вазирлиги томонидан тасдиқланган шакл асосида юритадилар. Бундан ташқари, Россия Федерацияси Солиқ кодексининг 230-моддаси 2-бандига мувофиқ, суғурта компаниялари ҳар йили, ўтиб кетган солиқ давридан кейинги йилнинг 1 апрелидан кечиктирмаган ҳолда, ижро этувчи ҳокимиятнинг солиқлар ва йиғимлар соҳасида контрол ва назорат олиб боришга ваколатли бўлган федерал органи томонидан тасдиқланган шакл асосида, ўзи ҳисобда турган жойидаги солиқ органига муайян солиқ даври учун ходимлари — суғурта агентларининг даромадлари ҳамда мазкур солиқ даврида ҳисобланган ва ушлаб қолинган солиқлар суммаси тўғрисидаги маълумотларни тақдим этади (РФ СК 230-моддаси 2-банди). Бу амалиётни бошқа МДҲ давлатларида ҳам кузатиш мумкин.

Юқоридагиларга қўра, Ўзбекистон Республикасида ҳам қайд этилган қонун бузилишларнинг

олдини олишни юқоридаги амалиётни йўлга қўйиш орқали амалга ошириш мумкин. Яъни комиссиян фоизлар тўланган шартномалар қайси ходим томонидан тузилган, бу ходимга агент сифатида шартнома тузиш ваколати қайси ҳужжатга асосан берилган? Шу саволларга жавоб топиш орқали суғурта ташкилотларидаги кўзбўямачиликка аниқлик киритиш ва тегишли шахсларга жавобгарлик қўллаш орқали муаммони ҳал этиш мумкин.

Лекин, бунинг учун Ўзбекистон Республикаси “Суғурта фаолияти тўғрисида”ги Қонунининг 9-моддаси иккинчи хатбошисига **“Суғурта таш-**

килотларининг ходимлари агентлик хизматини фақатгина суғурта ташкилоти томонидан топширилган ишончномалар ёки меҳнат шартномасига кўра, ўзи фаолият юритаётган суғурта ташкилотидан ташқарида амалга оширади” - деган мазмундаги ўзгартириш киритиш лозим.

Ҳозирги кунда ҳар бир хизмат кўрсатувчи ва ишлаб чиқарувчи юридик шахсларга ўз товарларини ишлаб чиқаришда ва хизматларини кўрсатишда эркин фаолият юритишлари учун кенг шароит яратилаётган бир вақтда суғурта ташкилотларининг агент сифатида ўзларининг хизматларини кўрсатишларини чеклаб қўйиш мақсадга мувофиқ эмас.



¹ Раҳмонқулов Ҳ..Р. Мажбурият ҳуқуқи (умумий қоидалар). Дарслик-Тошкент: ТДЮИ.

² Зокиров И..Б. Фуқаролик ҳуқуқи.-Т.Адолат. 2006. 271-б.

Хуршид КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси
Академияси кафедра бошлиғи в.б.

ЖИНОЙИЙ ФАОЛИЯТДАН ОЛИНГАН ДАРОМАДЛАРНИ ЛЕГАЛЛАШТИРИШ УЧУН ЖАВОБГАРЛИК: ҚИЁСИЙ-ҲУҚУҚИЙ ТАҲЛИЛ

✦ Мақолада жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашга оид халқаро ҳужжатлар мазмуни, хорижий мамлакатлар қонунчилиги билан қиёсий таҳлили ёритилган ҳамда миллий қонунчиликни такомиллаштириш бўйича таклифлар берилган.

✦ В статье освещены значение международных документов в сфере противодействия легализации преступных доходов, сравнительный анализ с законодательством зарубежных стран, а также даны предложения по совершенствованию национального законодательства.

✦ In this article the essence of international documents in the field of combating against money laundry as well as comparative analysis with the legislation of foreign countries have been highlighted and proposals for improving national legislation have been carried out.

Таянч сўзлар: легаллаштириш, предикат жиноят, жиноий даромад, конфискация.

Ключевые слова: легализация, предикатные преступления, преступный доход, конфискация.

Key words: legalization, predicative crime, criminal income, confiscation.

Жиноий фаолиятдан олинган даромадни легаллаштириш бугунги кунда халқаро характердаги жиноят ҳисобланади.

Замонавий ахборот-коммуникация технологияларининг ривожланиши, халқаро пул ўтказмалари тизимининг ривожланиши, виртуал пулларнинг пайдо бўлиши каби омиллар ҳам жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш жиноятини халқаро миқёсда ҳам долзарб муаммога айлантди. Бу эса ўз навбатида, бундай жиноятларга қарши курашда халқаро ҳамкорликни ривожлантиришни, ушбу жиноятларга қарши кураш бўйича малакали мутахассисларни тайёрлашни, бу соҳадаги хорижий тажрибани ўрганишни тақозо этади.

Россия Федерацияси пойтахти Москва шаҳрида жиноий даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга қарши кураш мавзусида малака ошириш машғулоти ўтказилди. Машғулотлар Молиявий мониторинг халқаро ўқув методик маркази томонидан ташкил этилди. Малака ошириш машғулотида Бош прокуратура ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши кураш департаменти ҳамда Бош проку-

ратура Академияси ходимлари иштирок этдилар. Машғулотлар давомида жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашга оид халқаро стандартлар, хорижий мамлакатлар тажрибаси, шу жумладан, Россия қонунчилиги бўйича жиноий даромадларни легаллаштириш учун жавобгарликка оид нормалар ва уларнинг амалиёти ўрганилди ҳамда ўзаро тажриба алмашилди.

Жиноий даромадларни легаллаштиришнинг хавфлилиги шундаки, айбдор жиноят натижасида топилган даромадига қонуний тус беради ва келиб чиқиш манбасини яширади. Бу эса ўз навбатида, содир этилган жиноятни яширади ҳамда жиноий йўл билан топилган мулкдан эркин фойдаланиш имкониятини беради.

Жиноий даромадларни легаллаштириш деганда умумий маънода шундай даромадларни келиб чиқиш манбаларини яшириш ва уларни иқтисодий муомалага қонуний киритиш тушунилади¹.

Жиноий даромадларни легаллаштириш жиноятига халқаро даражада эътибор берилиши сабаб авваламбор гиёҳвандлик моддалари олди-сотдиси билан боғлиқ жиноий даромадларни легаллаштириш орқали фойдаланишга чек қўйиш

бўлган. Чунки айнан ушбу жиноятлар натижасида топилган даромадлар иқтисодий муомалага эркин кириб келиши натижасида қонуний иқтисод учун хавфли бўлган. Шу сабабли наркотик моддалар ва психотроп моддаларнинг ноқонуний муомалада бўлишига қарши кураш мақсадида 1988 йил 20 декабрда Вена шаҳрида БМТнинг “Наркотик моддалар ва психотроп моддаларнинг ноқонуний муомалада бўлишига қарши кураш тўғрисидаги конвенцияси”² (Вена конвенцияси) қабул қилинди.

БМТнинг ушбу конвенцияси қабул қилинганидан сўнг, жиноий даромадларни легаллаштириш халқаро нормаларда криминализация қилиш заруратини келтириб чиқарди. Жумладан, БМТнинг 2000 йил 15 ноябрдаги “Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши” конвенцияси ҳамда 2003 йил 31 октябрдаги “Коррупцияга қарши” конвенцияларида жиноий даромадларни легаллаштириш жиноят сифатида қайд этилди ҳамда конвенцияга аъзо давлатлар ўз қонунчилигига жиноий даромадларни легаллаштиришни жиноят сифатида киритиши белгиланди.

БМТнинг 2000 йил 15 ноябрдаги “Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши” конвенциясининг 6-моддаси жиноий даромадларни легаллаштиришни криминализация қилиш деб номланади. Ушбу моддада қуйидаги қилмишлар қасддан содир этилса, жиноий қилмиш сифатида баҳоланиши белгиланган:

I) Мулкни алмаштириш ёки ўтказиш, агар шундай мулк жиноий йўл билан топилган даромад бўлса, шундай мулкни келиб чиқиш жиноий манбаини яшириш, ёки жиноят содир этган шахсни жавобгарликдан бўйин товлашига кўмаклашиш мақсадида мулкнинг жиноий манбасини яшириш мақсадида содир этилган бўлса. Демак, конвенциянинг ушбу қондасида жиноий даромадни легаллаштириш қасддан ҳамда жиноий йўл билан топилган даромаднинг келиб чиқиш манбаини яширишда ифодаланади.

II) Агар мулк жиноий даромад манбаи эканлигини аниқ била туриб, шундай мулкни ҳақиқий манбасини, хусусиятини турган жойини, тасарруф этиш усулини, хусусиятини ўзгартириш, кўчириш, мулкка бўлган ҳуқуқ ёки тегишлилигини яшириш. Демак, ушбу ҳолатда ҳам жиноят йўли билан топилган мулкни келиб чиқиш манбасини яшириш асосий белги сифатида намоён бўлади.

б) ўзининг ҳуқуқий тизимини асосий тамойилларига риоя этиш шарт билан:

I) мулкни олиш, мулкка эгаллик қилиш ёки фойдаланиш: агар ушбу мулкни олиш жараёнида унинг жиноий даромаддан олинганлиги аниқ бўлса;

II) ушбу моддадаги жиноятларда иштирок этганлик ёки дахлдорлик, суиқасд, ёрдамчи, дало-

латчилик ёки уни содир этишда ўз маслаҳатлари билан кўмак берган шахслар.

Демак, юқоридаги қилмишларни иштирокчи давлатлар ўз жиноят қонунчилигига жиноий қилмиш сифатида киритиши белгиланган.

2. Ушбу модданинг 1-бандини амалга ошириш мақсадида:

а) Ҳар бир иштирокчи давлат ушбу модда 1-бандини **асосий ҳуқуқбузарликларнинг** кенг доирасига нисбатан қўлланилишига ҳаракат қилади;

б) ҳар бир иштирокчи давлат ушбу конвенциянинг 2-моддасида келтирилган асосий ҳуқуқбузарликлар доирасига барча жиддий жиноятларни ҳамда конвенциянинг 5,8,23-моддаларидаги жиноятларни киритади. Конвенциянинг 2-моддасига асосан жиддий жиноятларга тўрт йилдан кам бўлмаган ёки ундан кўпроқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси назарда тутилади. Конвенцияни 5-моддасида уюшган жиноий гуруҳда иштирок этиш, 8-моддасида коррупция, 23-моддасида одил судловни амалга оширишга тўсқинлик қилиш каби жиноятларни криминализация қилиш назарда тутилган.

Конвенциянинг 6-моддасида англаш, мақсад ва қасд жиноят таркиби элементи сифатида ишнинг объектив фактик ҳолатидан келиб чиқиб белгиланади. Яъни конвенцияда мазкур жиноят қасддан, мақсад билан онгли содир этилиши жиноят таркибининг элементи эканлиги қайд этилган. Демак, жиноий даромадларни легаллаштириш жиноятида айбдорнинг мақсади жиноий йўл билан топилган мулкка ёки даромадга қонуний тус бериш орқали унинг келиб чиқиш манбасини яширишга қаратилади. Бундан ташқари, конвенция жиноий даромадни легаллаштириш деганда фикримизча, ҳар қандай жиноятдан олинган даромадни легаллаштиришни эмас, балки юқорида келтирганимиздек, тўрт йилдан кам бўлмаган ёки ундан кўпроқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси назарда тутилган, уюшган жиноий гуруҳда иштирок этиб, содир этилган жиноят, коррупция, одил судловни амалга оширишга тўсқинлик қилиш каби жиноятлар натижасида олинган даромадларни легаллаштирганлик учун жавобгарлик белгилашни назарда тутлади.

Коррупцияга қарши конвенциянинг 23-моддаси жиноий даромадларни легаллаштириш, деб номланади. Ушбу моддадаги асосий қондалар ҳам БМТнинг 2000 йил 15 ноябрдаги “Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши” конвенциясининг 6-моддаси қондаларига мос келади. Шу билан бир қаторда, мазкур конвенцияда назарда тутилган **жиноятлар натижасида** топилган даромадларни легаллаштириш учун жавобгарликни назарда тутлади.

Бундан ташқари, давлатларнинг ички қонунчилиги асосий тамойиллари рухсат берганда иштирокчи давлатлар жиноий даромадни легаллаштириш учун алоҳида жавобгарликни асосий жиноятни (асосий жиноят—мулк ёки даромад олинишига сабаб бўлган жиноят) содир этган шахсларга қўлланилмаслигини назарда тутиши мумкинлиги қайд этилган.

Юқоридаги иккита конвенцияда ҳам муайян жиноятлар натижасида олинган даромадларни легаллаштирилганлик учун жавобгарлик белгиланган назарда тутилган. Жиноий даромадни легаллаштиришни муайян жиноятларга боғлаб қўйиш давлатлар учун мазкур жиноят учун жавобгарликни белгиланган борасида ягона қараш шаклланишини мураккаблаштиради. Шу сабабли, жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши кураш борасида махсус “Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш, аниқлаш, олиб қўйиш, мусодара қилиш ҳақида”ги конвенция 1990 йил 8 ноябрда Европа Иттифоқи аъзо давлатлари томонидан Страсбургда қабул қилинди. Ушбу конвенциянинг 6-моддаси юқоридаги конвенциялардан фарқли равишда жиноий даромадларни легаллаштириш билан боғлиқ жиноятлар деб номланди. Мазкур конвенцияда ҳар қандай жиноятлар натижасида олинган даромадларни легаллаштириш назарда тутилди. Кейинчалик ушбу конвенция қоидалари Европа Иттифоқининг 2005 йил 16 майда Варшавада қабул қилинган “Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш, аниқлаш, олиб қўйиш, мусодара қилиш ва терроризмни молиялаштириш ҳақида”ги конвенцияда янада ривожлантирилди³.

Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши кураш борасида давлатлар ҳамкорлигини таъминлаш ва халқаро стандартларни ишлаб чиқишда 1989 йилда ташкил этилган “Жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш бўйича молиявий чораларни ишлаб чиқиш гуруҳи” — ФАТФ⁴ муҳим ўрин тутди.

ФАТФ қарорлари тавсиявий характерга эга бўлсада, ундаги тавсиялар жисмоний ва юридик шахслар томонидан молиявий тизим имкониятларидан фойдаланиб, жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашнинг халқаро дастурини акс эттиради. Яъни ФАТФ тавсияларининг бажарилиши реал жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш, пул ювиш схемаларига қарши курашда амалий аҳамият касб этади. ФАТФ тавсиялари ушбу соҳадаги жиноятларга тезкор муносабат билдириш имкониятини беради.

Бундан ташқари, бир қатор минтақавий ва иттифоқлараро келишувлар ҳам жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши кураш борасида

аниқ мажбуриятларни белгилайди. Масалан, Европа Иттифоқининг жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши кураш билан боғлиқ 2005/60/ЕС “Директива”си. Бундай ҳужжатларда давлатларнинг молиявий органлари ҳамкорлиги масаласи ҳам акс этади.

Жиноий даромадларни легаллаштиришни криминализация қилишда қуйидагилар муҳим ҳисобланади:

- жиноят предмети белгилари (жиноят йўли билан топилган даромад ёки мулк);
- легаллаштириш усуллари ва белгилари;
- асосий (предикат) жиноятларни очиқ ёки ёпиқ рўйхати қайсики мазкур жиноятлар натижасида топилган даромад.⁵

Ноқонуний (жиноий) даромад тушунчаси биринчи марта халқаро конвенция доирасида 1988 йил 20 декабрдаги БМТнинг “Наркотик моддалар ва психотроп моддаларнинг ноқонуний муомаласида бўлишига қарши кураш тўғрисидаги конвенцияси”нинг 1-моддасида берилган бўлиб, унга кўра, наркотик моддалар ва психотроп моддаларнинг ноқонуний муомаласи натижасида бевосита ёки билвосита қўлга киритилган ёки олинган ҳар қандай мулк (бу ерда мулк деганда ҳар қандай шаклдаги актив, моддий ёки номоддий, кўчар ёки кўчмас, бўлинар ёки бўлинмас, шундай активларга эгалик қилиш ёки иштирок этиш ҳуқуқини берадиган ҳуқуқий ҳужжатларни англади) ноқонуний (жиноий) даромад деб белгиланган. Демак, мазкур конвенция жиноий даромад деганда ҳар қандай жиноятдан эмас, балки айнан наркотик ёки психотроп моддаларни ноқонуний муомаласи натижасида қўлга киритилган даромадни назарда тутди.

Европа Иттифоқининг 2005 йил 16 майдаги Варшава конвенциясида жиноий даромад тушунчаси янада кенгроқ берилган. Унга кўра, жиноят содир этилиши натижасида бевосита ёки билвосита қўлга киритилган ёки олинган ҳар қандай иқтисодий фойда тушунилади.

Мазкур жиноий даромадни мусодара қилиш масаласида Вена конвенциясида жиноий фаолият натижасида топилган даромад тушунчаси билан мазкур даромадлар ҳисобига олинган мулк ёки активлар фарқланади. Мазкур конвенциянинг 5-моддасига асосан, агар жиноий даромадлар бошқа мулкка айланган бўлса, даромадлар эмас, балки мулк мусодара қилинади. Агар жиноий даромадлар бошқа қонуний олинган манбаларга қўшилган бўлса, яъни қонуний олинган даромад ва ноқонуний олинган даромад қўшилиб мулк олинган бўлса, мусодара фақатгина ноқоний (жиноий) олинган даромад миқдорига қўлланилади. Бундан ташқари, жиноий йўл билан топилган даромад ҳисобига олинган даромад ҳам

мусодара қилинади.

Юқоридаги халқаро ҳужжатлар таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, 1988 йилдаги Вена, 2000 йилдаги “Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши” конвенция, 2003 йилдаги “Коррупцияга қарши” конвенцияларда жинойий йўл билан топилган даромадни легаллаштириш тушунчасида асосий (предикат) жиноят доираси чегараланган бўлса, 1990 йилдаги Страсбург ҳамда 2005 йилдаги Варшава конвенцияларида жинойий даромадни легаллаштириш деганда, ҳар қандай жиноят натижасида олинган ёки қўлга киритилган даромадни легаллаштириш тушунилиши мустаҳкамланган. Фикримизча, жинойий даромадни легаллаштириш деб, ҳар қандай жиноят натижасида қўлга киритилган активга қасддан қонуний тус беришга қаратилган ҳаракат тушунилиши тўғри бўлади.

Жинойий даромадни легаллаштириш, яъни жинойий даромадга қонуний тус бериб ундан фойдаланиш қонуний иқтисод учун хавфли деб юқорида қайд этдик. Шу сабабли давлатлар ушбу қилмишни жиноят сифатида ўз қонунчилигида мустаҳкамлаган.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 243-моддаси жинойий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш деб номланади. Унга кўра, “жинойий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш, яъни мулк (пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк) жинойий фаолият натижасида топилган бўлса, уни ўтказиш, мулкка айлантириш ёхуд алмаштириш йўли билан унинг келиб чиқишига **қонуний тус бериш**, худди шунингдек бундай пул маблағлари ёки бошқа мол-мулкнинг асл хусусиятини, манбаини, турган жойини, тасарруф этиш, кўчириш усулини, пул маблағларига ёки бошқа мол-мулкка бўлган ҳақиқий эгалик ҳуқуқларини ёки унинг кимга қарашлилигини **яшириш ёхуд сир сақлаш**” тушунилади.

Демак, мазкур модда мазмунида жинойий фаолиятдан олинган даромадни легаллаштириш сифатида ҳар қандай жиноят сифатида топилган мулкни легаллаштириш, яъни унга қонуний тус бериш, унинг келиб чиқиш манбасини яшириш тушунилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Жинойий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга оид ишлар бўйича суд амалиётининг айрим масалалари тўғрисида”ги 2011 йил 11 февралдаги 1-сонли қарорида “шахсининг қилмишида ЖК 243-моддасида назарда тутилган жиноят таркиби бор-йўқлиги тўғрисидаги масалани ҳал этиш учун ҳар бир ҳолда легаллаштирилган мулк жиноят натижасида келиб чиққанлиги факти аниқланиши шарт” деб қайд этилган. Демак, шахсни Жиноят кодексининг 243-моддаси билан жавобгарликка тортишда албатта

дастлабки (предикат) жиноят аниқланган бўлиши лозим.

Жиноят кодексининг 243-моддасида назарда тутилган жиноят қасддан содир этилишига эътибор қаратилиши лозим. Яъни мазкур жиноят жинойий йўл билан топилган даромадни ўтказиш, мулкка айлантириш ёхуд алмаштириш йўли билан унинг келиб чиқишига қонуний тус бериш, жинойий йўл билан топилган даромадни асл хусусиятини, манбаини, турган жойини, тасарруф этиш, кўчириш усулини, пул маблағларига ёки бошқа мол-мулкка бўлган ҳақиқий эгалик ҳуқуқларини ёки унинг кимга қарашлилигини яшириш ёхуд сир сақлаш мақсадида содир этилади. Масалан, шахс гиёҳвандлик, порахўрлик, одам савдоси ва бошқа жиноятлар натижасида жинойий даромадга эга бўлиб, мазкур даромаднинг келиб чиқишига қонуний тус бериш мақсадида, яъни ушбу маблағларни эркин тасарруф этиш мақсадида қиймати юқори бўлган кўчмас мулкни арзон қийматда расмийлаштириб сотиб олади. Сўнгра ушбу кўчмас мулкни бир неча ўн барабар қиммат нархга расмийлаштириб сотади. Амалда мулкни текинга ёки арзон нархда беради. Бундай ҳолда шахс расман шартнома нархидаги мулкни легаллаштиради. Яъни, жинойий йўл билан топилган даромадга қонуний тус беради, унинг келиб чиқиш манбасини яширади. Ушбу ҳолат жинойий йўл билан топилган даромадни легаллаштиришга мисол бўлади ва шахс қасддан ушбу ҳаракатларни жинойий даромадни легаллаштириш мақсадида содир этади.

Қайд этиш лозимки, ҳар қандай жинойий даромадни ўтказиш даромадларни легаллаштириш таркибини бермайди. Бу ҳақда юқоридаги Пленум қарорида қуйидаги тушунтириш берилган: “Судлар даромадларни легаллаштиришни жинойий йўл билан топилган мулкни олиш ёки ўтказиш жиноятидан фарқлашлари лозим. Жумладан, жиноят (масалан, ўзганинг мулкни талон-торож қилиш) натижасида топилган мулкни олиш ёки ўтказиш, агар бундай мулкка қонуний эгалик кўриши берилмаётган бўлса (масалан, техник паспорт ёки ўғирланган автомобилни сотиш учун бериладиган ишончнома қалбакилаштирилган), даромадларни легаллаштириш (ЖК 243-моддаси) таркибини ташкил этмайди.

Ишнинг муайян ҳолатларидан (жумладан, талон-торож қилинган мулк билан амалга оширилган битим олдига қўйилган мақсаддан) келиб чиққан ҳолда бундай ҳаракатлар ўзганинг мулкни талон-торож қилишда иштирокчилик (ёрдамчи шаклида) ёки жинойий йўл билан топилган мулкни олиш ёки ўтказиш (ЖК 171-моддаси) сифатида, бунга асослар мавжуд бўлганда эса, ҳужжатларни қалбакилаштириш сифатида ҳам квалифика-

ция қилиниши мумкин” деб тушунтириш берилган. Яъни ушбу тушунтиришда шахс жиноий йўл билан топилган мулкни олиш ёки ўтказишда ушбу мулкни келиб чиқиш манбасини ўзгартиришга ҳаракат қилмайди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга оид ишлар бўйича суд амалиётининг айрим масалалари тўғрисида”ги қарорининг 3-бандида қуйидагича тушунтириш берилган. “Жиноят кодекси 243-моддаси мазмунига кўра, даромадларни легаллаштириш деганда, айбдор томонидан жиноий фаолият натижасида орттирилган мулк (пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк)нинг келиб чиқишига қонуний тус берилиши тушунилиши лозим. Мулк объекти сифатида бундай ҳолларда Фуқаролик кодекси 169-моддасида назарда тутилган ҳар қандай мулк бўлиши мумкин.

Бундай мулкка қонуний тус бериш пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан, одатда, молиявий операциялар ва бошқа битимлар амалга оширишда ифодаланadi.

Молиявий операцияларга капитал маблағларни ҳаракатлантириш юзасидан амалга ошириладиган операциялар, жумладан, пул маблағларини ҳисобга киритиш, уларни турли банклардаги жамғарма ҳисобварағларига бўлиб жойлаштириш, бошқа валютага ўтказиш, қонунсиз топилган пулларга қимматли қоғозлар сотиб олиш, пул маблағларини банкдаги жамғарма ҳисобварағига қайтариш мақсадида чегарадан ташқарига чиқариш ва ҳ.к.

Битимлар орқали содир этиладиган легализация деганда, фуқаролик ҳуқуқидаги сингари тузиладиган олди-сотди, қарз, ҳадя, гаров, ижара, айрибошлаш ва ҳ.к. шартномалар тузилиши тушунилади” деб белгиланган. Фикримизча, жиноий даромадларни легаллаштиришда айбдор юқоридаги операцияларни ёки битимларни амалга ошираётганда унинг ҳаракатларида жиноий йўл билан топилган даромадни легаллаштириш мақсади борлиги исботланиши лозим. Ушбу қасднинг исботланмаслиги эса шахсни фақатгина жиноий йўл билан топилган мулкни қўлга киритишга асос бўлган жиноят учун (предикат) жавобгарликка тортишга асос бўлади. Масалан, шахс ўғрилик жиноятини содир этиб, кўп миқдордаги пулни қўлга киритди ҳамда ушбу пулга машина сотиб олди. Мазкур ҳолатда шахс кўп миқдордаги пулни жиноий йўл билан қўлга киритган бўлсада, фикримизча, у сотиб олган машина жиноий даромадни легаллаштириш ҳисобланмайди. Чунки бу ерда шахснинг қасди жиноий йўл билан топилган мулкка қонуний тус беришга қаратилмаган. Яъни шахс сотиб олган машинасининг қону-

ний манбасини ушбу ҳолатда кўрсатиб бера олмайди. Аксинча, агар ўғрилик натижасида кўп миқдордаги пулни қўлга киритган шахс ўша пулни машина сотаётган одамга бериб, машинани ҳадя шартнома тузиш орқали олганда ҳамда шахс ушбу ҳадя шартномасини тузишдан мақсади жиноий даромадини легаллаштириш эканлиги аниқлансагина жиноий даромадни легаллаштириш учун жавобгарликка тортиш керак.

Қайд этиш лозимки, жиноий йўл билан топилган мулкни легализация қилиш жиноятларида асосий мақсад айбдор шахслар ўзларининг ноқонуний топган даромадларига қонуний тус бериш ҳамда ушбу пулларни ёки мулкни эркин муомалага киритиш ҳисобланади.

Хорижий мамлакатларда жисмоний шахсларнинг мол-мулки ҳамда даромадлари декларация қилиш тизими мавжуд бўлганлиги учун, жиноий йўл билан топилган даромадлар турли молиявий операциялар ва битимлар орқали легаллаштирилиши кўп учрайди.

Жиноий йўл билан топилган даромад ва ушбу даромад натижасида қўлга киритилган мулк қонуний эгасига қайтарилади ёки конфискация қилинади. Бу ҳақда Олий суд Пленуми юқоридаги қарорининг 7-бандида қуйидаги тушунтириш берилган. “Судлар шуни инобатга олишлари лозимки, даромадларни легаллаштиришдан олинган мулк ЖПК 211-моддаси 5-бандига кўра, ЖК 243-моддасида назарда тутилган жиноят предмети ҳисобланади ва Фуқаролик кодекси 204-моддасига асосан жисмоний ёки юридик шахсга жиноят натижасида етказилган моддий зарар қоплангандан сўнг конфискация қилиниши керак. Агар шахсни ЖК 243-моддасида назарда тутилган жиноятни содир этишда айблашга доир ишни кўриш чоғида пул маблағлари ёки мулкнинг муайян қисми жиноий йўл билан орттирилмаганлиги аниқланса, улар ЖПК 211-моддаси 4-бандига асосан қонуний эгасига қайтарилиши лозим”. Мазкур тушунтириш юқорида келтирилган Вена конвенциясининг 5-моддаси қоидаларига ҳам мос келади. Демак, ЖК 243-моддаси бўйича легаллаштирилган мулкни конфискация қилишда мазкур мулкни жиноий йўл билан орттирилмаган қисми қонуний эгасига қайтарилади.

Хорижий мамлакатларда ҳам жиноий даромадларни легаллаштириш учун жавобгарлик нормалари белгиланган.

Россия Федерацияси Жиноят кодексида легализация учун 2 та модда бўйича жавобгарлик белгиланган. Жумладан, РФ ЖКнинг 174-моддаси “бошқа шахс томонидан содир этилган жиноят натижасида қўлга киритилган пул маблағлари ёки бошқа мулкни легаллаштириш” деб номланса, 174¹-моддаси “жиноят содир этган шахс то-

монидан пул маблағлари ёки бошқа мулкни легаллаштириш” деб номланади. Яъни Россия Жиноят кодексига ўзи томонидан содир этилган жиноят натижасида топилган мулкни легаллаштириш билан, бошқа шахс жиноят содир этиши натижасида топилган мулкни легаллаштириш учун алоҳида жавобгарлик белгиланган.

Бундан ташқари, РФ Жиноят кодексига жиноий йўл билан топилган мулкни легаллаштириш учун деференциялаштирилган жавобгарлик белгиланган. Жумладан, кўп миқдорда содир этилиши 2-қисм билан, бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб ёки ўз хизмат мавқеидан фойдаланиб содир этиш 3-қисм билан, жуда кўп миқдорда ёки уюшган гуруҳ томонидан содир этилиши эса жиноятни оғирлаштирувчи ҳолат сифатида ЖКнинг 174¹-моддаси 4-қисм билан жавобгарликка тортишга асос бўлади. Бундан ташқари, барча қисмларида муқобил жазо турлари белгиланган.

Қозоғистон, Молдова, Беларус, Украина Жиноят кодекслари бўйича ҳам жиноий йўл билан топилган мулкни легаллаштириш учун деференциялаштирилган жавобгарлик белгиланган ва муқобил жазо турлари назарда тутилган.

Шунингдек, Украина Жиноят кодексига мазкур жиноят хўжалик фаолияти соҳасидаги жиноятларга, Россия, Беларус, Молдова, Қозоғистон Жиноят кодексларида иқтисодий фаолиятни амалга ошириш тартибига қарши қаратилган жиноятлар тоифасига киритилган.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 243-моддаси фақат 1 та қисмдан иборат ҳамда беш йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш

билан жазоланади. Бундан ташқари, ҳар қандай миқдордаги жиноий йўл билан топилган мулкни легаллаштириш учун бир хилда жавобгарлик белгиланган, яъни қилмишни оғирлаштирувчи ҳолатлар, легализация миқдори мазкур моддада белгиланмаган. Шунингдек, муқобил жазо турлари назарда тутилмаган.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига ушбу жиноят жамоат хавфсизлигига қарши жиноятлар бобига киритилган.

Юқоридагиларга асосан, Жиноят кодексининг 243-моддаси бўйича тегишли ўзгартиришлар киритилиши таклиф этилади. Жумладан, муқобил жазо турларини белгилаш ҳамда жазони либераллаштириш, шунингдек, қилмишни кўп миқдорда, жуда кўп миқдорда содир этганлик ҳолатларини оғирлаштирувчи ҳолат сифатида белгилаш, ушбу жиноятни кўпроқ иқтисодиётга қарши қаратилганлигидан, унинг хусусияти ҳамда хорижий мамлакатлар қонунчилиги таҳлилидан келиб чиқиб, мазкур жиноятни иқтисодиёт асосларига қарши жиноятлар бобига киритилишини мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз.

Хулоса сифатида шунини таъкидламоқчимизки, жиноий фаолиятдан олинган даромадни легаллаштириш билан боғлиқ халқаро тажрибани ўрганиш, бу соҳада халқаро ҳамкорликни ривожлантириш, мазкур жиноятлар бўйича хорижий мамлакатлар қонунчилигини қиёсий таҳлил қилиш жиноий фаолиятдан олинган даромадни легаллаштириш билан боғлиқ жиноятларни тезкорлик билан аниқлаш ҳамда миллий қонунчилик нормаларини такомиллаштиришда муҳим аҳамият касб этади.



¹ Международное уголовное право. Под общей редакцией А.В.Бриллиантова. Москва, Юрайт. 2017. 249 б.

² Международное уголовное право. Под общей редакцией А.В.Бриллиантова. Москва, Юрайт. 2017. 250 б.

³ Пикуров Н.И., Пудовочкин Ю.Е. Проблемы квалификации и привлечения к уголовной ответственности за легализацию (отмывание) денежных средств или иного имущества, приобретенных преступным путем. Москва 2015 г.

⁴ FATF – Financial Action Task Force on Money Laundering

⁵ Международное уголовное право. Под общей редакцией А.В.Бриллиантова. Москва, Юрайт. 2017. 253 б.

Истам АСТАНОВ,
Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси
доценти, ю.ф.н.

ЭКСПЕРТИЗА ТАЙИНЛАШ ТАРТИБИ ВА УНДА ҲАЛ ҚИЛИНАДИГАН ТАКТИК МАСАЛАЛАР

- ◆ Мақолада экспертиза тайинлаш тушунчаси, тартиби, босқичлари, экспертиза тайинлашнинг тактик жиҳатлари, қонунчиликда экспертиза тайинлаш жараёни билан боғлиқ камчиликлар таҳлил қилинган.
- ◆ В статье анализируются понятие, порядок, стадии назначения экспертизы, тактические особенности назначения экспертизы, недостатки законодательства связанные с назначением экспертизы.
- ◆ The article analyzes the concept, procedure, stages of the appointment of expertise, tactical characteristics of the purpose of the examination, the shortcomings of legislation associated with the appointment of the examination.

Таянч сўзлар: махсус билим, экспертиза тайинлаш, эксперт, эксперт хулосаси.

Ключевые слова: специальные познания, назначение экспертизы, эксперт, экспертное заключение.

Key words: special knowledge, appointment of expertise, expert, expert opinion.

Экспертиза ўзига хос универсал ва жиноят процессининг хоҳлаган босқичида, ҳаттоки, жиноят ишини қўзғатишдан олдин ҳам ўтказилиши мумкин бўлган тергов ҳаракати ҳисобланади.

Ушбу тергов ҳаракатининг муҳимлиги олимлар фикрларида ҳам намоён бўлади.

Б.Б.Ҳидоятлов таъкидлаганидек, кўпгина ҳолатларда терговчилар экспертиза аҳамиятини тушунмасдан, унга ишончсизлик билан қараб, ўзларининг билимларига таянишга ҳаракат қиладилар. Лекин баъзи ҳолатларда фақатгина экспертиза ёрдамидагина жуда мураккаб ва чалкаш жиноят ишларини очиш мумкин эканлигини унутиб қўйишади¹.

С.А.Отахўжаев бу борада “замонавий шароитларда ҳар бир турдаги фаолиятнинг самараси биринчи галда, ушбу фаолиятнинг вазифаларини ҳал этишда фан ва техника ютуқларидан кенг фойдаланишни тақозо этади. Бу ютуқларни ҳуқуқни муҳофаза қилиш амалиётига татбиқ этишда асосий ўринни суд экспертизаси эгаллайди. Шу сабабли, фан ва техниканинг замонавий имкониятларига асосланган экспертизадан кенг фойдаланиш муҳим рол ўйнайди ва экспертизанинг назарий ҳамда амалий масалаларини ри-

вожлантиришда катта аҳамиятга эга”.²

Демак, экспертиза суриштирув, дастлабки тергов ва суд муҳокамаси жараёнида фан, техника, санъат ёки ҳунар соҳалари бўйича махсус билимларга эга бўлган, жиноят процесси иштирокчиси билимларига эҳтиёж сезилганда ўтказилган тергов ҳаракатидир.

Процессуал жиҳатдан экспертиза уч босқичдан ташкил топади: 1) экспертиза тайинлаш; 2) экспертиза ўтказиш; 3) экспертиза хулосасини баҳолаш.

Криминалистик нуқтаи назардан экспертиза 7 та босқичдан иборат бўлиб, уларнинг ҳар бирини тўлиқ, ҳар томонлама, сифатли ўтказилиши эксперт хулосасининг савиясини ва далилий аҳамиятини оширади.

Ушбу босқичлар жумласига, а) экспертизага тайёргарлик кўриш; б) экспертиза тайинлаш; в) экспертиза ўтказиш; г) экспертиза хулосасини шакллантириш; д) экспертга саволлар бериш (экспертни сўроқ қилиш); е) эксперт хулосасини баҳолаш; ё) қўшимча, қайта экспертизаларни ўтказишни киритиш мумкин.

Бир қатор олимлар — В.М.Бозров ва В.М.Кобяковларнинг фикрига кўра, экспертиза босқичла-

рини учга бўлиб ўрганиш мумкин: экспертиза предметиға оид ҳолатни тадқиқ қилиш; эксперт олдига қўйиладиган саволларни шакллантириш; экспертиза хулосасини тузиш, уни ўқиб эшиттириш ва экспертни сўроқ қилиш³.

В.А.Назаров экспертиза тайинлаш ва ўтказишнинг куйидаги босқичларини кўрсатади: 1) экспертнинг фаолияти; 2) судьянинг фаолияти; 3) бошқа жиноят процесси иштирокчисининг фаолияти⁴.

Мазкур босқичлар орасида экспертиза тайинлаш алоҳида аҳамият касб этади. Ушбу босқич ўзига хос процессуал тартиб ва криминалистик ҳаракатлар кетма-кетлигини тўғри танлашни талаб этади.

А.П.Рижиковнинг фикрича, экспертиза тайинлаш деганда, тор маънода экспертиза тайинлаш тўғрисидаги қорор чиқарилиши ҳисобланади, кенг маънода эса маълум бир Жиноят процессуал кодексигадаги экспертиза тайинлашга қарор қабул қилиш ва уни расмийлаштириш жараёни тушунилади.⁵

Экспертиза имкониятларидан унумли ва тўғри фойдаланиш лозим. Бинобарин, ноўрин экспертиза тайинлаш оқибатида жиноят иши бўйича тергов ва суд муҳокамаси муддатлари асосиз узайтирилиши, давлат экспертиза муассасаларининг моддий-техник ресурслари ва экспертларнинг ҳаракатлари зое кетиши мумкин⁶.

Шунингдек, амалиётда шундай ҳолатлар ҳам кузатиладики, терговчи прокурорга жиноят иши юзасидан барча тергов ҳаракатлари амалга оширилганлигини исбот қилиш мақсадида зарурат бўлмаса-да, экспертиза тайинлашга ҳаракат қилади. Назаримизда, бундай оқилона бўлмаган ва бесамар амалиётга чек қўйиш **мақсадга мувофиқ**.

Ушбу йўналишда ўзига хос фикрни В.А.Назаров берган бўлиб, унинг фикрича, бошқа далилларни тўплаш усуллари орқали аниқ маълумот олиниши мумкин бўлганда экспертиза тайинлаш керак.⁷

Жиноят процессуал кодексининг 183-моддаси иккинчи қисмига кўра, экспертиза тайинлаш ваколатига эга бўлган шахслар жумласига терговга қадар текширувни амалга оширувчи органнинг мансабдор шахси, суриштирувчи, терговчи ёки суд киради.⁸ Аммо таассуфки, “Суд экспертизаси тўғрисида”ги Қонуннинг 17-моддасига кўра,⁹ суд экспертизасини ўтказиш асослари сифатида суриштирувчининг, терговчининг, прокурорнинг ёки судьянинг қарори кўрсатилган. Демакки, Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодекси ва “Суд экспертизаси тўғрисида”ги Қонун ўртасида экспертиза тайинлаш ваколатига эга бўлган субъектлар ўртасида тафовут мавжуд.

Юқоридаги ҳолатдан келиб чиқиб, фикримизча, “Суд экспертизаси тўғрисида”ги Қонуннинг Суд

экспертизасини ўтказиш асослари ва муддатлари деб номланувчи 17-моддаси 1-қисмидаги “Суриштирувчининг, терговчининг, прокурорнинг ёки судьянинг қарори, суднинг ажрими суд экспертизасини ўтказиш асосларидир” сўзларидаги “суриштирувчи” сўзидан олдин “терговга қадар текширувни амалга оширувчи органнинг мансабдор шахси” сўзини киритиш мақсадга мувофиқ. Шунда ЖПК ва махсус қонун унификациялашади (бирхиллашади).

Экспертиза тайинлашни дастлабки терговнинг кейинги босқичларига қолдириш мақсадга мувофиқ эмас. Ушбу ҳолат муддатларни узайтиришга ёки ашёвий далилларни ўз хусусиятини йўқотишига олиб келиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 172-моддасига кўра, иш учун аҳамиятли ҳолатлар тўғрисидаги маълумотларни фан, техника, санъат ёки касб соҳаси бўйича билими бўлган шахс томонидан ўтказиладиган махсус текшириш орқали олиши лозим бўлганда экспертиза тайинланади.

Ушбу нормадан келиб чиқадиган бўлсак, жиноят иши учун муҳим бўлган маълумотлар деганда, қонуний манбалардан олинган, жиноят ҳодисаси ҳақида хабар берувчи жиноят ишида далил сифатида фойдаланилиши мумкин бўлган маълумотлар тушунилади.

Жиноят ишлари бўйича экспертизада махсус текшириш деганда эса, фан, техника, санъат ва касб-хунар соҳаларида узоқ вақт давомида машғул бўлиш натижасида ҳосил бўлган кўникмаларга таянадиган фаолият тушунилади.

Жиноят процесси иштирокчиларининг махсус билимга эгаллиги экспертиза тайинлаш заруратидан озод этмайди.

Эксперт олдига қўйилган саволлар эса аниқ, жиноят ишига алоқадор, унинг фаолияти ва махсус билими доирасидан четга чиқиши мумкин эмас. Унга ҳуқуқий масалалар юзасидан саволлар берилиши тақиқланади. Агарда саволлар унинг мутахассис йўналишига тааллуқли бўлмаса, ушбу саволлар очик қолдирилиши ва хулосада ушбу ҳаракатни изоҳлаши талаб қилинади.

Турли идоравий ва жамоатчилик назорати йўсинида ўтказилган текширувларнинг натижаларини экспертнинг фикри сифатида баҳолаш мумкин эмас. Уларга фақат ёзма далиллар тарзида қаралади.

Экспертиза тайинлаш, ўтказиш чоғида фойдаланилган объектлар, уларни тадқиқ қилиш воситалари ва услублари қонун билан ман қилинмаган, илмий жиҳатдан асосланган бўлиши, улар тўғрисида асосий маълумотлар эксперт хулосасида етарлича баён қилинган бўлиши шарт.

Идоравий текширув хулосаси, тафтиш ҳужжатлари, мутахассислар маслаҳати экспертиза ўтказиш заруратини истисно этмаслиги, мутахассис маслаҳати далил аҳамиятига эга эмаслиги ва ушбу

текширув, тафтиш ҳужжатлари ёки мутахассис маслаҳати экспертиза тадқиқоти билан аниқланган ҳолатдагина далил аҳамиятига эга бўлишини билдиради.

Экспертиза тергов ҳаракатини ўтказиш мақсадида эксперт олдига қўйилган саволлар экспертнинг махсус билимлари доирасидан ташқарига чиқиши мумкин эмас. Мазкур махсус билимларга бўлган эҳтиёж муҳим аҳамият касб этувчи бир қатор ҳолатлар ЖПКнинг 173-моддасида акс эттирилган.

ЖПКнинг ушбу моддасида акс эттирилган экспертиза тайинлашнинг шартлиги, унинг ҳуқуқий аҳамияти билан боғлиқ ҳисобланади, яъни санаб ўтилган ҳолатлар бўйича экспертиза тайинланмаслиги ЖПКнинг 484-моддасига кўра, суд терговининг тўлиқ эмаслиги ёки бир ёқлама олиб борилганлигига сабаб бўлиб, натижада ҳукми бекор қилиш ёки ўзгартириш асослари юзага келади.

Экспертиза тайинлашни назарий жиҳатдан 3 га бўлиш мақсадга мувофиқ саналади: умумий асослар — далил аҳамиятига эга бўлган маълумотларни олиш учун махсус билимларни қўллаш зарурияти; махсус ҳуқуқий асослар — фақат экспертиза орқали аниқланиши илмий жиҳатдан асосланган ҳолатлар (ЖПКнинг 173-моддасидаги асослар); процессуал асос — ваколатли давлат органининг уни тайинлаш ҳақидаги қарори.¹⁰

Экспертиза тайинлаш бир неча этаплардан иборат бўлиб, улар ушбу босқични процессуал нуқтаи назардан тўғри ўтказилишининг кафолати ҳисобланади.

А.П.Рижаконинг фикрича, экспертиза тайинлаш қуйидагиларни ўз ичига олади:

- 1) ваколатли мансабдор шахс томонидан суд экспертизасини тайинлашга қарор қилиниши;
- 2) суд экспертизасини тайинлаш тўғрисидаги қарор қабул қилиниши;
- 3) гумон қилинувчи, айбланувчини стационарда текшириш эҳтиёжи сезилганда уларни тиббий ёки психиатрик стационарга жойлаштириш;
- 4) гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчини экспертиза тайинлаш тўғрисидаги қарор билан таништириш;
- 5) гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчини экспертизага оид ҳуқуқлари билан таништириш;
- 6) қарор билан таништирилганлиги ҳақида баённома тузиш;
- 7) экспертиза тайинлаш тўғрисидаги қарорга ўзгартириш киритиш юзасидан илтимослар қилиш;
- 8) экспертиза тайинлаш тўғрисидаги қарорни ва намуналарни экспертиза муассасаси раҳбарига юбориш;
- 9) экспертиза муассасаси раҳбарига тегишли экспертга ишни бириктириш бўйича топшириқлар бериш;
- 10) экспертга унинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини ва жавобгарлигини тушунтириш.¹¹ Олимнинг экспертиза тайинлаш жараёни бўйича фикрлари ижобий бўлса-да, айрим эътибор қаратилиши лозим бўлган жиҳатлари ҳам йўқ

эмас. Масалан, экспертиза муассасаси раҳбарига терговчининг экспертга ишни топшириш ва унинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳамда жавобгарлигини тушунтириш бўйича топшириқ бериш ҳақидаги фикрлари баҳсли. Чунки, давлат суд экспертиза тайинлаганда муассаса раҳбари экспертни ҳам ўзи мустақил белгилайди ва ҳуқуқ ҳамда мажбуриятлари, жавобгарлиги масаласини ҳам ўзи тушунтиради. Бундан ташқари, экспертиза тайинлаш жараёнида экспертиза муддатини белгилаш, айрим ҳолатларда экспертизани тўхтатиш масалалари муҳокама қилинмаган.

Фикримизча, криминалистик нуқтаи назардан экспертиза тайинлаш босқичларига қуйидагиларни киритиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади: 1) иш учун аҳамиятли маълумотларни фан, техника, санъат ёки касб соҳаси бўйича махсус билимлар орқали текширишга эҳтиёж сезилиши; 2) экспертизага юбориладиган объектлар тўпланиши; 3) тайинланадиган экспертиза турини аниқлаш; 4) улар юбориладиган муассаса, тайинланадиган экспертни аниқлаш; 5) экспертиза ўтказилиши лозим бўлган муддатни белгилаш; 4) эксперт олдига қўйиладиган саволларни тайёрлаш; 5) экспертиза тайинлаш қарори, ажримини чиқариш; 6) экспертиза тайинлаш тўғрисидаги қарор ва тадқиқот учун муҳим бўлган намуналарни экспертга юбориш ҳамда унинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, жавобгарлигини тушунтириш ёки қарор ва намуналарни давлат экспертиза муассасасига юбориш.

Экспертиза тайинлаш учун далилий аҳамиятга эга бўлган маълумотни аниқлашда махсус билимларга эҳтиёж сезилгани асос бўлиб ҳисобланади. Мазкур эҳтиёж ўз навбатида, экспертиза ўтказишнинг доирасини белгилайди ва терговчининг хоҳиш-иродасини ифода этади.

Экспертизага юбориладиган объектлар тўпланиши босқичида экспертиза тайинлаш ваколатига эга шахс далил аҳамиятига эга маълумотлар ёки бошқа жиноятга алоқадор бўлган маълумотларни аниқлайди, уларни жиноятга алоқадорлигини белгилайди. Ушбу босқичда ваколатли шахс тегишли криминалистик техник воситалар ёрдамида намуналар олади, уларни тактик жиҳатдан ўрганиб чиқади ҳамда кейинги босқич, яъни мазкур маълумотни аниқлаш учун керак бўлган экспертиза турини танлайди.

Экспертиза турини танлашда у Ўзбекистонда мавжуд экспертиза турлари, уларда мавжуд далилларни тадқиқ қилиш усулларини аниқлаши талаб қилинади. Экспертиза турини тўғри танлаш ҳали натижанинг ярми ҳисобланади. Чунки экспертиза тури тўғри аниқланиб, терговчи ундаги мавжуд имкониятларни билмаса натижага эришиб бўлмайди. Масалан, хатшунослик экспертизаси тайинланиб, аёл ёки эркак киши томонидан ҳужжат ёзилганлигини аниқлаш эҳтиёжи сезилган-

да, ушбу йўналиш бўйича экспертиза муассасасида уни тадқиқ этиш усули бўлмаса натижага эришиб бўлмайди.

Экспертиза турини нотўғри танлаш эса, ўз навбатида, экспертиза ўтказилмасдан ҳужжатларнинг қайтарилишига сабаб бўлиши мумкин.

Бундан ташқари, бир ашёга нисбатан экспертизанинг қайси бирини биринчи, қайси бирини иккинчи бўлиб тайинлаш масаласини танлаш ҳам жуда муҳим ва эътибор қаратилиши лозим бўлган ҳолат ҳисобланади. Чунки, биргина бармоқ изидан ДНК ва дактилоскопик экспертиза тайинланса бўлади. Шу ҳолатда ушбу экспертизаларнинг қайси бири биринчи бўлиб тайинланиши керак, деган савол туғилади.

Намуналар юбориладиган муассаса, тайинланадиган экспертни танлаш ҳам муҳим ҳисобланади. Масалан, Ҳ.Сулаймонова номидаги экспертиза маркази шанба кунлари ишламаслиги, бундан ташқари тезкор хулосалар бермаслиги сабабли, асосан, жиноят ишини қўзғатишдан олдинги экспертиза ИИВ Эксперт-криминалистика бош марказига юбориш мақсадга мувофиқ саналади. Қолган ҳолатларда муддат етарли бўлганда Ҳ.Сулаймонова номидаги экспертиза маркази тадқиқотлари самарали саналади.

Экспертиза ўтказилиш муддатини олдиндан белгилаш далилни ўз вақтида текшириш имкониятини беради. Демак, муддат экспертиза тайинловчи орган томонидан ёки давлат экспертиза муассасасида экспертиза ўтказилганда муассаса раҳбари томонидан белгилаб берилади.

Экспертиза текшируви учун саволлар тайёрлаш экспертиза тайинлашнинг юраги ҳисобланади. Ушбу саволлар тактик жиҳатдан бир неча мезонлардан иборат бўлиши талаб қилинади: 1) саволлар жиноят иши юзасидан бўлиши; 2) экспертиза тайинловчи органнинг нимани хоҳлаганлигини ўзида ифода эта олиши; 3) тадқиқот объектини тўлиқ қамрай олиши; 4) содда тилда ёзилган, равон, тушунарли бўлиши; 5) экспертиза тури имкониятлари доирасида бўлиши; 6) хулоса беришнинг иложи йўқлиги тўғрисидаги ҳужжат берилишининг олдини олиши, яъни ўша соҳада маълумотга эгалликни талаб қилади.

Экспертиза тайинлашнинг юридик кучини белгиловчи ҳужжат қарор ва ажрим ҳисобланиб, Жиноят процессуал кодексининг 180-моддаси, экспертиза тайинлаш тўғрисидаги қарор ёки ажримга бағишлангандир. Унга кўра, экспертиза — суриштирувчи, терговчининг қарори ёки суд ажримига асосан тайинланадиган процессуал ҳаракатдир. Ўзбекистон Республикаси ЖПКда терговчи ёки суднинг рухсатсиз процесс иштирокчиси бўлган тарафлар томонидан экспертиза эркин тарзда ўтказилиши тақиқланади. Экспертиза тайинлаш тўғрисида терговга қадар текширувни амалга оширувчи органнинг мансабдор шахси,

суриштирувчи ва терговчи мустақил қарор қабул қилади, бу ҳақда прокурорнинг рухсати ёки розилиги талаб қилинмайди.

Экспертиза тайинлаш учун асос қарор (ажрим) ҳисобланиб, унда: 1) ашёвий далиллар; 2) эксперт олдида қўйилган саволлар; 3) эксперт муассасасининг ёки экспертиза ўтказилиши лозим бўлган эксперт номи акс эттирилади.

Экспертиза тайинлаш тўғрисидаги қарор (ажрим) ҳақида ЖПКнинг 180-моддасида берилган бўлиб, у уч қисмдан: кириш, тавсиф ва хулоса қисмларидан иборат бўлади.

Кириш қисмида қарорни қабул қилиш муддати, ҳужжатни қабул қилган мансабдор шахс ҳақидаги маълумотлар (мансаби, исми-шарифи), экспертиза тури, қарор чиқарилаётган жой, вақт, қайси жиноят иши бўйича экспертиза тайинланаётганлиги баён этилади.

Тавсиф қисмида қисқача иш ҳолати, экспертиза тайинлаш учун асослар экспертиза тайинланаётган жиноят ҳақида қисқача маълумот, далил аҳамиятига эга бўлган текширилиши лозим бўлган маълумотлар, экспертиза тури, экспертиза ўтказилиши лозим бўлган эксперт ёки ташкилот ҳақида маълумотлар берилади.

Хулоса қисмида эса, экспертиза жараёнида тадқиқ этилиши лозим бўлган саволлар, тадқиқ этилиши учун юборилган ашёлар бирма-бир санаб чиқилади, ёлгон хулоса берганлик учун жиноий жавобгарликка тортилиши мумкинлиги ҳақидаги огоҳлантириш акс этади.

Экспертиза тайинлаш жараёнида терговчи олдида турган энг муҳим жиҳат жиноят иши натижасида топилган объектга қараб тайинланадиган экспертиза турини аниқлаш ва ушбу тадқиқотни қайси экспертга топшириш масаласидир.

Ушбу ҳолатда экспертизани ўтказиши лозим бўлган эксперт аниқ бўлса, экспертиза тайинлаш тўғрисидаги қарорда ушбу экспертга жиноят иши материаллари юборилиши ҳақидаги маълумотлар акс эттирилади.

Терговчи экспертни ҳуқуқ ва мажбуриятларини била туриб нотўғри хулоса берганлиги, суриштирув ёки дастлабки тергов маълумотларини суриштирувчи, терговчи ёхуд прокурорнинг рухсатсиз ошкор қилганлиги, шунингдек узрсиз савабларга кўра хулоса беришни рад этганлиги ёки бу ишдан бўйин товлаганлиги учун жиноий жавобгар бўлиши ҳақида огоҳлантиради.

Агарда экспертиза тайинлаш тўғрисидаги қарорда эксперт кўрсатилмаган бўлса, унда тадқиқотни ўтказиши лозим бўлган экспертни топшириш, унга ишни бириктириш, уни ҳуқуқ ва мажбуриятлари билан таништириш экспертиза муассасаси раҳбари зиммасида бўлади. Терговчи барча иш материаллари ва қарорни экспертиза муассасаси раҳбарига юборади. Экспертиза муассасаси раҳбари қарор ва тадқиқот объектларини олиб,

кайси эксперт экспертиза ўтказиши тўғрисида фармойиш беради. Ушбу ҳаракатлар ҳақидаги маълумот экспертизани тайинлаган органга юборилади.

Экспертиза тайинлаш тўғрисидаги қарор чиқарилганидан кейин терговчи нафақат мазкур қарор билан гумон қилинувчини, айбланувчини таништириши, шу билан бирга, унга мазкур ҳолатда юзага келадиган ҳуқуқларини ҳам тушунтириб бериши талаб қилинади. Қарор билан таништирилганидан кейин терговчи бу ҳолатни баённомага киритади. Унда айбланувчининг илтимоси, аризаси илова қилинади. Қарор билан таништирилганидан кейин у экспертга юборилади. Агарда экспертиза экспертиза муассасасида ўтказилмайдиган бўлса, унда ўзи маълум бир экспертни чақириб, унга қарорни топширади, унинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтиради.

Экспертиза тайинлаш учун қарор чиқаришда эксперт олдига қўйилган саволларга талабларни икки гуруҳга, яъни ҳуқуқий ва махсусга бўлишимиз мумкин. Ҳуқуқий талабларга эксперт олдига қўйилган саволлар нафақат тергов органига, балки экспертга ва бошқа иштирокчиларга ҳам тушунарли бўлиши, экспертга қўйилган саволлар унга хос бўлмаган ишларни амалга оширишга

ундамаслиги, фақатгина терговчи ва суд ваколати доирасига кирувчи саволларни экспертга бермаслиги талаб қилинади.

Махсус талабларга қуйидагиларни киритиш мумкин: саволлар экспертнинг махсус билимлари доирасидан четга чиқиши мумкин эмас; саволлар ҳал қилиниши лозим бўлган ҳолатлар даражасига мос келиши лозим. Экспертизанинг қайси процессуал турини қўллашни терговчи ўз қарорида акс эттириши керак бўлиб, агарда у бу масалани очиқ қолдирган бўлса, эксперт ёки экспертиза муассасасининг раҳбари терговчини хабардор қилиши зарур. Экспертизанинг процессуал турлари ҳам унинг розилиги билан танланади. Агарда терговчининг ўзи томонидан экспертизанинг комплекс ёки комиссиявий тури танланиши ихтиёр қилинган бўлса, бу ҳаракат экспертиза тайинлаш тўғрисидаги қарорда акс этиши талаб қилинади.

Экспертизани тегишли қарор ёки ажримсиз ўтказиш тақиқланади.

Демак, экспертиза тайинлаш экспертиза ўтказишнинг сифатига бевосита таъсир қилувчи ва унинг натижасига дебоча бўлувчи босқичдир, унинг тўғри амалга оширилиши экспертизанинг кейинги босқичларини амалга ошириш сифатига таъсир қилади.



¹ Хидоятлов Б.Б. Следственные действия, проводимые в уголовном процессе (учебное пособие — курс лекций). — Ташкент: ТГЮИ, 2006. — 194 с.

² Отахўжаев С.А. Суд экспертизасининг ҳозирги босқичдаги долзарб муаммолари // “Ўзбекистонда суд экспертизасининг ривожланиш истиқболлари” мавзусидаги Республика идоралараро илмий-амалий конференция материаллари. — Тошкент, 2006. — Б. 24.

³ Бозров В.М., В.М.Кобяков. Судебное следствие. — Екатеринбург, 1992. — С. 30-38.

⁴ Назаров В.И. Назначение и проведение экспертизы в уголовном процессе: Автореф. дисс. ... канд. юрид. наук. — М.: РГБ, 2003. — С. 12.

⁵ Рыжаков А.П. Эксперт в уголовном процессе: научно-практическое руководство / А.П.Рыжаков. — М.: Издательство «Экзамен», 2007. — 15 стр.

⁶ Дильдин Ю.М., Бердник П.В., Зайцева Е.А. Практика работы экспертно-криминалистических подразделений органов внутренних дел в условиях действия нового УПК РФ // Материалы 3-й научно-практической криминалистической конференции, состоявшейся 11 ноября 2002 года. — М.: МГЮА, 2002. — С.7.

⁷ Назаров В.А. Назначение и проведение экспертизы в уголовном процессе. Дис..канд.юрид.наук: 12.00.09. — М.: РБГ, 2003. 49 стр.

⁸ “Суриштирув институти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни (2-моддаси 31-банди). 06.09.2017 й. N ЎРҚ-442 (“Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами”, 2017 йил 11 сентябрь, 36-сон, 943-модда). prgm.uz сайти.

⁹ “Суд экспертизаси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни. 2010 йил 1 июнь, № ЎРҚ-249. www.lex.uz сайти (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 22-сон, 173-модда; 2016 й., 39-сон, 457-модда; 2017 й., 37-сон, 978-модда).

¹⁰ Ҳ.Х.Болтаев, С.О.Урозюев, Қ.К.Байзаков, И.П.Астанов Жиноят ишини юритишда экспертиза: мазмуни, аҳамияти, тайинлаш ва ўтказиш асослари. Услубий қўлланма/ - Т.: “Шарқ” 2016. - 27 б.

¹¹ Рыжаков А.П. Эксперт в уголовном процессе: научно-практическое руководство / А.П.Рыжаков. — М.: Издательство «Экзамен», 2007. — 16 стр.

Жўрабек НЕМАТОВ,
Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси
Академияси доценти, Ҳуқуқ доктори

ГЕРМАНИЯ МАЪМУРИЙ ПРОЦЕДУРАЛАР ТЎҒРИСИДАГИ ҚОНУНИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

- ◆ Ушбу мақолада Германияда маъмурий процедураларнинг келиб чиқиши, зарурияти, асосий элементлари ҳақида қисқача назарий-ҳуқуқий таҳлил келтириб ўтилган.
- ◆ В данной статье приводится краткий теоретико-правовой анализ основных элементов, необходимости и возникновения административных процедур в Германии.
- ◆ This article describes brief legal-theoretical analyses of the main elements, importance and arising of administrative procedures in Germany.

Таянч сўзлар: Германия маъмурий процедуралари, маъмурий процедуралар принциплари, инквизицион иш юритув.

Ключевые слова: административные процедуры Германии, принципы административных процедур, инквизиционное делопроизводство.

Key words: german administrative procedures, principals of administrative procedures, ex officio.

Маъмурий процедуралар тартиб-таомиллар институти ривожланган давлатларнинг кўпчилигида мавжуд бўлгани боис бу ҳақда ҳар бир давлатда кўплаб илмий тадқиқотлар олиб борилган. Жумладан, ушбу мақолада Германияда маъмурий процедураларнинг келиб чиқиши, зарурияти, асосий элементлари ҳақида қисқача назарий-ҳуқуқий таҳлил келтириб ўтилади.

Маъмурий процедураларнинг назарий-ҳуқуқий асосларини тадқиқ этишда Германия тажрибаси ниҳоятда муҳим ҳисобланади. Чунки 2018 йил 8 январда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида” ги қонуни¹ Германия қонуни модели асосида ишлаб чиқилган. Шунинг учун ҳам кўйида Германия қонунининг айрим ўзига хос хусусиятлари ҳақида тўхталиб ўтишга ҳаракат қиламиз.

Германияда 1977 йилгача маъмурий процедуралар тўғрисидаги ягона қонун бўлмаган. Ушбу даврга қадар маъмурий процедураларга оид қоидалар турли махсус қонунларда ўз ифодасини топганлигини кўриш мумкин. Жумладан, маъмурий тартиб-таомилларга оид қоидалар солиқ, божхона, полиция, тадбиркорлик фаолияти, давлат хизматида доир қонунлар ва қурилиш кодексларида ўз ифодасини топган. Бундан ташқари, маъмурий процедураларга оид қоидалар

ижро этувчи ҳокимият органлари томонидан қабул қилинган қонуности ҳужжатларда ҳам ўз ифодасини топганлигини кўриш мумкин. Шунингдек, Германияда федерал ва ерлар қонунлари алоҳида бўлгани ҳисобига баъзи ерларда ўзларининг қонунлари бўлган², бироқ федерал ва кўпчилик ерларда бундай қонунлар мавжуд бўлмаган. Шу маънода Германия маъмурий процедуралар тўғрисидаги қонунчилиги жуда мураккаб ва турли соҳалар ўртасида ҳар хил тарзда тартибга солингани боис уни тушунишда қийинчиликлар келтириб чиққанини кўриш мумкин. Германияда маъмурий процедуралар тўғрисидаги қонунчиликни кодификация қилишга бўлган эҳтиёж мавжудлиги 1957 йилда Федерал ички ишлар вазирлиги ҳузурида ташкил этилган эксперт комиссияси томонидан ҳам тан олинган эди³.

Германияда иккинчи жаҳон урушига қадар ҳам маъмурий процедуралар тўғрисидаги қонунчиликни кодификация қилиш масаласи кўтарилган бўлса-да, 1955 йилдан бошлаб федерал ва ерларнинг барча ижро органлари учун ягона қонунчиликни жорий этиш масаласи фаол муҳокама этила бошланди. Қарийб 20 йиллик муҳокамалардан кейин 1976 йилда Германия маъмурий процедуралар тўғрисидаги қонуни (бундан кейинги ўринларда МПтҚонун деб аталади)

кабул қилинди⁴.

Германия федерал маъмурий процедуралар тўғрисидаги қонун фақат федерал маъмурий органларга нисбатан татбиқ этилади. Шу маънода бир қатор федерал ерлар ўзларининг ўхшаш қонунларини қабул қилишган бўлса, бошқалари ўз норматив ҳужжатларида федерал қонунга ҳавола қилишганини кўриш мумкин. Германияда маъмурий процедуралар тўғрисидаги қонун қабул қилиниши муносабати билан федерация, ерлар ва қуйи даражада 1977 йил 1 январдан маъмурий процедуралар тўғрисидаги ягона процессуал қонунчилик шаклланди. Бироқ таъкидлаш жоизки, молия бошқарув органлари (солиқ кодекси), ижтимоий таъминот давлат органлари (Ижтимоий кодекс) учун алоҳида процессуал кодекслар ҳам мавжуд⁵.

Германия МПТҚонунига бир неча бор ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган бўлса-да, қонуннинг тузилиши ва мазмунига ҳозиргача жиддий ўзгартириш киритилмаган. Бироқ 2006 йилда киритилган қўшимча ва ўзгартиришларга мувофиқ йирик инфратузилма объектларини қуришга оид, жумладан, транспорт йўллари, аэропортлар, газ ва энергия таъминоти борасидаги инженерлик-алоқаларни кенгайтириш каби процедуралар борасида ислохотлар амалга оширилди. 2013 йилда амалга оширилган ислохотларда эса айнан мана шу тизим такомиллаштирилиб, йирик инфратузилма объектларини режалаштиришда аҳоли иштирокини давлат органининг интернет саҳифаларида эълон қилиш асосида эрта босқичдан амалга ошириш борасида кенг процедуравий ислохотлар амалга оширилди⁶.

Германия қонунчилигига Европа Иттифоқи ҳам таъсир этмасдан қолмаяпти. Бу борада Европа Иттифоқи давлатларининг ягона маъмурий процедуралар тўғрисидаги қонунчилигини ишлаб чиқиш ҳаракатлари секин-аста кучайиб бормоқда. Жумладан, Европа Иттифоқининг 2014 йилги маъмурий процедуралар тўғрисидаги намунавий қонун лойиҳаси Европанинг турли давлатларидаги кўзга кўринган 11 нафар олимлардан иборат ишчи гуруҳ томонидан ишлаб чиқилган⁷. Маъмурий процедураларга оид 3 китобдан иборат тўпламда Европа Иттифоқининг ижро ҳокимияти органларига нисбатан амал қилиши назарда тутилган ҳамда унда ижро ҳокимиятининг норма ижодкорлиги, индивидуал қарорлар ва ижро ҳокимиятининг шартномаларига оид нормалар ўз ифодасини топган⁸.

Юқорида таъкидланганидек, Германия МПТ Қонуни 1976 йил 25 майда қабул қилинган бўлиб, 8 бўлим, 103 моддадан иборат⁹. Қуйида мазкур қонуннинг 2 ва 3-бўлимлари ҳамда қонуннинг айрим ўзига хос жиҳатлари тўғрисида фикр юри-

тилади.

Германия Асосий қонуни (конституцияси) да гарчи бевосита маъмурий процедураларга оид нормалар мавжуд бўлмаса-да, суд ҳимояси ҳуқуқи (тингланиш ҳуқуқи), қонун устуворлиги (хотлислик) каби конституциявий принципларда маъмурий процедураларнинг асосий принциплари намоён бўлишини кўриш мумкин. Бундан ташқари, бугунги кунда кўпчилик давлатларда мавжуд бўлган демократия принципи (Асосий қонуннинг 20, 28-моддаси) ҳам маъмурий процедураларнинг конституциявий асосларини белгилаб бериши таъкидланади. Бунда ижро ҳокимиятини демократик легитимлаштиришда парламент томонидан қабул қилинадиган қонунларнинг ўзи етарли эмаслиги ва мазкур қонунлар кўпчилик ҳолларда ҳаволаки нормалар орқали аниқ меъёрлар ўрнатиш борасидаги ўз ваколатларини ижро органларига топширишини кўриш мумкин. Мазкур бўшлиқни тўлдириш учун манфаатдор шахсларга ўз фикрларини ижро ҳокимияти органларига маъмурий процедуралар доирасида билдириш орқали тўлдириши ҳамда шу орқали фуқароларнинг давлат бошқарувида иштирок этиши назарда тутилади. Фуқароларнинг мазкур иштирокида тенгликка амал қилиш учун маълум бир қоидаларга, яъни маъмурий процедуралар тўғрисидаги қонунга эҳтиёж туғилади. Бундан ташқари, ижро ҳокимияти органларига эса қарор чиқаришдан аввал мазкур фикрларни синчковлик билан ўрганиш мажбурияти юкланади. Маъмурий процедуралар шу тарзда демократия принципини тўлдириб туришини кўриш мумкин¹⁰.

Германия МПТ Қонунининг бир қанча ўзига хос хусусиятлари мавжуд. Жумладан, қонунда идоровий норматив ҳужжатларни қабул қилиш процедураси қамраб олинмаган ва маъмурий акт қонуннинг асосий тартибга солиш категорияси бўлиб ҳисобланади. Қонунда манфаатдор шахслар масалаларига ортиқча аралашидан ҳимоя ва қўлга киритилган манфаатларни сақлаб қолиш, ҳуқуқнинг барқарорлиги, қарорларнинг ҳақиқийлиги, ишончнинг ҳимоя қилиниши кабилар энг муҳим масалалар бўлиб ҳисобланади (Қонуннинг 43,48,59-моддалари). Қонуннинг жами 25 моддадан иборат 2-бўлими маъмурий процедураларга оид бир неча муҳим қоидаларни ўрнатганини кўриш мумкин. Бунда нафақат қонуннинг принциплари, балки маъмурий процедураларда иштирокчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, муддатлар ва бошқа муҳим масалалар ҳуқуқий тартибга солинган¹¹.

Германия МПТҚонунининг амал қилиш доираси. Қонун черковлар, диний, дунёвий бирлашмалар ҳамда уларнинг иттифоқи ва муассасалари фаолиятига; солиқ ва давлат тўловлари қонунчилигига мувофиқ федерация, ерлар мо-

лия органлари процедураларига; жиноят таъқиб (жиноят процессуал), тартибни бузганлик учун таъқиб қилиш ва жазолаш масалалари, хорижий давлатларга жиноят ва фуқаролик ишлари бўйича ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш масалалари, судьялар хизмати ҳуқуқига асосан қўлланиладиган чораларга оид муносабатларга; Германия патент ва савдо белгилари идораси ҳамда унинг ҳузурида ташкил этилган арбитраж органлари процедураларига; Германия Социал ҳуқуқи тўғрисидаги кодекс асосидаги процедураларга; уруш даври ва уруш оқибатида етказилган зарарларни қоплаш ҳуқуқига; етказилган зарарни ундириш ҳуқуқига нисбатан амал қилмаслиги белгилаб қўйилган (Қонуннинг 2-моддаси).

Бундан ташқари, Германия МПТ Қонуни суд, адлия бошқаруви органларининг фақат маъмурий юрисдикция бўйича суд текшируви ваколатлари ўрнатилган масалаларга нисбатан амал қилиши, бироқ маъмурий-ҳуқуқий, шунингдек адвокатлар масалалари бўйича махсус судларга, патент ҳуқуқи бўйича адвокатларга ҳамда нотариал ишларга нисбатан; ижрони текшириш, касбий ёки бошқа турдаги лойиқликни текшириш идораларига нисбатан (ушбуларга Қонуннинг 3а дан 13 гача, 20 дан 27 гача, 29 дан 38 гача, 40 дан 52 гача, 79, 80, 96 моддаларигина қўлланилади); Федерациянинг хориждаги ваколатхоналарига нисбатан қўлланилмаслиги белгилаб қўйилган (Қонуннинг 2-моддаси).

Қонуннинг асосий принциплари. Германия МПТҚонунининг иккинчи бўлим биринчи боби маъмурий процедураларнинг асосий принциплари деб номланган бўлса-да, бундай принциплар алоҳида санаб ўтилмаган. Германия кўпчилик ривожланган давлатлар каби маъмурий ҳуқуқнинг назарий асослари ҳамда суд амалиётида шаклланган маъмурий процедураларнинг принципларини қўлласа-да, уни Қонунда алоҳида кўрсатиб ўтмаган. Юқори профессионал ҳуқуқшунослар бундай принципларни билади, тан олади. Шунинг учун ҳам уларни Қонунда алоҳида ўрнатиб қўйишга эҳтиёж юзага келмаган¹².

Қонунда маъмурий процедуралар содда, мақсадга мувофиқ ва тез амалга оширилиши белгиланган. Содда, мақсадга мувофиқ деганда қарор қабул қилиш учун фақат зарур бўлган фактларни аниқлаш, иш учун аҳамияти бўлмаган ҳолатларни исботлашга ҳаракат қилмаслик, ёзма тартибда иш юритишга имкон бўлган ҳолларда фуқарони чақиртирмаслик (овора қилмаслик) назарда тутилади¹³.

Германия МПТҚонунининг 10-моддасида маъмурий органда мавжуд бўлган процедуравий ихтиёрийлик тўғрисидаги қоида келтирилиб, маъмурий процедураларнинг эркин шаклда олиб борилиши, соддалиги, мақсадга мувофиқлиги ва тез-

корлиги каби муҳим принципларига ишора қилинган. Шунга кўра маъмурий орган агар қонунда бошқача ҳолат назарда тутилмаган бўлса, маъмурий процедураларни маълум бир ўрнатилган шаклда амалга оширишга мажбур эмас¹⁴.

Маъмурий процедураларнинг соддалиги ва мақсадга мувофиқлиги принциплари минимал воқитларни қўллаш орқали энг кўп фойда олишни англатадиган самарадорлик талабини илгари суради¹⁵.

Германия МПТҚонунида самарадорлик талабини бошқа мисолларда ҳам кўриш мумкин. Мисол учун, ишнинг фактик ва юридик ҳолатлари маълум ва тушунарли бўлса, маъмурий актни асослантириш талаб этилмаслиги бунинг яққол мисолдир (Қонуннинг 39-моддаси). Тезкорлик принципи ишни иложи борича тез ва қисқа муддатларда кўришни, иш учун муҳим бўлмаган, процедуранинг ортқча босқичларини қисқартишни англатади. Аммо шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, ҳар бир ишда ушбу принципларни татбиқ этиш маъмурий органнинг бор имкониятларидан келиб чиққан ҳолда процедуравий ихтиёрийлик (хохиш-ирода)дан келиб чиқиб ҳал этилади¹⁶.

Маъмурий процедуралар тушунчаси. Германия МПТҚонунининг иккинчи бўлим биринчи бобида даставвал маъмурий процедуралар тушунчасига таъриф берилган. Унга кўра, ушбу Қонунда маъмурий процедуралар маълум бир ҳолатларнинг мавжудлигини текширишга, маъмурий актни тайёрлаш ва чиқариш (қабул қилиш) ёки оммавий-ҳуқуқий шартномани тузишга қаратилган маъмурий органларнинг ташқи оқибатни юзага келтирувчи фаолияти бўлиб, маъмурий процедуралар маъмурий актни чиқариш (қабул қилиш) ёки оммавий-ҳуқуқий шартномани тузишни ҳам ўз ичига олиши ўрнатиб қўйилган (Қонуннинг 9-моддаси).

Қонунда холислик масаласининг тартибга солиниши. Холислик маъмурий процедураларнинг асосий элементи бўлиб¹⁷, Германия МПТ Қонунининг 20-моддасида холислик масаласи тўғрисида қуйидаги қоидалар ўрнатилган. Жумладан, маъмурий процедураларда маъмурий орган номидан қуйидагилар фаолият кўрсатиши мумкин эмас: процедура иштирокчилари; процедура иштирокчиларининг қариндошлари; процедура иштирокчисини қонун ёки ишончнома асосида бутунлай ёки кўрилатган ишда вакили бўлган шахс; процедура иштирокчиларидан бири вакилининг қариндоши; процедура иштирокчиси ҳақ тўланадиган ишда ишлаётган бўлса, бошқарув ёки кузатув кенгаши аъзоси бўлса (ушбу қоида процедура иштирокчиси бўлган корпорация ходимларига нисбатан татбиқ этилмайди); хизмат тартибидан ташқарида иш юзасидан эксперт хулосасини тақдим этганлар ёки иш юзасидан бо-

шқача тарзда кўмаклашишга жалб этилган шахслар.

Фаолияти ёки қабул қиладиган қарори натижасида тўғридан-тўғри фойда олиши ёки зарар кўриши мумкин бўлган шахслар ҳам процедура иштирокчисига тенглаштирилади. Ушбу қоида фойда ёки зарар маълум бир шахсга у аҳолининг маълум бир гуруҳи ёки касбий гуруҳга мансублигига кўра маълум бир ишда умумий манфаатига дахл қилиши мумкин бўлган ишларга нисбатан татбиқ этилмайди (Қонуннинг 20-моддаси 1-қисми).

Қонуннинг 20-моддасида холисликни таъминлаш қоидалари жамоатчилик асосида мансабга сайлаш ёки озод қилишга нисбатан татбиқ этилмаслиги белгилаб қўйилган (Қонуннинг 20-моддаси 2-қисми).

Агар маълум бир кўмита аъзоси ўзини рад этилган деб ҳисобласа ёки юқорида кўрсатилган қоидаларга амал қилишда шубҳа уйғотадиган ҳолларда кўмита раисига хабар бериши шарт. Бунда кўмита узил-кесил қарор қабул қилади. Маълум бир ишни кўришда озод этилган кўмита аъзоси ушбу иш юзасидан кейинги муҳокама ва қарор қабул қилишда иштирок этиши мумкин эмас (Қонуннинг 20-моддаси 4-қисми)¹⁸.

Қонуннинг 21-моддасида хизмат мажбуриятларини бажараётган шахсларнинг холислигига шубҳа уйғонганда қандай ҳаракатлар амалга оширилиши мумкинлиги тўғрисидаги қоидалар ўрнатилган. Жумладан, агар хизмат мажбуриятларини амалга оширувчи шахснинг холислигига асосли ишончсизликни келтириб чиқарувчи асосланган сабаблар (асослар) мавжуд бўлган ҳолларда ёки процедура иштирокчиларидан бири шундай сабаб (асос) мавжудлигини билдирган ҳолларда маъмурий процедураларда маъмурий орган номидан ҳаракатларни амалга оширувчи шахс маъмурий орган раҳбари ёки ўзга ваколатли шахсга бу тўғрида хабар бериши ва уларнинг фармойиши (кўрсатмаси)га кўра ўз хизмат мажбуриятларини ижро этишдан ўзини тийиши талаб этилади. Агар холисликка бўлган шубҳалар маъмурий орган раҳбарига нисбатан бўладиган бўлса, маъмурий орган раҳбари маъмурий процедураларда ўз ташаббусига кўра иштирок этишдан тийилмаган ҳолларда ушбу маъмурий органни назорат қилувчи органнинг фармойиши (кўрсатмаси)га кўра масала ҳал этилади (Қонуннинг 21-моддаси 1-қисми).

Маъмурий процедураларнинг бошланиши, текшириш ва инквизицион тартиб. Германия МПтҚонунида маъмурий процедураларнинг бошланиши (Қонуннинг 22-моддаси), маъмурий процедураларнинг расмий тили (Қонуннинг 23-моддаси), иш ҳолатларини текшириш (тадқиқ этиш)

(Қонуннинг 24-моддаси), жамоатчилик иштироки (25-модда), исботлаш воситалари (Қонуннинг 26-моддаси), процедура иштирокчиларини иш материаллари билан таништиришнинг мажбурийлиги (Қонуннинг 29-моддаси), ишни кўришдаги муддатлар (Қонуннинг иккинчи бўлим иккинчи боби 31, 32-моддалари), ҳужжатларни расмий гувоҳлантириш (тасдиқлаш) (Қонуннинг иккинчи бўлим учинчи боби 33, 34-моддалари) масалалари ҳам ўз ифодасини топган.

Маъмурий актни қабул қилиш процедураси ваколатли маъмурий органнинг ташқи оқибатга эга бўлган фаолиятни амалда бошлаши ва бу тўғрида тегишли қарор қабул қилиш пайтидан бошланади. Германия маъмурий-процедуравий ҳуқуқига кўра бундай қарорни қабул қилишга нисбатан мансаб ихтиёрийлиги (Offizialprinzip) принципи амал қилади. Бунда процедурани бошлаш тўғрисидаги қарор хизмат мажбурияти доирасида маъмурий орган томонидан белгиланади. Бунда истисно ҳолатлар сифатида иш кўзга-тиш учун фуқаронинг илтимосномаси талаб этиладиган, мақсадга мувофиқлик принциpidан келиб чиқадиган ёки фуқаронинг асосий ҳуқуқларига риоя этиш талаб этиладиган ҳолларни келтириш мумкин (МПтҚонуннинг 22-моддаси)¹⁹.

Шунга кўра, Германия МПтҚонунининг 22-моддасида маъмурий процедураларни бошлаш (кўзғатиш) тўғрисидаги қарор қоида тариқасида маъмурий орган томонидан ўз ихтиёри (дискреция) асосида қабул қилиниши белгиланган. Маъмурий органдан қандайдир ҳаракатларни амалга ошириш қонун билан талаб этиладиган бўлса, бундай истисно этувчи ҳолатларда маъмурий орган процедурани ўзи бошлаши шарт бўлади. Мисол учун, кўп қаватли уйда яшовчи фуқаро умумий овқатланиш жойидан чиқаётган ёқимсиз хидларни бартараф этиш юзасидан маъмурий органдан аралашини талаб эта олмайди. Фуқаронинг ҳаётига хавф туғдирадиган ҳолларда эса, маъмурий орган агар тадбиркор ноинсоф ҳаракат қилса ёки санитария қоидаларини кўпол равишда бузадиган бўлса, фуқаро мурожаати асосида процедурани кўзғатиши шарт бўлади²⁰.

Иш юритуви бошланганидан сўнг, Германия МПтҚонунининг 24-моддасига кўра инквизицион (текшириш) принцип амал қилади.

Германия МПтҚонунининг яна бир муҳим принципларидан бири — бу хизмат мажбурияти (бурчи)дан келиб чиқиб ҳолатларни текшириш принципи бўлиб ҳисобланади. Ушбу принципнинг маъноси шундаки, маъмурий органнинг қарори асосланадиган иш ҳолатларини процедура иштирокчилари эмас (бунда фуқаролик процессидаги тортишувчанлик принципи бўлган бўлар эди), балки маъмурий орган томонидан

хизмат мажбурияти (бурчи)дан келиб чиқиб текширилиши кераклигини англатади (Қонуннинг 24-моддаси).

Юқоридагилардан шунини хулоса қилиш мумкинки, Германия маъмурий процедуралар тўғрисидаги қонуни урушдан кейинги даврда, яъни маъмурий органлар фаолиятини иложи борица батафсил тартибга солиш заруратидан келиб чи-

қиб нисбатан батафсил тартибга солингани билан ажралиб туради. Шунинг учун ҳам қонунда маъмурий процедураларнинг асосий элементлари тўғрисида кенг регламентация мавжуд. Юқорида тахлили келтирилган ушбу масалалар Ўзбекистон маъмурий процедуралар тўғрисидаги қонунчилик имплементацияси ва тушунишда муҳим аҳамият касб этади.



¹ Ўзбекистон Республикасининг “Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида” ги 08.01.2018 йилдаги ЎРҚ-457-сон Қонуни, Кучга кириш санаси 10.01.2019 (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 09.01.2018 й., 03/18/457/0525-сон).

² Мисол учун, XIX аср охиридан Пруссия ва Баденда маъмурий процедуралар тўғрисидаги илк қонунлар мавжуд бўлган

³ Харальд Дёриг. Возникновение законодательства об административных процедурах, его кодификация, а также примеры из недавней судебной практики Германии. Ежегодник публичного права 2015: Административный процесс. – М.: Инфотропик Медиа, 2015. С. 360.

⁴ Эберхард Шмидт-Ассманн. Кодификация законодательства об административных процедурах: традиции и модели. Ежегодник публичного права 2017: Усмотрение и оценочные понятия в административном праве. – М.: Инфотропик Медиа, 2017. С. 353-357.

Германияда маъмурий процедуралар тўғрисидаги қонун қабул қилиниш тарихи тўғрисида. Қаранг.: Морозова О. В. Административные процедуры в РФ, США, ФРГ. Дисс. ...к.ю.н. М., 2010. С. 112-113.

⁵ Харальд Дёриг. Возникновение законодательства об административных процедурах, его кодификация, а также примеры из недавней судебной практики Германии. Ежегодник публичного права 2015: Административный процесс. – М.: Инфотропик Медиа, 2015. С. 361.

⁶ Харальд Дёриг. Возникновение законодательства об административных процедурах, его кодификация, а также примеры из недавней судебной практики Германии. Ежегодник публичного права 2015: Административный процесс. – М.: Инфотропик Медиа, 2015. С. 361.

⁷ Schneider J.-P./ Hofmann H.C.H./ Ziller J. (Hrsg.) Research Network on EU Administrative Law (ReNEUAL) – Musterentwurf für ein EU-Verwaltungsverfahren, 2015. (15.02.2018 йил www.reneual.eu)

Европа маъмурий процедуралар тўғрисидаги умумий қонун концепцияси тўғрисида қаранг: George A. Bermann. A restatement of European administrative law: problems and prospects. // Susan Rose-Ackerman, Peter L.Lindseth. Comparative administrative law: an introduction.// Comparative Administrative Law. Susan Rose-Ackerman, Peter L.Lindseth. Edward Elgar 2010. P 595-596, 598-599.

⁸ Эберхард Шмидт-Ассманн. Кодификация законодательства об административных процедурах: традиции и модели. Ежегодник публичного права 2017: Усмотрение и оценочные понятия в административном праве. – М.: Инфотропик Медиа, 2017. С. 360-361.

⁹ Германия МПТҚонунининг тузилиши қуйидагича: 1-бўлим қонуннинг амал қилиш доираси, маъмурий органларнинг ҳудудий ваколати, электрон алоқанинг ишлатилиши, маъмурий органларнинг идоравий ёрдами, бошқарув соҳасида Европа ҳамкорлиги; 2-бўлим маъмурий процедураларга оид умумий қоидалар; 3-бўлим маъмурий акт; 4-бўлим оммавий-ҳуқуқий шартнома, 5-бўлим алоҳида процедураларнинг кўринишлари; 6-бўлим шикоят қилиш процедураси; 7-бўлим жамоатчилик асосидаги фаолият, қўмиталар; 8-бўлим яқунловчи қоидалардан иборат.

¹⁰ Эберхард Шмидт-Ассманн. Кодификация законодательства об административных процедурах: традиции и модели. Ежегодник публичного права 2017: Усмотрение и оценочные понятия в административном праве. – М.: Инфотропик Медиа, 2017. С. 339-343.

¹¹ Эберхард Шмидт-Ассманн. Кодификация законодательства об административных процедурах: традиции и модели. Ежегодник публичного права 2017: Усмотрение и оценочные понятия в административном праве. – М.: Инфотропик Медиа, 2017. С. 353-357.

¹² Таъкидлаш жоизки, Қонуннинг умумий моҳияти ёки баъзи бир моддаларининг мазмунидан келиб чиқиб маъмурий процедураларнинг принципларини келтириб чиқариш мумкин. Мисол учун, Қонуннинг 10-моддасида агар процедура шакли юзасидан махсус қоидалар ўрнатилган бўлмаса, маъмурий процедураларни маълум бир шаклда ўтказиш зарурати мавжуд эмаслиги, маъмурий процедуралар содда, мақсадга мувофиқ ва қисқа муддатларда амалга оширилиши лозимлиги ўрнатиб қўйилганини кўриш мумкин.

¹³ Ян Цикоу. Основы законодательства об административных процедурах в Германии. Ежегодник публичного права - 2014: “Административное право: сравнительно-правовые подходы”. – М.: Инфотропик Медиа, 2014. С. 365-366.

¹⁴ Jan Ziekow, Die Wirkung von Beschleunigungsgebotten im Verfahrensrecht, Deutsches Verwaltungsblatt 1998, S. 1101 (1103).

¹⁵ Eberhard Schmidt-Aymann, Effizienz als Herausforderung an das Verwaltungsrecht, in: Hoffmann-Riem/Schmidt-Aymann (Hrsg.), Effizienz als Herausforderung an das Verwaltungsrecht, 1998, S. 245 (246 und 261 f.).

¹⁶ Ян Цикоу. Процедура издания административного акта. Ежегодник публичного права 2016: Административный акт. – М.: Инфотропик Медиа, 2015. С. 7-8.

¹⁷ Эберхард Шмидт-Ассманн. Кодификация законодательства об административных процедурах: традиции и модели. Ежегодник публичного права 2017: Усмотрение и оценочные понятия в административном праве. – М.: Инфотропик Медиа, 2017. С. 334.

Бундан ташқари, маскув элементлар ҳатто рим ҳуқуқида ҳам мавжуд бўлган ва “nemo iudex in causa sua” (нейтраллик) деб юритилган. Англияда эса ушбу элемент “procedural fairness” деб номланади.

¹⁸ Германиянинг МПТҚонунининг 20-моддаси 5-қисмида шунингдек, қариндошларга кимлар киришига ҳам аниқлик киритиб кетилган.

¹⁹ Jan Ziekow, Verwaltungsverfahrensgesetz, 3. Aufl. 2013, § 9 Rn.15, § 22 Rn. 2.

²⁰ Харальд Дёриг. Возникновение законодательства об административных процедурах, его кодификация, а также примеры из недавней судебной практики Германии. Ежегодник публичного права 2015: Административный процесс. – М.: Инфотропик Медиа, 2015. С. 362.

Музаффар ДЎСТҚОРИЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси
Академияси катта ўқитувчиси

ФУҚАРОЛИК ПРОЦЕССИДА ОДИЛ СУДЛОВГА КЎМАКЛАШУВЧИ ШАХСЛАР ИШТИРОКИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

✦ Мақола одил судловни амалга оширишга кўмаклашувчи шахсларнинг фуқаролик процессидаги иштироки, шунингдек улар ҳуқуқий мақомини янада такомиллаштиришга оид масалалар баён қилинган.

✦ В данной статье обсуждаются вопросы участия лиц, содействующих осуществлению правосудия, в также совершенствования их правового статуса в гражданском процессе.

✦ The article focuses on the participation of the persons, assisting in conducting justice, civil process and issues of improving their legal status.

Таянч сўзлар: одил судловга кўмаклашувчи шахслар, фуқаролик процесси, субъектлар, далиллар, ҳуқуқий мақом.

Ключевые слова: лица, содействующие осуществлению правосудия, гражданский процесс, субъекты, доказательства, правовой статус.

Key words: persons, assisting in conducting justice, civil procedure, subjects, evidences, legal status.

Мамлакатимиз мустақилликка эришган дастлабки йилларданок суд-ҳуқуқ соҳасида кенг қамровли ислохотлар жадал суръатларда амалга оширилди. Сўнги йилларда эса, суд тизимидаги мавжуд тизимли муаммоларнинг ечимини топишга, фуқароларнинг бузилган ҳуқуқ ва манфаатларини суд орқали самарали тиклашга қаратилган, аҳоли учун қулайликлар яратишни назарда тутувчи комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Ушбу ислохотларнинг ҳуқуқий асоси бир қатор қонун ҳужжатларида акс эттирилди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 21 октябрдаги “Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислох қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонида суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини, фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларининг ишончли ҳимоясини таъминлаш, шунингдек одил судловга эришиш даражасини ошириш суд-ҳуқуқ тизимини янада ислох қилиш соҳасида давлат сиёсатининг асосий устувор йўналишлари этиб белгиланди.

Фармонда фуқаролик иши бўйича суд қаро-

рини назорат тартибида қайта кўриб чиқиш муддатини 3 йилдан 1 йилга қисқартириш, вилоят даражасидаги судлар томонидан жиноят ва фуқаролик ишларини назорат тартибида кўриб чиқиш институти тугатилиб, тегишли суд раислари ва прокурорларнинг назорат тартибида протест келтириш бўйича ваколатларини бекор қилиш, Олий суд Пленумининг ишларни назорат тартибида кўриб чиқиш бўйича бир-бирини тақрорловчи ваколатларини бекор қилиш каби туб ўзгариш кўзда тутилиб, уларнинг амалий рўёби сифатида амалдаги Фуқаролик процессуал кодексига бир қатор ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.

Шуни қайд этиш жоизки, фуқароларнинг суд ҳокимиятига бўлган ишончининг янада ортиши, мавжуд низоларни суд орқали ҳимоя қилиш механизмларининг такомиллаштирилиши ва ниҳоят, аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятининг юксалиши, ўз навбатида, фуқаролик суд ишларини кўришнинг мавжуд тизимини тубдан қайтадан кўриб чиқиш, шу жумладан, Фуқаролик процессуал кодексини янги таҳрирда қабул қилиш заруратини юзага келтирди.

Шу сабабли, 2018 йил 21 январда янги таҳрирдаги Фуқаролик процессуал кодекси (ФПК) қабул қилиниб, унда бир қатор нормаларга аниқлик киритилди ва янги меъёрлар белгилаб қўйилди. Шулар жумласига, одил судловни амалга оширишга кўмаклашувчи шахслар ҳуқуқий мақоми ва уларнинг фуқаролик суд ишларидаги иштирокининг процессуал жиҳатларига оид киритилган ўзгариш ҳамда қўшимчаларни киритиш мумкин.

Одил судловга кўмаклашувчи шахслар янги таҳрирдаги ФПКнинг 54-моддасида белгиланиб, унга кўра, гувоҳлар, экспертлар, мутахассислар, таржимонлар, ёзма ва ашёвий далилларни сақловчилар, ижро иши юритиш холислари ва сақловчилари одил судловни амалга оширишга кўмаклашувчи шахслар деб эътироф этилди.

Шуни қайд этиш жоизки, янги таҳрирдаги кодексда холислар аввалгидан бошқача тартибда, яъни умумий маънода процессда иштирок этувчи холислар эмас, балки айнан ижро иши юритиш холислари деб кўрсатилди. Бу эса, қонун нормаларини талқин қилишдаги тушунмовчиликларни бартараф этишга хизмат қилди.

Киритилган янгиликлардан яна бири шундаки, амалдаги ФПКда ишда иштирок этувчи шахслар ва одил судловга кўмаклашувчи шахслар ҳақидаги нормалар тарқоқ ҳолда, баъзан эса, бошқабошқа моддаларда (масалан, гувоҳ ва эксперт иштирокига оид меъёрлар процесс иштирокчилари ҳақидаги бобда эмас, далиллар ҳақидаги бобда) белгиланган бўлса, янги кодексда юқорида кўрсатилган процесс иштирокчиларининг ҳуқуқий мақоми, процессуал ҳуқуқ ва мажбуриятлари битта бобда ва мантиқий кетма-кетликда батафсил ёритилди.

Янги таҳрирдаги кодексдаги муҳим ўзгаришлардан бири — бу янги, 63-моддада таржимон ҳуқуқий мақомининг белгилаб берилиши бўлди. Модда мазмунига кўра, ушбу кодексда назарда тутилган ҳолларда суд томонидан тайинланган таржима қилиш учун зарур бўлган тилларни биладиган шахс таржимондир. Суд ишларини юритишнинг бошқа иштирокчилари таржимон вазифаларини ўз зиммасига олишга ҳақли эмас. Шу билан бирга, кодексда таржимоннинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари белгилаб қўйилди.

Янги таҳрирдаги кодекснинг яна бир эътиборли жиҳати — мутахассиснинг маслаҳати (тушунтириши) деб номланувчи янги 102-модда билан тўлдирилиши бўлди. Унга кўра, мутахассис судга оғзаки ёки ёзма шаклда маслаҳат (тушунтириш) бериши, унинг ёзма шаклда берган маслаҳати суд мажлисида ўқиб эшиттирилиши, текширилиши ва ишга қўшиб қўйилиши, оғзаки маслаҳат бевосита суд мажлисининг (процессуал ҳаракатнинг) баённомасига киритилиши белгилаб қўйилди. Қонунга ушбу янгиликнинг киритилиши ўз навбатида, одил судловга кўмаклашишда ўзининг

алоҳида ўрнига эга бўлган мутахассиснинг суд процессидаги функцияларига аниқлик киритиш ва унинг ҳуқуқий мақомини янада мустаҳкамлашда муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Янги таҳрирдаги кодексда биринчи марта суд мажлиси котиби ҳақидаги алоҳида модда белгилаб қўйилди. Унга мувофиқ, суд мажлисида суд мажлиси котиби вазифасини судьянинг ёрдамчиси (қатта ёрдамчиси) бажаради. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, суд мажлиси котиби гарчи, одил судловга кўмаклашувчи шахслар тоифасига киритилмаган бўлса-да, шу ҳақдаги бобда қайд этилган. Бу эса, суд мажлиси котибининг процесс иштирокчиларининг қайси тоифасига киритиш ҳақидаги баҳс-мунозараларга йўл очиб беради.

Умумий қоидага мувофиқ, одил судловга кўмаклашувчи шахслар учун умумий бўлган мезон — бу уларда иш натижаларидан юридик манфаатдорликнинг йўқлигидир. Шу жиҳати билан улар ишда иштирок этувчи бошқа процесс иштирокчиларидан фарқланадилар. Суд мажлиси котиби иш натижаларидан гарчи юридик жиҳатдан манфаатдор бўлмаса-да, қонун уни одил судловга кўмаклашувчи шахслар доирасига киритмаган. Бироқ, айрим давлатлар қонунчилигида бу масалада бошқача ёндашувга асосланган. Масалан, Россия Федерацияси арбитраж процессуал қонунчилигида одил судловни амалга оширишга кўмаклашувчи шахслар қаторига экспертлар, гувоҳлар, таржимонлар билан бирга, судьянинг ёрдамчиси ва суд мажлиси котиби ҳам киритилган. Арбитраж процессида, судьянинг ёрдамчиси ва суд мажлиси котиби, эксперта, гувоҳ ва таржимондан фарқли ўлароқ, процессуал ҳуқуқ субъекти мақомига эмас, ваколатга (компетенцияга) эгалар. Чунки улар арбитраж суди маҳкамаси ходимлари ҳисобланадилар ва уларнинг фаолияти арбитраж процессидаги оммавий субъектлар сифатида уларнинг қонунда белгиланган ваколатлари ҳажми билан шартланади¹.

Германия Федератив Республикаси қонунчилигида суд канцелярияси хизматчиси ва суд ижрочиси одил судловга кўмаклашувчи шахс тоифасига киритилган. Суд канцелярияси хизматчиси (der Urkundsbeamter) ўрта даражадаги мансабдор шахс ҳисобланиб, унинг вазифаларига суд мажлиси баённомасини юритиш, судга келиб тушадиган хат-ҳужжатларни қабул қилиш, турли хил ҳужжатлар, хусусан, ҳал қилув қарорлари, ҳукм ва бошқа процессуал қарорларни расмийлаштириш, кўчирмалар бериш ва нусхалар олиш киради. Унинг ваколатига шунингдек, регистр ва суд ҳужжатлари рўйхатини юритиш ҳам киради².

Одил судловни амалга оширишга кўмаклашувчи шахслар доирасининг алоҳида мустақил институт сифатида тўлиқ шакллантирилиши одил судловнинг самарали амалга оширилишини таъминлайди. Олимларнинг фикрича, одил судлов-

ни амалга оширишга кўмаклашувчи шахсларга қандайдир муҳим ҳуқуқ ва ваколатлар берилмаган. Уларнинг фуқаролик процессидаги ҳуқуқий мақоми биринчи навбатда, уларнинг ўзларига юклатилган процессуал мажбуриятларни бажаришлари билан белгиланади³. Шунинда таъкидлаш жоизки, мазкур шахсларни алоҳида тоифага ажратиш, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилаш билан чегараланмасдан, ушбу институтнинг тўлақонли ва сама-

рали ишлаш механизмларини яратиш ва мустаҳкамлаш лозим.

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, фуқаролик ишлари бўйича судларда иш кўрилишида одил судловни амалга оширишга кўмаклашувчи шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини самарали таъминлашга доир ҳуқуқий нормаларни янада такомиллаштириш одил судловни самарали амалга оширишнинг ҳуқуқий воситаси бўлиб хизмат қилади.



¹ Ванярхо А.В. Лица, содействующие осуществлению правосудия,- участники арбитражного процесса Российской Федерации: автореферат диссертации: 12.00.15;

² Гражданский процесс зарубежных стран: учеб. Пособие/ под ред. д-ра юрид. наук А.Г.Давтян. – М.: ТК Велби, Изд-во Проспект, 2008. – стр. 50-51.

³ Ярков В.В. Гражданский процесс: учебник для вузов. –М., Издательство Волтерс Клувер, 2006.

Шароф ҚУЛМАТОВ,
Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси доценти,
юридик фанлар номзоди

СУД-ҲУҚУҚ ИСЛОҲОТЛАРИНИНГ ҲОЗИРГИ БОСҚИЧИДА ПРОЦЕССУАЛ МАЖБУРИЯТЛАРИНИНГ ТАКОМИЛЛАШУВИ

- ◆ Мақолада жиноят процесси иштирокчиларини янгича таснифлаш белгиларига кўра асосланган ҳолда беш гуруҳга бўлиш, шунингдек янги гуруҳдаги иштирокчиларнинг процессуал ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳам ишлаб чиқилган.
- ◆ В статье основаны необходимость по новым классифицирующим признакам разделения участников уголовного процесса на пять групп, а также разработаны их процессуальные права и обязанности.
- ◆ In article the essence both place of the procedural rights and duties in criminal procedure is opened, the necessity of perfection of the procedural rights and duties is stated.

Таянч сўзлар: жиноят процесси иштирокчилари, тасниф, процессуал ҳуқуқ ва мажбуриятлар, жавобгарлик.

Ключевые слова: участники уголовного процесса, классификация, процессуальное право, процессуальная обязанность, ответственность.

Key words: The procedural right, procedural duty, participants of process, responsibility.

Суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш ва либераллаштириш бўйича мамлакатимизда кенг миқёсда ишлар олиб борилмоқда. Ўтган давр мобайнида жиноий жазолар тизимини либераллаштириш, суд ҳокимиятининг мустақиллигини амалда таъминлашга катта эътибор берилди, адвокатура институти ислоҳ этилди. Суд қарорларини ижро этиш тизими, прокуратура фаолияти такомиллаштирилди, бутун суд-ҳуқуқ тизимини босқичма-босқич демократлаштиришга қаратилган бошқа бир қатор чора-тадбирлар амалиётга татбиқ этилди.

Суд-ҳуқуқ ислоҳотларининг ҳозирги босқичида процесс иштирокчилари томонидан процессуал мажбуриятларга амал қилинишини янада такомиллаштиришга зарурат сезилмоқда. Бундай фикр билдиришга сабаб Жиноят-процессуал кодексда процесс иштирокчиларининг процессуал мажбуриятларининг бажарилишини таъминловчи ҳуқуқий механизмни тўлиқ тартибга солишга оид нормалар етишмаслиги асос бўлмоқда. Шунинг учун Жиноят-процессуал кодексда аввало процесс иштирокчиларининг процессуал мажбуриятларини аниқ ва тўлиқ белгиланган-белгиланмаганлигини таҳлил қилиш лозим. Сўнг процессуал мажбуриятни бажармаган иштирокчиларга нисбатан қўлланиши лозим бўлган таъсир чораларини, уларни қўллаш тартибини янада аниқ ва тўлиқроқ белгилаш масаласи ҳал этилиши мақсадга мувофиқ кўринади.

Жиноят-процессуал кодексда процессуал

мажбуриятларни белгиланганлик ҳолатини ўрганиш учун процесс иштирокчиларини гуруҳларга бўлиб, уларни таснифлаган ҳолда кўриб чиқиш тақозо этилади.

Амалдаги Жиноят-процессуал кодексда жиноят процессида иштирокчилар тўрт гуруҳга бўлинган:

1. Жиноят ишини юритишга масъул бўлган давлат органлари ва мансабдор шахслар (суриштирувчи, терговчи, прокурор, судья, халқ маслаҳатчилари, суд мажлиси котиби);

2. Жиноят ишини юритишда иштирок этувчи жамоат бирлашмалари, жамоалар ва уларнинг вакиллари (жамоат айбловчиси ва жамоат ҳимоячиси);

3. Жиноят процессида ўз манфаатларини ҳимоя қиладиган шахслар, ҳимоячилар ва вакиллар (айбланувчи, гумон қилинувчи, судланувчи, жабрланувчи, ҳимоячи, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар, уларнинг вакиллари ва қонуний вакиллар);

4. Жиноят процессида иштирок этувчи бошқа шахслар (гувоҳ, эксперт, мутахассис, таржимон, холис).

Ушбу тасниф жиноят процессида иштирок этадиган барча шахсларни тўлароқ қамраб олади, деб хулоса қила олмаймиз. Чунки, амалдаги ЖПКда процесс иштирокчилари қаторига киритилмаган, дастлабки терговда иштирок этса-да, процессуал ҳуқуқларга эга бўлмаган шахслар ҳам

мавжуд. Ушбу шахсларга:

— уйда олиб қўйиш ва тинтув ўтказилаётган шахслар;

— мол-мулки хатланган шахслар;

— алоқа муассасасининг ходимлари;

— мансабдор шахслар ва фуқаролар;

— корхона, муассаса ва ташкилотларнинг раҳбарлари;

— шахсий кафилликка олувчилар, жамоат ёки жамоа кафиллигига олувчилар, вояга етмаганларни кузатув остига олувчилар, ҳарбий хизматчининг хулқ-атвор устидан қўмондонлик кузатуви олувчилар киради (ЖПКнинг 251, 252, 253, 254, 271— моддалари);

— мол-мулкни айбланувчи ёки судланувчига гаров эҳтиёт чораси сифатида берган шахслар.

Уларнинг зиммасига ЖПК билан юклатилган процессуал мажбуриятларга эса қуйдагилар киради, яъни:

— суриштирувчининг, терговчининг, прокурорнинг талаби билан изланаётган ашёларни беришдан бош тортмаслик (ЖПКнинг 271-м.);

— почта-телеграф жўнатмаларини хатлаш тўғрисидаги қарорни етарли даражада бажариш (ЖПКнинг 271-м.);

— ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечиришга, экспериментни ўтказишга, мурдани эксгумация қилишга, олиб қўйиш ва тинтув ўтказишга тўсқинлик қилмаслик (ЖПКнинг 271-м.);

— суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суднинг чақирувига биноан гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи, гувоҳ, мутахассис, эксперт, таржимон, шунингдек фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар, уларнинг вакиллари, жамоат айбловчиси, жамоат ҳимоячиси, халқ маслаҳатчиларининг келишига тўсқинлик қилмаслик (ЖПКнинг 271-м.);

— жиноятнинг сабабларига ва унинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларга барҳам бериш тўғрисидаги суриштирувчининг, терговчининг, прокурорнинг тақдимномаси ёки суднинг хусусий ажрими талабларини бажариш (ЖПКнинг 271-м.);

— эҳтиёт чораси талабларини бажариш (ЖПКнинг 249, 252, 253, 254-м.).

Ушбу шахслар процессуал мажбуриятларни бажармаганликлари учун қонунда белгиланган жавобгарликка тортилиши кўрсатилган, лекин нима сабабдан улар қонуншунос томонидан процесс иштирокчилари гуруҳига киритилмаганлиги ва ҳуқуқи белгиланмасдан мажбурият юклатилганлиги мавҳум бўлиб қолган.

Бизнингча, ушбу шахсларни жиноят процесси иштирокчилари гуруҳига киритиш ва уларнинг Конституциявий ҳуқуқларидан келиб чиқиб, процессуал ҳуқуқларини белгилаш, сўнг процессуал мажбуриятларни юклаш мақсадга мувофиқдир. Чунки, процесс иштирокчилари зиммасига маж-

буриятларни юклаш шarti ҳам аввало ҳуқуқлари белгиланган бўлишини талаб этади. Акс ҳолда жиноят ишида қатнашувчи шахсларнинг Конституциявий ҳуқуқлари бузилган ҳисобланади.

Шу билан бирга, фикримизча, процесс иштирокчиларининг процессуал мажбуриятларни бажармаганликлари учун тегишли жавобгарликка тортишнинг жиноят-процессуал шартлари ҳам бўлиши талаб этилади ва буларга қуйдагиларни киритиш мумкин:

1) жиноят иши юритувда бўлиши;

2) шахс жиноят ишида процесс иштирокчиси сифатида эътироф этилган бўлиши;

3) субъектлар ўзига хос процессуал ваколат, ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлиши;

4) процесс иштирокчисига олдиндан процессуал мажбуриятларни бажармаслик оқибатлари тушунтирилган ёки огоҳлантирилган бўлиши;

5) субъектлар ўз ҳуқуқларини суистеъмол қилганлиги ёки мажбуриятларни бажармаганлиги;

6) ЖПКда процессуал мажбуриятларни бажармаганлик учун жавобгарлик ва жавобгарликка тортиш тартибининг белгиланганлиги.

Лекин истисноли ҳолатларда процесс иштирокчиларини тегишли жавобгарликка тортиш шартлари уларнинг ҳуқуқий мақомидан келиб чиқиб ҳам ўзгариши мумкин. Масалан, жиноят ишини юритишга масъул бўлган давлат органлари ва мансабдор шахслар гуруҳига кирувчи, яъни суриштирувчи, терговчи, прокурор ва судья жиноят процесси иштирокчиси сифатида эътироф этилмайди, жавобгарликка тортилиши билан олдиндан огоҳлантирилмайди.

Фикримизча, ҳар икки тоифадаги шахслар жавобгарликка тортиш шартлари бўлган тақдирдагина процесс иштирокчиларини процессуал мажбуриятларни бажармаганлар деб қонун ҳужжатларида белгиланган жавобгарликка тортиладилар.

Бизнингча, юқоридаги таклифни инobatга олган ҳолда процесс иштирокчиларининг янги бешинчи гуруҳини ташкил этиш лозим ва бу гуруҳ иштирокчиларини «Жиноят процессида иштирок этувчи бошқа шахслар» гуруҳини кенгайтириш ва бу гуруҳга уйда олиб қўйиш ва тинтув ўтказилаётган шахслар; мол-мулки хатланган шахслар; алоқа муассасасининг ходимлари; мансабдор шахслар, фуқаролар, корхона, муассаса ва ташкилотларнинг раҳбарлари; шахсий кафилликка олувчилар; гаровга мол-мулкни қўйувчилар; жамоат ёки жамоа кафиллигига олувчилар, вояга етмаганларни кузатув остига олувчилар, ҳарбий хизматчининг хулқ-атвори устидан қўмондонлик кузатуви олувчиларни киритиш мақсадга мувофиқдир.

Шунингдек, фикримизча жиноят процесси иштирокчиларининг таснифланишидаги 4-гуруҳи, яъни жиноят процессида иштирок этувчи бошқа шахс-

лар гувоҳдан ташқари (эксперт, мутахассис, таржимон, холис) бевосита жиноят ишининг самарали кечишига кўмаклашади. Шунинг учун жиноят процесси иштирокчиларининг ушбу гуруҳини «Гувоҳ ва жиноят процессида одил судловни амалга оширишга кўмаклашувчи шахслар» деб таснифлаш мақсадга мувофиқ.

Юқоридагилардан келиб чиқиб қуйдагилар таклиф этилади:

1) ЖПКнинг 2-бўлим 6-бобининг номи “Гувоҳ ва жиноят процессида одил судловни амалга оширишга кўмаклашувчи шахслар” деб ўзгартириш;

2) ЖПКнинг 2-бўлимига «Жиноят процессида иштирок этувчи бошқа шахслар» деб номланувчи янги 6¹-боб киритилиши ва қуйидаги таҳрирда баён этилиши таклиф этилади:

75¹-модда. Жиноят процессида иштирок этувчи бошқа шахслар.

Жиноят процессида зарурат туфайли уйда олиб қўйиш ва тинтув ўтказилаётган шахслар, молмулки хатланган шахслар, корхона, муассаса ва ташкилотларнинг раҳбарлари, шахсий кафилликка олувчилар, жамоат ёки жамоа кафиллигига олувчилар, вояга етмаганларни кузатув остига олувчилар, ҳарбий хизматчининг хулқ-атвори устидан қўмондонлик кузатувиغا олувчилар қатнашишлари мумкин.

75²-модда. Жиноят процессида иштирок этувчи бошқа шахсларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари.

Жиноят процессида иштирок этувчи бошқа шахслар гувоҳ тариқасида сўроқ қилиниши мумкин. Бундай ҳолларда қандай иш кўриляётганлигини билиш, ўз она тилидан ва таржимон хизматидан фойдаланиш, ўзи қатнашаётган тергов ҳаракати қарори ва баённомаси билан танишиш, шахсий ва жамоа кафиллигидан воз кечиш, суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суднинг ҳаракатлари, қарорлари устидан шикоятлар келтириш ҳуқуқларига эгадирлар.

Жиноят процессида иштирок этувчи бошқа шахслар: суриштирувчининг, терговчининг, прокурорнинг талаби билан изланаётган ашёларни беришдан бош тортмаслик, тергов ҳаракатини ўтказилишига тўсқинлик қилмаслик, суриштирувчининг, терговчининг, прокурорнинг тақдимномаси ва суднинг хусусий ажрими талабларини ўз вақтида бажариш, суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суднинг қонуний талабларини бажаришга мажбурдирлар.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонида кўра 2017 йилнинг 1 апрелидан жиноятни содир этишда гумон қилинган шахсларни ушлаб туриш муддати 72 соатдан 48 соатга қисқартирилиши, қамоққа олиш ва уй

қамоғи тарздаги эҳтиёт чораларини қўллашнинг, шунингдек дастлабки терговнинг энг кўп муддати 1 йилдан 7 ойга қисқартирилиши, почта-телеграф жўнатмаларини хатлаб қўйиш ва эксгумация қилиш учун санкция бериш ҳуқуқи судларга ўтказилиши, судларга қамоққа олиш ёки уй қамоғи тарздаги эҳтиёт чорасини қўллаш рад этилганда муқобил эҳтиёт чораларини қўллаш ҳуқуқининг берилиши назарда тутилди¹.

Ушбу Фармонда одил судловга эришиш даражасини ошириш билан бир қаторда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш давлат сиёсатининг асосий устувор йўналишидан бири сифатида белгиланлиги жиноят ишини юритиш учун масъул бўлган давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг процессуал мажбуриятларни бажаришда масъулиятини янада оширишга хизмат қилади.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексида судья, прокурор, терговчи ва суриштирувчидан ташқари барча иштирокчиларнинг процессуал ҳуқуқ ва мажбуриятлари аниқ белгиланган, судья, прокурор, терговчи ва суриштирувчининг эса фақат процессуал ваколатлари белгиланган. Аммо, судья, прокурор, терговчи ва суриштирувчининг процессуал мажбуриятлари Жиноят-процессуал кодекснинг қатор моддаларида, яъни тарқоқ ҳолда ифодасини топганлигини кўриш мумкин. Масалан, ЖПКнинг 11-моддасида қонунийлик, 15-моддасида жиноят ишини кўзгатишнинг муқаррарлиги, 17-моддасида эса шахснинг шаъни ва кадр-қимматини ҳурмат қилиш ва ишни юритувчи мансабдор шахсларнинг фаолиятига хос мажбуриятларни учратишимиз мумкин. Аммо, жиноят ишини юритишга масъул давлат органлари мансабдор шахслари (суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки судья) ЖПК кодексларининг принциплари, яъни талабига қатъий риоя этиши улар зиммасига ҳам маълум бир мажбуриятлар юклатилганидан далолат беради.

Фикримизча, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексида жиноят ишини юритиш учун масъул бўлган давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг процессуал ваколатлари билан бирга процессуал мажбуриятларни бир тизимга келтирган ҳолда ифодалаш зарур. Чунки, масъул бўлган давлат органлари ва мансабдор шахслар процессуал ваколатлари орқали давлатнинг ҳуқуқни муҳофаза қилиш функциясини амалга ошириши, уларнинг ҳаракати ҳокимият хусусиятига эга бўлиши² билан бирга процессуал ваколатлари доирасидан четга чиқмаслик учун қонунларга қатъий риоя этиш талаб этилади. Бу эса, ҳар қандай қонунда мансабдор шахслар зиммасига юклатилган мажбуриятлар аниқ тизимлаштирилган ҳолда белгиланишини тақозо этади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, амалдаги Жиноят-процессуал кодексига янги 39³-моддасининг киритилиши ва қуйидаги тахрирда баён этилиши таклиф этилади:

39³-модда. Жиноят ишини юритиш учун масъул бўлган давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг мажбуриятлари.

Суриштирувчи, терговчи, прокурор ва судьянинг мажбуриятлари: жиноят ҳақидаги ариза ва хабарни ўз вақтида қонуний ҳал этиш, жиноят ишини асосли қўзғатиш, рад этиш ва тугатиш, гумон қилинувчи, айбланувчини ва гувоҳни ҳимояланиш ҳуқуқи билан таъминлаш, гумон қилинувчи ва айбланувчига нисбатан ушлаб туриш мажбурлов чорасини асосли қўллаш, терговга қадар текширув, суриштирув ва дастлабки тергов муддатларига қатъий риоя этиш, гумон қилинувчи, айбланувчига нисбатан эҳтиёт чораларини тўғри танлаш ва қўллаш, дастлабки терговнинг умумий шартларига риоя этиш, айблов ху-

лосасини тўғри тузиш, терговни бир ёқлама ва сифатсиз олиб бормаслик, суд муҳокамасининг умумий шартларига риоя этиш, ҳукм, ажрим ва қарорларни қонуний, асосли ва адолатли ҳал этиш, жиноят-процессуал қонун нормаларини бузмаслик ҳамда амалдаги бошқа қонунларга қатъий риоя этиш.

Суриштирувчи, терговчи, прокурор ва судья процессуал мажбуриятларни бажармаганликлари учун қонунда белгиланган тартибда жавобгарликка тортилади.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, амалдаги ЖПКда ҳар бир процесс иштирокчисининг тегишли ҳуқуқ ва мажбурияти тўлиқ белгила-ниши керак. Чунки, дастлабки тергов ва судда процессуал мажбуриятларни бажармаганлик учун қўлланиладиган тегишли таъсир чоралари унда иштирок этувчи ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлган субъектлар доираси билан чегараланиши лозим.



¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 21 октябрдаги «Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислох қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш чоратадбирлари тўғрисида»ги Фармони. Постда газетаси. 2016 й. 25 октябрь 43(4195)-сон.

² Ўзбекистон Республикасининг жиноят процесси: Дарслик / Б. А. Миренский, А...Х.Раҳмонқулов, Ж.Камалходжаев, В.В.Қодирова. – Тошкент: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2004. – 514 б.

Элдор ХОМИДОВ,
Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси
Харбий-техник институти ўқитувчиси

ФАОЛ ТАДБИРКОРЛИК, ИННОВАЦИОН ҒОЯЛАР ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ҚўЛЛАБ- ҚУВВАТЛАШ — ИЖТИМОЙ ВА СИЁСИЙ БАРҚАРОРЛИК КАФОЛАТИ

✦ Ушбу мақолада фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар тушунчаларининг генезиси, мамлакатимизда тадбиркорларга яратиб берилаётган имкониятлар, тадбиркорлик соҳасини қўллаб-қувватлашда мавжуд қонунчилигимизнинг афзаллик томонлари илмий манбалар асосида таҳлил қилиниб ўрганилган. Шунингдек, Президентимиз Ш.М.Мирзиёев томонидан 2018 йилга “Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили” деб ном берилганлигининг долзарблиги ёритиб берилган.

✦ В данной статье на основе анализа научных источников изучены существующие законы в поддержку предпринимательства и его лучшие стороны, генезис понятий активное предпринимательство, инновационные идеи. А также освещена актуальность, объявленная нашим президентом Ш.М.Мирзиёевым 2018 год годом «Активного предпринимательства и поддержки инновационных идей и технологий».

✦ This article studies the concept active entrepreneurship, the genesis of innovational ideas notions, and the creation of opportunities to the entrepreneurs in our country. Has also analyzed the best sides of legislation in supporting of entrepreneurship by scientific sources.

As such this article elucidates the significance of the year 2018, which was named by the President Sh.M.Mirziyoyev the year of “Supporting of active entrepreneurship, innovational ideas and technologies”.

Таянч сўзлар: фаол тадбиркорлик, инновацион ғоя, тадбиркорлик субъектлари, хусусий мулк, якка тадбиркор, лицензия, рақобат, давлат божи, кредит.

Ключевые слова: активное предпринимательство, инновационная идея, субъекты предпринимательства, частная собственность, частный предприниматель, лицензия, конкуренция, государственная пошлина, кредит.

Key words: active entrepreneurship, innovational ideas, the subjects of entrepreneurship, private property, single entrepreneur, license, rivalry, state duty, credit.

Мамлакатимизда бугунги кунда ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва суд-ҳуқуқ соҳаларида амалга оширилаётган ислохотларнинг янги босқичида тадбиркорлик муҳитини янада ривожлантириш, аҳолининг иш билан бандлигини таъминлаш, уларнинг даромадини кўпайтириш орқали фаровонлигини ошириш, уларда мулкдорлик ҳиссини шакллантириш, ҳар бир фуқаронинг эртанги кунга ишончини рўёбга чиқариш давлат сиёсати даражасига кўтаририлган асосий масалалардан бирига айланди. Айтиш ўринлики, ҳозирда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик иқтисодиётимиздаги салмоқли ҳиссаси билан мамлакатимиз ривожига алоҳида ўрин тутиб, жамиятимизда ижтимоий ва сиёсий барқарорликнинг кафолати, ижтимоий-иқтисодий соҳаларда амалга оширилаётган ислохотларнинг самарадорлигини таъминлаш гарови, юртимизни тараққиёт йўлидан фаол ҳаракатлантирувчи кучи сифатида эътироф этилмоқда.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президентини Ш.М.Мирзиёев томонидан 2018 йил мамлака-

тимизда “Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили” деб номланди ва Давлат дастури қабул қилинди. Юртобимиз томонидан ушбу йилда фаол тадбиркорлар сафини кенгайтириш, хусусан, юқори технологиялар, илм-фаннинг энг сўнгги ютуқларига асосланган техника ва асбоб-ускуналарни мамлакатимизга олиб келиш ва жорий этиш учун уларга муносиб шароитлар яратиш, керак бўлса, хориждаги етакчи компания ва ташкилотларда тажриба орттириши, ўзаро манфаатли ҳамкорлик қилиши учун уларга ҳар томонлама имконият туғдириб бериш вазифаси қўйилди¹.

Шунингдек, мамлакатимизда тадбиркорларнинг ҳуқуқларини лозим даражада муносиб ҳимоя қилиш, Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ўрнатилган “ҳар бир шахс мулкдор бўлишга ҳақли” ҳамда “хусусий мулк бошқа мулк шакллари каби дахлсиз ва давлат ҳимоясида”, деган қоидаларни амалда таъминлаш мақсадида давлатимизда янги вакиллик тузилмаси — Ўзбекистон Респуб-

ликаси Президенти ҳузурида “Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил” институти жорий этилди ва унинг ҳуқуқий асоси сифатида Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 29 августдаги ЎРҚ-440-сонли “Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил тўғрисида”²ги қонуни қабул қилинди.

Ушбу қонуннинг 3-моддасида белгиланишича, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил мансабдор шахс бўлиб, у тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш кафолатларини, мазкур ҳуқуқлар ва қонуний манфаатларга давлат органлари, шу жумладан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат қилувчи органлар томонидан риоя этилишини таъминлайди. Тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича вакил ўз ваколатларини мустақил ҳамда давлат органларига, уларнинг мансабдор шахсларига тобе бўлмаган тарзда амалга оширади ва ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Президентига ҳисобот беради.

Қонуннинг 7-моддасида кўрсатилишича, тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш, тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш соҳасида давлат сиёсатини шакллантириш ҳамда амалга оширишда иштирок этиш, давлат органлари томонидан тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларига риоя этилиши юзасидан назоратни амалга ошириш, тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини текшириш амалга ошириладиганда уларни ҳуқуқий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари нормалари ва талабларининг амалда рўёбга чиқарилишини ўрганиш, қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишга таъсири самарадорлигини баҳолаш, тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқий кафолатларини мустаҳкамлашга, уларни ривожлантиришни рағбатлантиришга қаратилган қонун ҳужжатларини такомиллаштириш юзасидан таклифлар тайёрлаш тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича вакил фаолиятининг асосий вазифалари ва йўналишлари ҳисобланади.

Тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича вакил ўз зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш учун тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилишига доир қонун ҳужжатларининг давлат органлари томонидан оғишмай ижро этилишини ўрганиш, тадбиркорлик субъектларининг фаолияти текширувларини ўтказишнинг қонунийлиги мониторингини амалга ошириш, тадбиркорлик субъектларининг фаолиятига қонунга хилоф равиш-

да аралаштириш фактларининг олдини олиш юзасидан комплекс чора-тадбирлар кўриш бўйича таклифлар киритиш, тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилишига доир қонун ҳужжатларининг бузилишига йўл қўйилмаслиги тўғрисида давлат органларининг ҳамда бошқа ташкилотларнинг мансабдор шахсларига ёзма равишда огоҳлантиришлар эълон қилиш, қонун ҳужжатларининг аниқланган бузилишларини, уларга имкон берувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этиш тўғрисида давлат органларининг ва бошқа ташкилотларнинг раҳбарларига белгиланган муддатларда кўриб чиқиши мажбурий бўлган тақдимномалар киритиш, тадбиркорлик субъектларининг манфаатларини кўзлаб аризалар ва даъволар билан судларга давлат божи тўламасдан мурожаат этиш, давлат органлари ва ташкилотлардан ўз ваколатига кирувчи масалалар юзасидан статистик, таҳлилий материалларни, хулосаларни ва бошқа ахборотни сўраш ҳамда олиш, давлат органларининг тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш масалаларини кўриб чиқиш билан боғлиқ мажлисларида иштирок этиш, зарур бўлган ҳолларда, ўз зиммасига юклатилган вазифаларни амалга ошириш учун давлат органларининг, илмий муассасаларнинг ва бошқа ташкилотларнинг раҳбарлари ҳамда мутахассисларини жалб этиш, ишчи гуруҳлар тузиш, тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги жиноятлар тўғрисидаги ишлар бўйича гумон қилинаётган, айбланаётган ва ҳукм қилинган тадбиркорлик субъектлари вакиллари билан учрашиш учун қамоқда сақлаш жойларига, жазони ижро этиш муассасаларига менежмент кириш ҳуқуқига эга бўлади.

Мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ҳаётида бўлаётган бу каби ўзгариш ва янгиликлар уларнинг мазмуни, моҳияти, тушунчаси ва ўзига хос хусусиятларини илмий талқин этишни заруриятга айлантирди. Бугунги кунда луғатимизга қириб келган “фаол тадбиркорлик”, “инновацион ғоялар” ва “технологияларни қўллаб-қувватлаш” каби термин ва тушунчаларнинг мазмуни барчани қизиқтиришига ҳеч шубҳа бўлиши мумкин эмас. “Фаол тадбиркорлик” тушунчаси Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев томонидан 2017 йил 22 декабрь куни Олий Мажлисга Мурожаатномада очиб берилди. Унга биноан “Фаол тадбиркор деганда, биз рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришга қодир, энг муҳими, янги иш ўринлари яратиш, нафақат ўзини ва оиласини боқадиган, балки бутун жамиятга наф келтирадиган ишбилармон инсонларни тушунамиз”³.

“Инновацион ғоялар” ва “технологияларни қўллаб-қувватлаш” каби тушунчаларнинг мазмуни ҳам Юртбошимиз томонидан изоҳлаб берилди. Хусусан, ушбу изоҳнинг мазмунини “юқори технологиялар, илм-фаннинг энг сўнгги ютуқларига асосланган техника ва асбоб-ускуналарни мамлака-

тимизга олиб келиш ва жорий этиш учун муносиб шароитлар яратиш, хориждаги етакчи компания ва ташкилотларда тажриба орттириш, ўзаро манфаатли ҳамкорлик қилиш⁴ ташкил этади.

Мамлакатимизда мустақиллик йилларида тадбиркорликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилиб, ушбу фаолият турининг ҳуқуқий асослари яратилди ва уларда тадбиркорлик фаолиятининг тушунчаси, субъектларининг ҳуқуқий мақоми масалаларини белгилашга алоҳида эътибор берилди. Маълумки, тадбиркорлик фаолияти турли тоифадаги субъектлар томонидан амалга оширилади. Чунончи, Ўзбекистон Республикасининг “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонунининг 4-моддасида “Тадбиркорлик фаолияти субъектлари (тадбиркорлик субъектлари) белгиланган тартибда рўйхатдан ўтган ҳамда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган юридик шахс ва жисмоний шахслардир⁵”, деб белгиланган. Ушбу қонуннинг мазмунидан кўриниб турибдики, демак ҳар қандай юридик шахс ёки жисмоний шахс ҳам тадбиркорлик фаолиятининг субъекти бўлавермайди. Бунинг учун улар қонунда белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтган бўлишлари керак.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 24-моддасида жисмоний шахс, яъни “фуқаро яқка тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан бошлаб тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишга ҳақлидир”, деб белгилаб қўйилган. Шунингдек, юридик шахс ҳам тадбиркорлик фаолияти субъекти мақомига эга бўлиш учун тегишли тартибда давлат рўйхатидан ўтган бўлиши, бундай фаолиятнинг муайян тури билан шуғулланиш учун эса рухсатнома (лицензия) олган бўлиши талаб этилади. Демак, тадбиркорлик фаолиятининг субъекти сифатида корхона ёки фирма юридик шахс деб тан олинishi учун Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 44-моддасида белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтган бўлиши керак. Фуқаролик кодексининг ушбу нормаси фаол тадбиркорлик фаолиятининг субъектларига нисбатан ҳам татбиқ этилади.

Шуни айтиш керакки, мамлакатимизнинг тарихий тараққиётида ижтимоий ҳаётнинг кўп жабҳаларида тадбиркорликни кенг қўллаш ва уни ривожлантиришга қадим замонлардан алоҳида эътибор бериб келинган. Давлатимиз ва ота-боболаримиз томонидан ўз ери, ўз мулки, ўз касби-хунарига эга бўлган кишилар, омилкорлик билан иш юритиш, тадбиркор ва ишбилармон инсонларни қадрлаш анъаналари доимо улуғланган. Масалан, Соҳибқирон Амир Темур бобомиз томонидан ўрта асрлардаёқ айtilган “Ишбилармон, мардлик ва шижоат соҳиби, азми қатъий, тадбиркор ва хушёр бир киши, минг-минглаб, тадбирсиз, лоқайд кишилардан яхшидир”, деган шиорга айланиб қолган қоида айнан бугун ҳам ўз қиймати ва долзарблигини йўқотгани йўқ. Чунки, тадбиркор ва ишби-

лармон ўз меҳнат фаолияти билан нафақат ўзи ва оиласига, балки бутун жамиятга, давлатга ва инсонларга жуда катта наф келтиради.

Шу сабабдан, тадбиркорлик фаолиятининг давлат ва жамият тараққиёти ва инсон фаровонлигини таъминлашга келтирадиган нафи ва фойдасини, ўзига хос жиҳатларини қуйидагича изоҳлаш мумкин: биринчидан, фаол тадбиркор, ишбилармон ёки омилкор инсон бирор-бир тадбиркорлик фаолияти тури билан шуғулланганда ҳаётда ўз ўрнини топади ва доимий равишда даромадини ошириб бориб, у орқали фаолият турини кенгайтиришга ҳаракат қилади, иккинчидан, ушбу соҳа вакиллари муайян фаолият тури билан доимо банд бўлиб, улар томонидан ҳуқуқбузарлик содир этилишига эҳтиёж сезилмайди, учинчидан, тадбиркор нафақат оиласини, балки бутун халқни боқади, давлатга солиқ тўлайди, аҳолини иш билан таъминлайди, бандликка кўмаклашади, янги иш ўринларини яратади.

Айтилганлардан келиб чиқиб, фикримизча, фаол тадбиркорлик деганда ўз фаолиятида маҳсулотларни бир жойдан иккинчи жойга сотадиган (реализация қиладиган) ёки бирор-бир хизмат кўрсатиш тури билан шуғулланиш эмас, балки янги иш ўринлари яратиш, ишлаб чиқариш фаолияти билан шуғулланишни амалга ошириш тушунилади.

Фаол тадбиркорлик тушунчасини тадбиркорлик тушунчасидан фарқлаш лозим. Фаол тадбиркорлик янги инновацион технологияларни ишлаб чиқаришга кенг жорий этиш, ишлаб чиқилган маҳсулотларнинг рақобатбардошлигини ошириш, бозор шароитига мослашиш, рақобатда синиб кетмаслик, ўз ўрнини сақлаб қолиш имкониятини яратади.

Ҳозирда тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва ишбилармонлик муҳитини кенгайтириш мақсадида Президентимизнинг бир қатор фармонлари ва қарорлари қабул қилинди. Фаол тадбиркорлик фаолиятини тартибга солишга бағишланган шундай меъёрий ҳужжатлар қаторида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатдан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”⁶ги фармонини кўрсатиш мумкин.

Ушбу фармон, энг аввало хусусий мулкни ҳуқуқий ҳимоя қилишни янада кучайтиришга, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик учун қулай шарт-шароитлар яратишга ва ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга, республиканинг инвестициявий жозибадорлигини оширишга йўналтирилган ва ушбу соҳада давлат сиёсатининг сифат жиҳатдан янги даражага ўтишидан далолат беради. Фармоннинг яна бир эътиборга молик томони шундан иборатки, унда тадбиркорлик фаолиятига аралашувни тубдан қисқартириш, ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олди олиншини таъминлаш, уларнинг про-

филактикаси самарадорлигини ошириш ва ҳуқуқбузарликларга йўл қўйилмасликни энг муҳим устувор йўналиш ва давлат органларининг биринчи даражали вазифаси сифатида белгиланди.

Ушбу Фармон чет эл инвесторларининг ҳам Ўзбекистон Республикасида ўз тадбиркорлик фаолиятини эркин юритишлари учун кенг имкониятлар эшигини очиб беради. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил февраль ойида Қашқадарё вилоятига ташрифи пайтида таъкидланишича, чет эл инвесторлари билан ҳамкорликда амалга ошириладиган биринчи лойиҳа — 2017-2019 йилларда вилоятда енгил саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган замонавий корхоналарни ташкил этиш ва мавжудларини модернизация қилиш бўйича манзилли дастур тақдим этилган бўлиб, унга кўра 17 та корхона ташкил этиш режалаштирилган. “Ўзбекенгилсаноат” акциядорлик жамияти ҳамда қатор тижорат банклари билан ҳамкорликда ишлаб чиқиладиган дастур доирасида 3000 га яқин иш ўринлари яратиш назарда тутилмоқда.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил март ойида Бухоро вилоятига ташрифи давомида вилоятда тадбиркорликни ривожлантиришга бағишланган лойиҳалар билан танишиб, “Тадбиркор бой бўлса, давлат ҳам бой бўлади”, мавзусидаги нутқида бугун Бухорода етиштириладиган пахта толасининг 26,6 фоизи вилоят ҳудудида саноат усулида қайта ишланаётганлиги, ишлаб чиқиладиган янги лойиҳа бўйича вилоятнинг 7 та шаҳар ва туманида 13 та йирик саноат лойиҳасини фойдаланишга топшириш режалаштирилганлиги, бу вилоятда етиштирилган пахта толасининг 65 фоизини қайта ишлаш имкониятини яратиши, натижада 5000 мингга яқин иш ўрни яратилиши⁷ хусусида фикрлар билдирилди. Юқорида айтилган амалиётга жорий қилинаётган дастурлардан келиб чиқиб, ҳар битта вилоятда шу каби лойиҳаларнинг ижтимоий ҳаётга татбиқ этилиши қан-

чадан-қанча кишиларнинг иш билан таъминланишига хизмат қилишини тасаввур қилиш қийин эмас.

Статистик маълумотларга кўра, бугунги кунда мамлакатимизда 525 мингдан ортиқ тадбиркорлик субъекти фаолият юритмоқда. Улар томонидан ялпи ички маҳсулотнинг 56 фоизидан ортиғи ишлаб чиқарилмоқда, меҳнатга лаёқатли аҳолисининг 78 фоизидан ортиғи шу секторда иш билан банд бўлмоқда⁸.

Мамлакатимизда 2018 йил “Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили” деб номланиши тадбиркорлик фаолиятини жадал суръатлар билан янада ривожлантиришга кенг имкониятлар яратади. Ушбу сана билан боғлиқ қабул қилинган чоратадбирларнинг ҳаётга татбиқ этилиши тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари муҳофазасининг кафолатларини кучайтириш, фаол тадбиркорликни ташкил этиш ва фаолият юритишига ҳар томонлама кўмак бериш, сифатли давлат хизматларини тақдим этиш, шунингдек, ишбилармонлик муҳитини такомиллаштириш масалалари бўйича тадбиркорлар билан ахборот алмашинувининг самарали усулини жорий этиш имконини беради ва бу мамлакатимизда ижтимоий ва сиёсий барқарорликни янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Мухтасар қилиб айтганда, давлатимиз томонидан мамлакатимизда фаол тадбиркорлик фаолиятининг ривожини ҳамда истиқболи учун қатор ҳуқуқий имкониятлар яратиш берилганлиги билан чекланиб қолмасдан, ушбу ҳуқуқий асослар ва чора-тадбирларни амалиётга жорий этиш самарадорлигини ошириш, фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш учун ўрта ва узоқ муддатга мўлжалланган кредитлар бериш тизимини янада такомиллаштириш, фаол тадбиркорликнинг ҳуқуқий асосларини бундан кейин ҳам мукамаллаштириш устида амалий ишлар олиб борилиши долзарб вазифалардан ҳисобланади.



¹Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси.//Postda, 2017 йил 23 декабрь, 52-сон

²Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017, 35-сон, 915-модда

³Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси.//Postda, 2017 йил 23 декабрь, 52-сон

⁴Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси.//Postda, 2017 йил 23 декабрь, 52-сон

⁵Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 13 декабрдаги ЎРҚ-265-сон Қонуни таҳририда-Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 йил, 50-сон, 469-модда.

⁶Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатдан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони. //Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари тўплами, 2016, 40-сон, 467-модда

⁷www.uza.uz/uz/politics

⁸Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Бизнес қонуний манфаатлари давлат томонидан муҳофаза қилиниши ва тадбиркорлик фаолиятини янада ривожлантириш тизимини тубдан такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармонига шарҳ. // Халқ сўзи, 2017 йил 20 июнь, 121 (6815)-сон

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ф А Р М О Н И

ПРОКУРАТУРА ОРГАНЛАРИ КАДРЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШ, ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТИЗИМИНИ ТУБДАН ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатда амалга оширилаётган ўзгаришлар, ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг янги устувор йўналишлари ҳамда қонун устуворлигини таъминлаш ва қонунийликни мустаҳкамлаш вазифалари прокуратура органлари кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш тизимини янада такомиллаштириш заруриятини тақозо этмоқда.

Ўтган давр мобайнида ҳуқуқни қўллаш ҳолатини комплекс таҳлил қилиш, қонунбузилишлар содир этилишининг сабаб ва шарт-шароитларини ўз вақтида бартараф этиш чораларини кўриш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоясини таъминлаш, тадбиркорлик субъектларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш юзасидан прокуратура органлари ходимларини зарур билим ва кўникмаларга ўргатиш борасида муайян таълим ва илмий салоҳият шакллантирилди.

Хусусан, 2007 йилдан Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси тузилмасида раҳбар кадрларни қайта тайёрлаш ва прокуратура органлари ходимларининг малакасини ошириш билан шуғулланувчи Олий ўқув курслари фаолият юритмоқда. Олий ўқув курсларида 2007 - 2017 йиллар давомида 4 318 нафар ходимнинг малакасини ошириш ва 186 нафар раҳбар кадрларни қайта тайёрлаш таъминланди.

Шу билан бирга, прокуратура органлари фаолиятининг мутлақо янги йўналишлари белгиланганлиги, уларнинг амалга оширилаётган ислохот ва ўзгаришлардаги ўрни кучайтирилганлиги юклатилган вазифаларни самарали бажара оладиган муносиб кадрлар таркибини шакллантиришни талаб этмоқда.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларга мувофиқ, шунингдек, прокуратура органлари кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишнинг замонавий тизимини яратиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Олий ўқув курслари Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Академияси (кейинги ўринларда Академия деб юритилади) этиб қайта ташкил этилсин.

2. Қуйидагилар Академия фаолиятининг асосий вазифалари ва йўналишлари этиб белгилансин:

прокуратура органлари ходимларида билим ва кўникмаларни, шу жумладан, тизимли таҳлил ва танқидий фикрлашни, шахсий ва ишчанлик сифатларини ривожлантириш ва такомиллаштиришни, қонунларга, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига сўзсиз риоя этилиши юзасидан адолат ва масъулият каби юксак туйғуларини шакллантириш ва мустаҳкамлашни таъминловчи ходимларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва улар малакасини оширишнинг ягона тизимини ташкил этиш;

замонавий педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларини, масофавий таълимни, ўқитиш ва тренингларни интерфаол ҳамда муаммоли-вазиятли услубларини кенг жорий этиш;

прокуратура органлари фаолиятини илмий-методик жиҳатдан таъминлаш, фундаментал, амалий ва инновацион тадқиқотлар ўтказиш, қонун устуворлигини таъминлаш, қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқаролар ҳамда тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва эркинликларини, жамият ва давлатнинг қонун билан муҳофаза қилинадиган манфаатларини кўриқлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг долзарб муаммолари юзасидан тизимли асосда илмий-тадқиқот дастурлари ва лойиҳаларини, шу жумладан, миллий, хорижий ва халқаро грантларни жалб қилган ҳолда амалга ошириш;

қонунчиликни такомиллаштириш ва ягона ҳуқуқни қўллаш амалиётини шакллантириш бўйича илмий асосланган хулоса ва тавсиялар ишлаб чиқиш;

ўқитишнинг амалий хусусиятига ва прокуратура органларининг касбий фаолияти билан узвий

боғлиқликка таянган ҳолда магистратура мутахассисликлари бўйича кадрлар тайёрлаш;

прокуратура органлари фаолияти йўналишлари бўйича олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш;

ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, жиноятчилик ва коррупцияга қарши курашиш соҳасида ўзаро ҳамкорлик масалалари юзасидан давлат органлари ва бошқа ташкилотлар ходимларининг малакасини ошириш;

прокуратура органлари фаолиятини психологик жиҳатдан таъминлаш, номзодларни хизматга қабул қилишда касбий-психологик танлов ўтказиш, прокуратура органларидаги маънавий-психологик муҳитни ўрганиш ва уни яхшилаш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқиш;

қўшма илмий тадқиқотлар ўтказиш, норматив-ҳуқуқий, методик ва таҳлилий хусусиятга эга бўлган маълумотларни алмашиш, ўқув жараёнига хорижий мутахассисларни жалб қилиш, педагог, илмий ходимлар ва тингловчиларнинг стажировкаларини тизимли равишда ташкил этиш соҳаларида халқаро ҳамкорликни амалга ошириш;

ўқув жараёнининг сифатини ошириш бўйича тажриба алмашиш, саъй-ҳаракатларни бирлаштириш мақсадида юридик кадрларни тайёрловчи, қайта тайёрловчи ва уларнинг малакасини оширувчи таълим ва илмий-тадқиқот, шу жумладан хорижий давлатлар муассасалари билан самарали идоралараро ҳамкорликни чуқурлаштириш;

3. Белгилансинки:

а) Академияда касбий қайта тайёрлаш ва малака ошириш куйидаги дастурлар бўйича амалга оширилади:

прокурор-тергов иши ва прокуратура органларида иш юритишни ташкил қилиш асосларини ўқитишга йўналтирилган, давомийлиги 576 соатдан кам бўлмаган прокуратура органларида лавозимларни эгаллаш учун номзодларни бирламчи ихтисослашув шаклида касбий қайта тайёрлаш;

прокурор-тергов ва таҳлилий ишларни юриштиш, норма ижодкорлиги фаолиятида иштирок этиш юзасидан касбий билим ҳамда кўникмаларни чуқурлаштиришга, шунингдек, ишни ташкил этишнинг инновацион шакллари ва методларини ҳамда бошқарув асосларини ўзлаштиришга йўналтирилган, давомийлиги 576 соатдан кам бўлмаган прокуратура органларида раҳбарлик лавозимларини эгаллаш учун захирада турган кадрларни касбий қайта тайёрлаш;

қонунчиликдаги янгиликлар мазмун-моҳиятини етказиш, касбий кўникма ва малакаларни такомиллаштириш, прокурор-тергов ишининг илғор ютуқларини ўргатиш, шунингдек, прокуратура органлари ходимлари фаолиятидаги тизимли камчиликларни бартараф этишга йўналтирилган,

давомийлиги 144 соатдан кам бўлмаган прокуратура органлари ходимлари малакасини ошириш;

б) прокуратура органлари ходимлари малакасини оширишнинг даврийлиги ҳар уч йилда камида бир мартани ташкил этади;

в) прокуратура органларида лавозимларни эгаллаш учун номзодлар прокуратура иш ўрганувчилари лавозимига тайинлангунига қадар мазкур Фармон 3-банди "а" кичик бандининг иккинчи хатбошисида назарда тутилган касбий қайта тайёрлашдан ўтадилар.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорига:

Академияда асосий иш жойидан ажралган ёки ажралмаган ҳолда қисқа муддатли ва бошқа курсларни ташкил этиш;

истисно тариқасида, мазкур Фармон 3-банди "а" кичик бандининг иккинчи хатбошисида назарда тутилган касбий қайта тайёрлашдан ўтмаган шахсларни прокуратура органларига хизматга қабул қилиш ҳуқуқи берилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Академияда 2019/2020 ўқув йилидан бошлаб магистрларни, шу жумладан, бошқа мутахассислик йўналишлари бўйича олий маълумотга ва прокуратура органларида камида 5 йиллик иш стажига эга бўлган прокуратура органлари ходимлари ҳисобидан тайёрлаш ҳақидаги таклифи билан келишилсин.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Иқтисодиёт вазирлиги билан биргаликда Академия магистратурасига қабул қилиш квоталарини белгиласин.

5. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Академиясининг тузилмаси 1-иловага мувофиқ; Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Академиясининг самарали фаолият кўрсатишини таъминлаш ва моддий-техник базасини мустаҳкамлаш бўйича "Йўл харитаси" 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорига:

Академиянинг тузилмасига белгиланган умумий штатлар сони доирасида ўзгартиришлар кириштиш;

ўқув жараёнини таълимнинг кундузги, кечки, сиртқи ва масофавий шакллари асосида ташкил этиш ҳуқуқи берилсин.

6. Белгилаб қўйилсинки:

Академия прокуратура органлари ходимларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш учун масъул таълим ва илмий-тадқиқот муассасаси бўлиб ҳисобланади;

Академияга Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори томонидан лавозимга тайинланган ва лавозимидан озод этиладиган бошлиқ раҳбарлик қилади;

прокуратура органлари ходимлари келгусида прокуратура органларининг ўзлари эгаллаб турган лавозимига тенг бўлган бошқа лавозимларида хизматни давом эттиришини таъминлаган ҳолда Академияда хизмат ўташ учун ротация тартибида жалб этилиши мумкин;

Академия ходимларига Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ходимлари учун белгиланган меҳнатга ҳақ тўлаш ва моддий рағбатлантириш шартлари татбиқ этилади;

даражали унвонга эга бўлган Академия ходимлари прокуратура органлари тармоқларида стажировка ўташ даврида прокуратура органлари ходимларининг тегишли ваколатларидан фойдаланадилар ва мақом бўйича Академия тегишли тармоқлари (бўлимлари)нинг прокурорлари бўлиб ҳисобланадилар;

2018 йилнинг 1 июнидан Мажбурий ижро бюросини ривожлантириш жамғармаси ҳисобидан Академия ходимларига прокуратура органлари ходимлари учун белгиланган оширилган тариф коэффициенти ва алоҳида меҳнат шартлари учун ҳар ойлик устама ҳамда қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа рағбатлантирувчи қўшимча ҳақ ва устамаларни ўз таркибига олувчи лавозим маошига 100 фоиз миқдорда ҳар ойлик қўшимча устама тўланади;

Академия фаолияти Давлат бюджети, Мажбурий ижро бюросини ривожлантириш жамғармаси ва прокуратура органларининг бюджетдан ташқари жамғармалари, шунингдек, қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан молиялаштирилади.

7. Белгилаб қўйилсинки, Академияда тўлов-контракт асосида ўқитишдан келиб тушадиган маблағлар Академиянинг ўқув ва моддий-техник базасини ривожлантириш ҳамда унинг ходимларини моддий рағбатлантиришга йўналтирилади.

8. Академияга:

етақчи ўқув муассасалари, илмий-тадқиқот институтлари, давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг, шу жумладан, хорижий мамлакатларнинг юқори малакали мутахассис ва экспертларини шартнома асосида ўқув жараёнига жалб қилишга;

прокуратура органларида лавозимларни эгаллаш учун бирламчи ихтисослашув шаклидаги касбий қайта тайёрлаш дастури бўйича таълим олаётган номзодларнинг яшаш ва овқатланиш харажатлари учун тўловларни прокуратура органларининг бюджетдан ташқари жамғармалари маблағлари ҳисобидан амалга оширишга рухсат берилсин.

9. Олий суд, Адлия вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Инновацион ривожланиш вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси, бошқа манфаатдор ва-

зирлик ва идоралар Академияга ўқув жараёнини самарали ташкил этиш, шу жумладан, тажрибали мутахассисларни жалб этиш ҳамда илмий-амалий стажировкаларни ташкил этиш борасида ҳар томонлама кўмаклашсин.

10. Академия:

Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Олий Мажлиси палаталари қарорлари, Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари, вазирлик ва идораларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари;

Академия ахборот-ресурс марказини мустаҳкамлаш учун босма ва китоб маҳсулотлари (ҳуқуқий, ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий нашрлар)нинг бепул назорат нусхалари (бир нусхада);

Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика кўмитаси, Ички ишлар вазирлиги, Олий суди, бошқа вазирлик ва идораларнинг статистик ахборотлари мажбурий юбориладиган ташкилотлар рўйхати киритилсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси уч ой муддатда:

Академия Уставини, прокуратура органлари ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курслари тўғрисидаги Низомни, қайта тайёрлаш ва малака ошириш курслари ўқув режалари ва дастурларини, Академия магистратурасига қабул қилиш ва ўқитишни ташкил этиш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқласин;

Мазкур Фармон талабларига мувофиқ Академия штатлар жадвали ва харажатлар сметасини тасдиқласин;

Академияни ўқитишнинг замонавий шакл ва услубларини қўллаш кўникмаларига ҳамда амалий иш тажрибасига эга, шунингдек, хорижий тилларни эгаллаган малакали кадрлар билан тўлдирсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси:

Академиянинг ўқув жараёни ва илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш учун ахборот-коммуникация технологияларидан, шу жумладан, видео-конференцалоқа ва масофавий таълим усулларида фойдаланган ҳолда "Электрон таълим" миллий тармоғига уланишини;

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасининг ахборот-кутубхона фондига ва етакчи хорижий ахборот-кутубхона ресурслари фондларига доимий ва узлуксиз равишда киришини таъминласин.

13. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги мазкур Фармон талабларига мувофиқ Академияга зарур маблағларни 2018 йил учун ажрат-

син, 2019 йилдан бошлаб эса уларни Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети харажатлари параметрларида назарда тутсин.

14. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда Академияни жойлаштириш ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси биноларининг ягона мажмуини қуриш доирасида Академия қурилишини ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилсин.

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 7 ноябрдаги "Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Олий ўқув курсларини ташкил этиш тўғрисида"ги ПҚ-727-сон қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг баъзи қарорларига 3-иловага мувофиқ ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин.

17. Ўзбекистон Республикаси Бош прокурату-

раси Адлия вазирлиги билан биргаликда уч ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига қонун ҳужжатларига мазкур Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисидаги таклифларни киритсин.

18. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов, Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори О.Б. Муродов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Б.М.Мавлонов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,
2018 йил 8 май,
ПФ-5438-сон

ФУҚАРОЛИК ПРОЦЕССИ ИШТИРОКЧИЛАРИ



Фуқаролик процессуал ҳуқуқи фанининг фундаментал муаммоларини ўрганмай туриб, давлат ва жамият ҳаётида амалга оширилаётган ўзгаришлар туб мазмун-моҳиятини англаб етишнинг имкони йўқ. Фуқаролик процесси учун анъанавий бўлган масалалар: суднинг субъектив фуқаролик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш механизмидаги роли, фуқаролик процессуал ҳуқуқий муносабатлар ва суд орқали ҳимояланиш механизмида ҳуқуқий низонинг ўрни, ижтимоий муносабатларни тартибга солишда суд таъсирининг аҳамияти ва бошқалар шулар жумласидандир. Шу маънода, фуқаролик процесси иштирокчиларининг суд ишларини юритишдаги ўрни ва роли, улар бажарадиган функцияларнинг мазмун-моҳияти ва ўзига хос жиҳатлари, процесс иштирокчилари ўртасидаги муносабатларнинг шаклланиши ва шу билан боғлиқ масалалар фуқаролик процесси фанини чуқур ўрганиш, ундаги муаммолар ечимини топишда муҳим аҳамиятга эга.

Қўлланма мавзусининг долзарблиги қуйидагиларда кўринади: маълумки, ҳар қандай ҳуқуқий муносабат сингари фуқаролик процессуал ҳуқуқий муносабатларнинг ҳам ўз объекти, мазмуни ва субъекти мавжуд бўлиб, бундай муносабат иштирокчиси процессда муайян функцияни бажариши лозим. Улар одил судловни амалга ошириш, ўз субъектив ҳуқуқи ёки қонун билан қўриқланадиган манфаатини ҳимоя қилиш, қонунийлик устидан назоратни амалга ошириш, одил судловга кўмаклашиш ва шу қабилар кўринишида бўлиши мумкин. Фуқаролик процессуал муносабатлар субъектлари орасида одил судловни амалга оширувчи орган — суд ва процессда иштирок этувчи бошқа ҳаракатларни амалга оширувчи шахсларни алоҳида ажратиш кўрсатиш мумкин. Мазкур иштирокчиларнинг ҳуқуқий мақоми бир-биридан бир қадар фарқланади. Масалан, даъвогар ўзининг бузилган ҳуқуқлари ёки қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида даъво қўзғатади. Учинчи шахслар эса иш кўрилиши бошланганидан сўнг унга қўшилади. Эксперт суд томонидан экспертиза тайинлаш тўғрисида ажрим чиқарилганидан ва унга ушбу ҳаракатларни амалга ошириш юқланганидан сўнг ишга киришади. Прокурор у ёки бу сабабларга кўра ўз ҳуқуқини ҳимоя қилиш имкониятига эга бўлмаган шахслар манфаатини кўзлаб судга ариза билан мурожаат этиб, процессда иштирок этади ёки бошқа шахслар ташаббуси билан қўзғатилган

ишларда қатнашиб, прокурор ваколатини таъминлайди. Гувоҳ судга кўргазма бериш учун чақирилади. Жавобгар ўзига нисбатан қўзғатилган даъво юзасидан жавоб бериш учун суд процессига жалб қилинади. Шу тариқа, ҳар бир процесс иштирокчининг процессуал муносабатдаги ўз ўрни, вазифа ва функциялари, ҳуқуқ ҳамда мажбуриятлари белгилаб қўйилган.

Мазкур қўлланмада фуқаролик процесси иштирокчилари ўртасидаги ҳуқуқий муносабатларда махсус қонунлар ва қонуности ҳужжатларининг аҳамияти муҳокама қилинади. Бундан мақсад — процесс иштирокчилари ўртасидаги ҳуқуқий муносабатлар хусусияти, тушунчалар нисбати ва қонун ҳужжатлари талабидан келиб чиқиб, уларнинг ўзига хос жиҳатларини ўрганишдир. Қўйилган вазифалар эса, процесс иштирокчилари ҳуқуқий мақомини ўрганиш, уларнинг фуқаролик-процессуал ҳолати ўзига хос жиҳатларини таҳлил қилиш, одил судловни амалга оширишга кўмаклашувчи шахслар доирасини ўрганишдан иборат.

Қўлланма, ўзининг мақсад ва вазифаларидан келиб чиқиб, тузилишига кўра кириш, уч боб, ҳулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати, амалий топшириқ ва тавсиялардан иборат.

Юқоридегилардан келиб чиқиб, мазкур қўлланмада фуқаролик процесси иштирокчилари ҳақида ўқувчи учун қизиқарли бўлган бир қатор маълумотлар берилиб, ҳар бир процесс иштирокчисига тегишли бўлган функцияларни амалга ошириш механизмларига оид масалалар ёритилган.

«Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Академияси
Ахборотномаси»да нашр этиладиган мақолага қуйидаги талаблар қўйилади:

– мақолада жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизациялаш ва ислоҳ этишнинг умумназарий, ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий масалалари, мазкур соҳаларда амалга оширилган ишларнинг тизимли таҳлили ҳамда аниқ янги назарий ва амалий таклифлар акс этиши;

– матн такрорларсиз, мантиқий изчил, баён қилинган фикрлар аниқ, қисқа ва лўнда бўлиши;

– келтириладиган маълумотлар ишончли ва тўғри бўлиши;

– мақолага журналда нашр қилиш мумкинлиги ҳақида шу соҳадаги етакчи ҳуқуқшунос олим ва мутахассиснинг, муаллиф ишлайдиган ёки тадқиқотчи ҳисобланадиган олий ўқув муассасаси кафедраси ёки институти раҳбари тақризи;

– матн ўзбек ва рус тилида тақдим этилиши;

– матн компьютерда Wordнинг "Times New Roman"ида 14 шрифтда 1,5 интервалда А4 форматли стандарт оқ қоғознинг бир томонида ёзилиши, электрон нусхада тақдим этилиши ҳамда матннинг чап қисми 3 см, ўнг қисми 1,5 см, тепа ва пастки қисмлари 2 см бўлиши;

– мақолада илмий баҳс-мунозара, иқтибосларнинг мавжуд бўлиши; иқтибослар 12 шрифтда 1,0 интервалда ёзилиши;

– мақоланинг ҳажми 8 бетдан 10 бетгача бўлиши;

– мақоланинг сўнгги саҳифасида муаллифнинг исм-шарифи, илмий даражаси ва унвони, иш жойи ва лавозими, яшаш ва хизмат манзили, телефон рақамлари ёзилган;

– ўзбек, рус ва инглиз тилидаги қисқа аннотация ҳамда таянч сўзлар бўлиши лозим.

Мақолаларни қуйидаги электрон манзилга юборинг: proacademy@prokuratura.uz



Требования к статьям, публикуемым в «Ўзбекистон Республикаси
Бош прокуратураси Академияси Ахборотномаси»:

– статья должна содержать анализ общетеоретических, общественно-политических, правовых вопросов демократизации и обновления общества, реформирования и модернизации страны с отражением положения дел в данной сфере, а также теоретические и практические предложения;

– исключение повторов в тексте, логическая последовательность, точность, краткость и ясность изложенных идей;

– достоверность и корректность приводимой в статье информации;

– к статье должны прилагаться отзыв ученого-правоведа или специалиста в этой области о возможности публикации статьи в журнале, а также отзыв кафедры высшего учебного заведения или отделения научно-исследовательского института, где автор работает или является соискателем;

– представление статьи на узбекском и русском языках;

– статья представляется вместе с ее электронной копией, подготовленной с помощью текстового редактора "Word", где текст должен быть отпечатан через 1,5 компьютерных интервала 14 шрифтом "Times New Roman" (сноски 12 шрифтом) на одной стороне стандартной белой бумаги формата А 4. Поля страницы должны составлять: левое — 3 см, правое — 1,5 см, верхняя и нижняя части — 2 см; — наличие в статье научной полемики, сносок;

– объем статьи должен быть от 8 до 10 печатных страниц;

– на последней странице статьи должны быть указаны имя, фамилия и отчество, ученая степень и ученое звание, место работы и должность, домашний или служебный адрес, телефоны автора;

– ключевые слова и краткая аннотация статьи на узбекском, русском и английском языках.

Статьи направлять по адресу: proacademy@prokuratura.uz

